

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲИСОБ ПАЛАТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ
МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2020 ЙИЛДАГИ
ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ БЎЙИЧА
Х У Л О С А

Тошкент - 2021 йил

I. КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Бюджет кодексига белгиланган тартибда Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказиш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2021 йил 5 апрелдаги 02/1-347-сонли хат билан Ҳисоб палатасига тақдим этилди.

Давлат бюджетининг 2020 йилги даромадлари ва харажатлари бўйича белгиланган режа кўрсаткичлари ижросининг ташқи аудити Молия вазирлиги ва унинг Ғазначилиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ҳамда давлат мақсадли жамғармаларининг ҳисоботлари, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг тақсимловчиларини ҳисоботлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган Молия вазирлиги, Ғазначилик ва бюджет ташкилотларининг ҳисобварақларидаги қолдиқ маблағлари, тушумлари ҳамда уларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилди.

Мазкур хулоса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказиш натижалари тўғрисида тайёрланган.

II. Макроиктисодий кўрсаткичлар

2020 йилда бутун дунёда COVID-19 инфекцияси тарқалиши ва деярли барча давлатларда карантин чекловлари киритилиши барча мамлакатлар иқтисодиётига ўзнинг салбий таъсирини кўрсатди.

COVID - 19 тарқалиш даражаси кескин ошиши сабабли, бутун дунё иқтисодий рецессияга учраганига қарамай, Ўзбекистон иқтисодиёти ижобий иқтисодий ўсишни сақлаб қолди. Бунга, мамлакатимизда мувофиқлашган фискал ва пул-кредит сиёсати чораларини ўз вақтида амалга оширилганлиги туфайли эришилди.


Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2020 йил якунлари бўйича Республикамиз иқтисодиёти 2019 йилга нисбатан 1,6 фоизга ўсиб, ЯИМ хажми 580,2 трлн сўмни ташкил этди.

Иқтисодий ўсиш саноатда 0,7 фоизга, қурилишда 9,2 фоизга, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 3,0 фоизга ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасида 0,1 фоизга таъминлаган.

Республикамизда ЯИМнинг 1,6 фоизга ўсишини таъминланиши қишлоқ хўжалиги соҳасини 0,76 фоиз, қурилиш соҳасини 0,55 фоиз, саноат соҳасини 0,18 фоиз ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасини 0,04 фоизлик ижобий ўзгаришлари ҳиссасига тўғри келган (1-расм).

1-расм

2020 йил ЯИМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси



Шу билан бирга, ҳисобот даврида ялпи қўшилган қиймат таркибида хизматлар 36,3 фоизни (2019 йилда 36,1 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 28,2 фоизни (28,0 фоиз), саноат 28,5 фоизга (29,3 фоиз), қурилиш 7,0 фоизни (6,6 фоиз) ташкил этган.

2020 йилда инвестицион фаоллик пасайиши кузатилиб, **асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар** ҳажми 2019 йилга нисбатан 8,2 фоизга қисқарди ва **202,0 трлн сўмни** ташкил этди.

Инфляция даражаси тасдиқланган прогноз параметрлари доирасида шаклланиб 11,1 фоизни ташкил этди (прогноз 12,5 - 13,0 фоиз).

Бунда, озиқ-овқат маҳсулотлари – 15,3 фоизга, ноозиқ-овқат маҳсулотлари – 8,8 фоизга ва хизматлар – 7,1 фоизга қимматлашиши кузатилди.

III. Давлат бюджети даромад қисмининг ижроси

3.1 Давлат бюджети даромадлари, белгиланган прогноз кўрсаткичлари ва уларнинг ижроси.

3.1.1 Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни билан тасдиқланган Давлат бюджети даромадларининг 2020 йил учун **прогноз кўрсаткичлари** (давлат мақсадли жамғармаларисиз) **128 460,0** млрд сўмни ташкил этган.

Йил давомида прогноз кўрсаткичларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши натижасида **аниқлаштирилган прогноз кўрсаткичи** (давлат мақсадли жамғармаларисиз) **128 745,7** млрд сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020 йилги даромадлар (давлат мақсадли жамғармаларисиз) ижроси **132 938,0** млрд сўм бўлиб, аниқлаштирилган режага нисбатан **4 192,4** млрд сўм кўп ёки **103,3** фоизни ташкил этган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020 йилдаги даромадлари ижроси тўғрисида маълумот

млрд сўм

Кўрсаткичлар	Прогноз	Ижро	Фарқи	
			сумма	фоиз
Даромадлар, давлат мақсадли жамғармаларисиз – жами	128 745,7	132 938,0	4 192,4	103,3
Давлат солиқ қўмитаси тушумлари	99 883,7	103 561,6	3 677,9	103,7
Давлат божхона қўмитаси тушумлари	23 322,5	24 708,4	1 385,9	105,9
Молия вазирлиги тушумлари	5 539,5	4 668,0	-871,5	84,3
Бевосита солиқлар	42 161,2	45 206,9	3 045,7	107,2
Фойда солиғи	26 231,0	28 712,2	2 481,2	109,5
Айланмадан олинadиган солиқ	1 333,9	1 353,9	20,0	101,5
Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	14 596,3	15 140,8	485,1	103,4
Билвосита солиқлар	45 348,0	46 428,4	1 080,3	102,4
Кўшилган қиймат солиғи	31 013,9	31 177,4	163,4	100,5
Акциз солиғи	11 403,9	11 697,3	293,4	102,6
Божхона божи	2 930,2	3 553,7	623,4	121,3
Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	20 386,9	21 257,0	870,1	104,3
Мулк солиғи	1 797,0	1 974,3	177,3	109,9

Кўрсаткичлар	Прогноз	Ижро	Фарқи	
			сумма	фоиз
Ер солиғи	2 078,9	2 386,7	307,8	114,8
Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	16 176,8	16 417,1	240,3	101,5
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	334,2	478,8	144,7	143,3
Бошқа даромадлар	20 849,6	20 045,8	-803,7	96,1

Давлат бюджетига 2020 йил якунида ҳақиқатда **132 938,0** млрд сўм даромадлар ундирилиши таъминланиб, шундан солиқ органлари томонидан **103 561,6** млрд сўм (*умумий даромаднинг 77,9 фоизи*), божхона органлари томонидан **24 708,4** млрд сўм (*18,6 фоиз*), Молия вазирлиги томонидан **4 668,0** млрд сўм (*3,5 фоиз*) тушумлар таъминланган.

Солиқ идоралари томонидан Давлат бюджетига ундирилиши лозим бўлган солиқлар ва йиғимлар бўйича 99 883,7 млрд сўм аниқлаштирилган прогноз белгиланиб, амалда 103 561,6 млрд сўмга ёки 3 677,9 млрд сўмга кўп (*103,7 фоиз*) ижро қилинган.

Божхона органлари ваколатидаги Давлат бюджетига тўланадиган божхона тўловлари бўйича 23 322,5 млрд сўм аниқлаштирилган прогноз белгиланиб, амалда 24 708,4 млрд сўмга ёки 1 385,9 млрд сўмга кўп (*105,9 фоиз*) бажарилган.

3.1.2 Давлат бюджети даромадлари бўйича прогноз кўрсаткичларининг бюджетлар кесимидаги ижроси таҳлил қилинганда, Ўзбекистон Республикаси республика бюджети даромадлари бўйича белгиланган 103 769,6 млрд сўм прогноз амалда **105 235,1** млрд сўмга ёки 1 465,1 млрд сўмга (*101,4 фоиз*), Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари даромадлари бўйича 24 976,1 млрд сўм белгиланган прогноз амалда **27 702,9** млрд сўмга ёки 2 726,8 млрд сўмга (*110,9 фоизга*) орттириб бажарилганлиги маълум бўлди.

2-жадвал

Давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичларининг
бюджетлар даражасидаги ижроси тўғрисида маълумот

млрд сўм

Кўрсаткичлар	Аниқлашти- рилган прогноз	Амалдаги тушумлар	Фарқи	
			сумма	%
Даромадлар - жами <i>шу жумладан:</i>	128 745,7	132 938,0	4 192,4	103,3
Ўзбекистон Республикаси республика бюджети	103 769,6	105 235,1	1 465,5	101,4
Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари	24 976,1	27 702,9	2 726,8	110,9

3.1.3 Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига асосан 2020 йил давомида солиқ тушумлари бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Даромадларни 2020 йил учун тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига I - IV чораклар давомида ўзгартиришлар киритилган, натижада йиллик прогноз кўрсаткичи **12 та** ҳудуд бўйича жами **794,7** млрд сўмга камайтирилган, 2 та ҳудуд (*Навоий ва Наманган вилоятлари*) бўйича 18,6 млрд сўмга **оширилган** ҳолда ҳудудлар бўйича қайта тақсимланган.

Молия вазирлиги томонидан Давлат солиқ қўмитасига етказиб берилган дастлабки **100 764,5** млрд сўм прогноз кўрсаткичлари **880,9** млрд сўмга камайтирилган ҳолда аниқлаштирилган прогноз **99 883,7** млрд сўм этиб белгиланган.

3-жадвал

Давлат солиқ қўмитасига етказилган
бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичларидаги ўзгаришлар

млрд сўм

Ҳудудлар	Молия вазирлиги томонидан етказиб берилган дастлабки прогноз	Аниқлаштирилган прогноз	Фарқи
ЖАМИ	100 764,5	99 883,7	-880,9
Қорақалпоғистон Республикаси	1 585,4	1 576,9	-8,5
Андижон вилояти	1 956,8	1 961,4	4,6
Бухоро вилояти	1 755,3	1 736,3	-19,0
Жиззах вилояти	1 019,6	965,9	-53,7
Қашқадарё вилояти	2 123,7	2 106,8	-16,9
Навоий вилояти	970,0	952,0	-18,0
Наманган вилояти	1 684,4	1 693,4	9,0
Самарқанд вилояти	2 254,8	2 202,9	-51,8
Сурхондарё вил.	1 481,9	1 464,8	-17,1
Сирдарё вилояти	716,8	684,4	-32,4
Тошкент вилояти	3 176,1	3 117,9	-58,2
Фарғона вилояти	2 325,5	2 337,5	12,0
Хоразм вилояти	1 332,8	1 315,5	-17,2
Тошкент шаҳри	10 932,5	10 908,6	-23,9
ДСҚ назоратидаги тушумлар	67 448,9	66 859,2	-589,7

Йиллик прогноз кўрсаткичлари Тошкент вилоятида 58,2 млрд сўмга, Жиззахда 53,7 млрд сўмга, Самарқандда 51,8 млрд сўмга, Сирдарёда 32,4 млрд сўмга, Тошкент шаҳрида 23,9 млрд сўмга, Бухорода 19 млрд сўмга, Навоийда 18 млрд сўмга, Хоразмда 17,2 млрд сўмга, Сурхондарёда 17,1 млрд сўмга, Қашқадарёда 16,9 млрд сўмга, Қорақалпоғистон Республикасида 8,5 млрд сўмга, Худудлараро йирик солиқ тўловчилар инспекциясида 589,7 млрд сўмга **камайтирилган**.

Шунингдек, прогноз кўрсаткичлари Фарғона вилоятида 12,0 млрд сўмга, Наманганда 9,0 млрд сўмга ва Андижонда 4,6 млрд сўмга **оширилган**.

Даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари чорақлар кесимида таҳлил қилинганда, I чорақ прогноз ижроси жами 599,6 млрд сўмга (103%) орттириб бажарилган бўлса, Худудлараро йирик солиқ тўловчилар инспекцияси зиммасидаги прогноз 113,5 млрд сўмга бажарилмаган.

Прогноз ижроси II чорақда 697,8 млрд сўмга (103%), III чорақда 663,9 млрд сўмга (103%) ва IV чорақда 1 716,6 млрд сўмга (106%) барча худудларда орттириб бажарилган.

3.2 Маҳаллий бюджетларнинг 2020 йилдаги даромадлари ижроси.

3.2.1 Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 28-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг қарорларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари параметрларини тасдиқланиши белгиланган.

4-жадвал

Маҳаллий бюджетларни 2020 йилдаги даромадлари ижроси

млрд сўм

Худудлар	Аниқлаштирилган прогноз	Амалдаги тушумлар	Фарқи	%
ЖАМИ	24 976	27 703	2 727	111%
Қорақалпоғистон Республикаси	2 440	2 744	304	112%
Андижон вилояти	1 991	2 106	115	106%
Бухоро вилояти	1 583	1 783	200	113%
Жиззах вилояти	898	1 058	160	118%
Қашқадарё вилояти	2 244	2 469	225	110%
Навоий вилояти	1 369	1 541	172	113%
Наманган вилояти	1 643	1 763	120	107%
Самарқанд вилояти	2 214	2 386	172	108%

Худудлар	Аниқлаштирилган прогноз	Амалдаги тушумлар	Фарқи	%
Сурхондарё вилояти	1 430	1 606	175	112%
Сирдарё вилояти	642	716	74	112%
Тошкент вилояти	2 179	2 395	217	110%
Фарғона вилояти	2 444	2 677	234	110%
Хоразм вилояти	1 200	1 303	102	109%
Тошкент шаҳри	2 700	3 156	456	117%

3.2.2 Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун (кейинги ўринларда Қонун деб юритилади)нинг 19-моддасига асосан 2020 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадларини манбалари тасдиқланган.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларининг қарорлари билан тасдиқланган.

Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорда айрим даромад турларининг бюджетлар ўртасидаги тақсимотини (ажратмалар меъёрлари бўйича) нотўғри акс эттирилиши натижасида, даромадларни бюджет даражалари ўртасида нотўғри тақсимланишига сабаб бўлган.

Жумладан, Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг 2019 йил 16 декабрдаги 59/379-сонли “Навоий вилоятининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қароридан Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ бундан мустасно) тури Қарорнинг 2-банди г- кичик бандида туман (шаҳар)лар бюджетига тўлиқ ўтказилиши белгиланган бўлсада, Қарорнинг 6-бандида Кармана туман маҳаллий бюджетининг мазкур даромад тури бўйича тушумларни вилоят бюджетига тўлиқ ўтказилиши кўзда тутилган.

3.2.3 Қонуннинг 12-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари Қонуннинг 6-иловасига мувофиқ маълумот учун қабул қилинган.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари прогнозини
ўзгариши тўғрисида маълумот

млрд сўм

№	Худудлар номи	Тасдиқ-ланган режа	Молия вазирлиги томонидан аниқлаштириш натижасидаги ўзгариш*	Халқ депутатлари Кенгашлари қарорларига асосан киритилган ўзгариш	Аниқланган прогноз	Тушум
	Жами	30 273,9	-5 582,7	285,7	24 976	27 703
	<i>шундан:</i>					
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2 833,3	-431,4	38,1	2 440	2 744
2	Андижон вилояти	2 187,4	-230,5	34,1	1 991	2 106
3	Бухоро вилояти	2 142,3	-559,3	0,0	1 583	1 783
4	Жиззах вилояти	1 050,8	-166,4	13,6	898	1 058
5	Қашқадарё вилояти	2 935,7	-709,7	18,0	2 244	2 469
6	Навоий вилояти	1 353,6	-2,1	17,5	1 369	1 541
7	Наманган вилояти	2 016,5	-398,1	24,6	1 643	1 763
8	Самарқанд вилояти	2 714,8	-518,0	17,2	2 214	2 386
9	Сурхондарё вилояти	1 741,6	-336,1	24,5	1 430	1 606
10	Сирдарё вилояти	751,2	-120,2	11,0	642	716
11	Тошкент вилояти	2 582,9	-426,9	23,0	2 179	2 395
12	Фарғона вилояти	3 005,6	-589,6	28,0	2 444	2 677
13	Хоразм вилояти	1 402,2	-212,2	10,0	1 200	1 303
14	Тошкент шаҳри	3 556,1	-882,2	26,1	2 700	3 156

* алкоголь маҳсулотлари учун ва мобил алоқа хизмати кўрсатганлик учун акциз солиғи прогнози қўшилган ҳолда.

Шунингдек, Қонуннинг 3-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари белгиланган тартибда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиши белгиланган.

Бюджет кодексининг 29-моддасида Молия вазирлигига Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасига Давлат бюджетининг даромадлари прогнозини ҳар чорақда етказиш вазифаси юклатилган.

Шунга асосан, Молия вазирлиги томонидан маҳаллий бюджетлар

даромадлари прогноз кўрсаткичлари **5 582,7** млрд сўмга камайтирилган ҳолда етказилган.

Бироқ, мазкур ўзгаришлар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг қарорлари қабул қилинмаган.

3.3 Даромадларни белгиланган ажратмалар меъёрларига мувофиқ тақсимланганлиги.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари параметрларида умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича туман (шаҳар)лар бюджетларига ажратмалар меъёрлари белгиланган.

Мазкур Қонунга асосан Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан қабул қилинган қарорларда бюджет даражалари ўртасида тақсимлаш меъёрлари ҳудудий молия ва ғазначилик органлари томонидан “Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими”га киритилиши ўрганилганда, айрим даромад турлари бўйича белгиланган тақсимотларни ахборот тизимига нотўғри киритилганлиги аниқланди. Жумладан:

Халқ депутатлари Навоий, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорларида белгиланган 7 та солиқ турлари бўйича меъёрлар “Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими”га нотўғри киритилган;

Навоий вилоятининг вилоят ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетларига туманлар (шаҳарлар) бюджетларидан **40 215,4** млн сўм;

туманлар (шаҳарлар) бюджетларига Навоий ва Самарқанд вилоятларининг вилоят ҳамда Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетларидан **25 269,3** млн сўм миқдоридаги тўловлар ўтказилмасдан қолган.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига туман(шаҳар)лар бюджетларидан **40 215,4** млн сўм;

туман(шаҳар)лар бюджетларига Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан **25 269,3** млн сўм миқдоридаги тўловлар ўтказилмасдан қолган.

Ҳисоб палатаси томонидан даромадлар ижроси йўналишидаги аудит объектлари сифатида Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Молия вазирлигида таҳлиллар олиб борилди.

3.4 Молия вазирлигида ўтказилган аудит бўйича.

Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот шакли Молия вазирининг 2013 йил 2 декабрдаги 157-сонли буйруғи билан тасдиқланган шаклда тузилиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб келинмоқда.

Бюджет кодексининг 29-моддасида Молия вазирлигининг бюджет соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб, унда Молия вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот шакллари белгилаш кўрсатилган.

Бунда, Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот шаклини тасдиқлаш белгиланмаган.

Молия вазирлигининг 2013 йил 2 декабрдаги 157-сонли буйруғи билан тасдиқланган ҳисобот шаклида Давлат бюджети даромадларининг йиллик прогноз кўрсаткичлари ва ҳақиқатда тушумлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган.

Давлат бюджети даромадлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни бирламчи маълумотлари, асосан Давлат солиқ кўмитаси ва Давлат божхона кўмитасида шаклланган бўлиб, тақдим этилган ҳисобот шаклларида ушбу кўмиталар томонидан ҳисоби юритилаётган давлат бюджетининг ижроси билан боғлиқ асосий кўрсаткичлар акс эттирилмасдан қолмоқда.

Жумладан, **солиқ ва божхона тўловлари бўйича ҳисобланган даромадлар, қўлланилган имтиёз ва преференциялар, солиқ қарздорлиги ва уларни ўзгариши, ортиқча тўловлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундирувчанлик даражаси, давлат активларининг ўзгариши** каби маълумотлар Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмайди.

3.4.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 майдаги “Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4642-сонли қарорининг 6-бандига асосан 2020 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Тошкент шаҳрида ташқи реклама объектларида (конструкцияларида) **ташқи рекламани жойлаштириш (тарқатиш) ҳуқуқи учун ойлик йиғим**, ташқи реклама объектлари учун реклама жойлари **паспортларини беришдан** тушадиган маблағлар ҳамда **ташқи реклама объектларини қуриш ҳуқуқи** учун электрон аукцион яқунлари бўйича тўланган маблағлар Тошкент шаҳар бюджетига тўлиқ ўтказилиши белгиланган.

Ушбу йўналишларда ундирилган **651,8 млн сўм** маблағлар Тошкент шаҳар бюджетига ўтказилмасдан, туманлар бюджетига ўтказилганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августдаги “Ташқи рекламани жойлаштириш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 702-сонли қарорнинг 1-бандига асосан ташқи реклама

объектларини (конструкцияларини) ер участкаларида ва давлат мулки бўлган бино ва иншоотларда жойлаштириш ҳуқуқини электрон аукцион натижалари асосида сотишдан тушган маблағларнинг 60 фоизи туманлар (шаҳарлар) бюджетига, 40 фоизи Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига йўналтирилади.

Мазкур йўналишда ундирилган тушумларни кирим қилиш бўйича тегишли даромад турларига шахсий ғазна ҳисобварақлар очилмаганлиги сабабли, 2020 йилда ташқи реклама объектини куриш ҳуқуқи бўйича ундирилган 271,9 млн сўм маблағларнинг **108,8 млн сўми** Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига йўналтирилмасдан қолган.

3.4.2 Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 ноябрдаги 924-сонли қарори билан тасдиқланган Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 4-бандига асосан Жамғарма маблағларини шакллантириш манбаларидан бири Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг кирганлиги ва транзит ўтиши учун йиғимнинг 80 фоизи ҳисобланади.

Республика ҳудудига хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг кирганлиги ва транзит ўтиши учун 2020 йилда унирилган 82 223,3 млн сўмлик йиғимлар нотўғри тақсимланиб, Жамғармага **51 912,2 млн сўм** маблағлар ўтказилмасдан қолган.

3.4.3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4246-сонли қарорининг 6-бандида Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбаларидан бири сифатида Давлат бюджетидан ажратиладиган ТИФ ТН коди 07 ва 08 бўлган товар гуруҳлари бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилишдан тушган божхона тўловлари (*божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно*) суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда ажратмалар белгиланган.

2020 йилда ТИФ ТН коди 07 ва 08 бўлган товар гуруҳлари бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилишдан 548 671,3 млн сўм ундирилган бўлсада, шундан Жамғармага **54 867,1 млн сўм** ажратмалар ўтказиб берилмаган.

3.4.4 Ғазначилик тизимида давлат божлари, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни автоматлашган тартибда ажратма қилиш тартиби барча вазирлик ва идоралар томонидан ундириладиган давлат божлари, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар учун тўлиқ қўлланилмаганлиги натижасида, 2020 йилда **Давлат бюджетига даромадларни тўлиқ кирим қилинмай қолинган.**

Масалан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан кўрсатилган хизматлар учун ундириладиган йиғимлар

даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларига йўналтирилмасдан инспекциянинг бюджетдан ташқари махсус ҳисоб рақамида жамланиб, уларни Давлат бюджетига ўз вақтида тақсимланмаслиги ҳамда белгиланган тақсимот меъёрларини бузилиши натижасида **6 812,1 млн сўм** тушумлар Давлат бюджетидан даромадларига кирим қилинмасдан қолган.

3.4.5 Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағларни бошқаришни тартибга солиш тўғрисида”ги 383-сонли қарорида Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинча бўш маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш тартиби белгиланган.

Бунда, Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинча бўш маблағларни депозитларига жойлаштирилиши мумкин бўлган тижорат банкларини аниқлаш Ғазначилик томонидан Молия вазирлигининг тегишли ахборот тизимида **ЭЪЛОН жойлаштириш йўли танлов асосида** амалга оширилади.

Шунга қарамасдан, Ғазначилик ва Марказий банк ўртасида 2020 йил 13 февралда 170-сонли шартнома тузилиб, Ягона ғазна ҳисобварағидаги 2 000,0 млрд сўм маблағлар 2021 йил 24 июнга қадар танлов ўтказмаган ҳолда **тўғридан-тўғри** Марказий банк депозитига жойлаштирилган.

Депозитга жойлаштирилган 2 000,0 млрд сўм маблағлар учун Марказий банк томонидан 260,5 млрд сўм фоизлар тарзидаги даромадлар ҳисобланиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 майдаги 383-сонли қарорида белгиланган тартибда тақсимланган (бунда, асосий ҳажмдаги маблағлар тегишли тартибда бюджетдан ташқари ҳисобварақларга тақсимланади).

Мазкур ҳолатда Марказий банк томонидан Солиқ кодексининг 344-345-моддаларида белгиланган тартибга амал қилинмасдан, 15 фоизлик ставкада тўлов манбаида **39 073,9 млн сўм** солиқ суммаси Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига тўлаб берилмаган.

3.4.6 Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Европа иттифоқи ўртасида 2020 феврал ойида тузилган молиявий келишувга асосан қишлоқ хўжалиги соҳасини қўллаб-қувватлаш мақсадида қайтариб бермаслик шарти билан 2020 йил 17 августда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига ўтказиб берилган грант маблағларининг 10 999,9 минг Евро (*миллий валютадаги эквиваленти 134,2 млрд сўм*) қисми “Давлат бюджетидан даромадларининг ижроси тўғрисида”ги ҳисоботда “Ташқи қарзлар (кредиторлар)” (3 620 316) даромад кодига нотўғри кирим қилинган бўлиб, “Давлат бюджетидан даромадларининг ижроси тўғрисида”ги ҳисоботда 2020 йилдаги жами даромадлар таркибида акс эттирилмаган.

3.4.7 “Давлат бюджетидан даромадларининг ижроси тўғрисида”ги ҳисоботда валюта операциялари бўйича олинган даромадлар ва ташқи қарзлар (кредитлар) ҳисобини тўғри акс эттирилиши ўрганилганда қуйидагилар аниқланди.

3.4.8.1 Ўзбекистон Республикаси томонидан 555,0 млн АҚШ доллари

миқдорида халқаро облигациялар 3,7 купон (фоиз) ставка билан 10 йил муддатга ва 2 трлн сўм миқдоридаги халқаро облигациялар 14,5 купон (фоиз) ставка билан 3 йил муддатга жойлаштирилган.

Мазкур жойлаштирилган халқаро облигациялар учун 2020 йил 26 ноябрда жами 746 776,2 минг АҚШ доллари Молия вазирлиги Ғазначилигининг валюта ҳисобварағига келиб тушган.

Ушбу маблағлардан 399,8 млрд сўми (38 250 минг АҚШ доллари) 2020 йил 29 декабрда “Халқ банки” АТБ (145,0 млрд сўм), “Микрокредитбанк” АТБ (80,0 млрд сўм) ва “Агробанк” АТБга (175,0 млрд сўм) оилавий тадбиркорлик дастурлари учун ресурс сифатида депозитларга жойлаштирилган ва “Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисида”ги ҳисоботда “Узоқ муддатли евро облигациялардан тушган тушумлар” (3 620 306) турида акс эттирилган.

Халқаро облигациялар учун 2020 йилда келиб тушган маблағлардан йил охиридаги **7 423,2 млрд сўм** (708 526,2 минг АҚШ доллари) қолдиқ Молия вазирлиги Ғазначилигининг валюта ҳисобварағида мавжуд бўлсада, “Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисида”ги ҳисоботда миллий валютадаги эквивалентда “Узоқ муддатли евро облигациялардан тушган тушумлар” (3 620 306) турида **кўрсатилмаган**.

3.4.8.2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июлдаги “Ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3877-сон қарорига асосан жаҳон молия бозорларида жойлаштирилган 1 млрд АҚШ доллари миқдоридаги 5 йил ва 10 йил муддатли суверен халқаро облигациялари ҳисобидан фоизлар тўлови ўрганилди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш мақсадида 2019 йилда Молия вазирлиги томонидан:

- 9 та тижорат банкларига жами 889,2 млн АҚШ доллари, шундан 5 йил муддатга йиллик 5,25 фоиз ставкада 459,6 млн АҚШ доллари, 10 йил муддатга йиллик 5,875 фоиз ставкада 429,6 млн АҚШ доллари депозитларга жойлаштирилган;

- “Агробанк” АТБга 20 млн АҚШ доллари йиллик 5,875 фоиз ставкада субординар қарз сифатида кредит линиясини очиш учун берилган;

- “Навоий кон-металлургия комбинати” ДКга жами 89,9 млн АҚШ доллари, шундан 5 йил муддатга йиллик 5,75 фоиз ставкада 39,95 млн АҚШ доллари, 10 йил муддатга йиллик 6,375 фоиз ставкада 49,95 млн АҚШ доллари истисно тариқасида хорижий валютада бюджет ссудаси сифатида ажратилган.

Тижорат банклари ва “Навоий кон-металлургия комбинати” ДКга жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан 2020 йилда **жами 49 287,1 минг АҚШ доллари** (миллий валютадаги эквиваленти 487 392,7 млн сўм) фоизлар тарзидаги даромадлар олинган.

Суверен облигациялар учун ҳисобланган фоизлар бўйича 2020 йил давомида **50 625,0 минг АҚШ доллари** (*миллий валютадаги эквиваленти 500 352,2 млн сўм*) тўлаб берилиб, шундан 49 287,1 минг АҚШ доллар (*миллий валютадаги эквиваленти 487 392,7 млн сўм*) фоизлар тарзидаги даромадлар ҳисобидан, 1 337,9 минг АҚШ доллари (*миллий валютадаги эквиваленти 13 323,9 млн сўм*) давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш мақсадида жалб қилинган ташқи қарз маблағлари ҳисобидан қоплаб берилган.

“Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисида”ги ҳисоботда Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини жойлаштиришдан фоизлар тарзида олинган **49 287,1 минг АҚШ доллари** (*миллий валютадаги эквиваленти 487 392,7 млн сўм*) миқдоридаги даромадлар ва халқаро облигацияларнинг фоиз харажатлари учун йўналтирилган **50 625,0 минг АҚШ доллари** (*миллий валютадаги эквиваленти 500 352,1 млн сўм*) миқдоридаги харажатлар “Давлат бюджетининг харажатлари ижроси тўғрисида”ги ҳисоботда **акс эттирилмаган**.

3.4.8.3 Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг даромадларининг манбалари жами 13 399,9 млрд сўм миқдорида шакллантирилган.

Бунда, ташқи қарз маблағларини жалб қилиш, хусусан Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган 579,3 млн АҚШ доллари (*5 872,4 млрд сўм*), Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки томонидан ажратилган 199,5 млн АҚШ доллари (*2 023,5 млрд сўм*), Халқаро валюта жамғармаси томонидан ажратилган 374,3 млн АҚШ доллари (*3 825,9 млрд сўм*) ҳамда Давлат бюджети харажатларини мақбуллаштириш ҳисобига 1 677,9 млрд сўм ҳисобидан шакллантирилган.

Инқирозга қарши курашиш жамғармасига ҳақиқатда жами **12 812,5 млрд сўм**, шундан Ҳукумат томонидан жалб қилган 1 153,2 млн АҚШ доллари миқдоридаги ташқи қарз маблағларидан **1 095,3 млн АҚШ доллари** валюта биржаси орқали **11 134,5 млрд сўмга** конвертация қилинган ҳолда ва 1 677,9 млрд сўм Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кирим қилинган.

Шундан, Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки томонидан ажратилган 199,5 млн АҚШ доллари ҳисобидан “Uzbekiston airways” АЖга 40,0 млн АҚШ доллар (*405,7 млрд сўм*) ва “Uzbekiston airports” АЖга 10,0 млн АҚШ доллар (*101,4 млрд сўм*)га тенг бюджет ссудаси ягона ғазна ҳисобварағи билан қамраб олинмасдан Марказий банкдаги валюта ҳисобварақлардан тўғридан-тўғри ажратилган.

Худди шундай, Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган 579,3 млн АҚШ доллар ҳисобидан “Ангрен ИЭС” АЖга 7,8 млн АҚШ доллари (*80,2 млрд сўм*) ташқи қарз бўйича кредитларни сўндириш учун бюджет ссудаси сифатида Ғазначиликнинг **валюта ғазна ҳисобварағидан** тўғридан-тўғри ажратилган.

2020 йил охирида фойдаланилмасдан қолган 572,9 млрд сўм қолдик маблағлар Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан Давлат бюджети

даромадига (3 620 123) ўтказилган.

“Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисида”ги ҳисоботнинг Ташқи қарзлар (кредиторлар) бўлимининг (3 620 300) “Ҳукумат томонидан жалб этилган” (3 620 310) даромад турида **12 826,8 млрд сўм** акс эттирилган манбалар таркибида Инқирозга қарши курашиш жамғармасига давлат бюджетидан ажратилган **1 677,9 млрд сўм** маблағлар ҳисоботнинг Ташқи қарзлар бўлимини “Ҳукумат томонидан жалб этилган” (3 620 310) даромад турида акс эттирилган.

3.4.8.4 Молия вазирлигининг Марказий банк ва Ғазначиликдаги валюта ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи “Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисида”ги ҳисоботда акс эттирилиши ўрганилди.

Бюджет кодексининг 161-моддасига асосан бюджет ҳисоби бюджет тизими бюджетларини ижро этишда ҳисобга олинадиган, пулда ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг, шунингдек мазкур активлар ва мажбуриятларни ўзгартирувчи операцияларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни тўплаш, рўйхатдан ўтказиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидир.

Бюджет ҳисоботи бюджет ҳисоби маълумотлари асосида белгиланган шакллар бўйича тузиладиган активлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг умумлаштирилган тизимидир.

Маълумот учун: Бюджет кодексининг 3-моддасига асосан ягона ғазна ҳисобварағи - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очиладиган миллий ёки чет эл валютасидаги махсус банк ҳисобварағи ҳисобланади.

“Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисида”ги ҳисоботда йил охирига қолдиқ (3 799 000) 5 645,2 млрд сўм, шундан Республика бюджетининг асосий ҳисобрақамидаги қолдиқ маблағ (3 799 100) 5 644,9 млрд сўм ва Ғазна ижросига ўтмаган ташкилотларнинг ҳисобрақамларидаги йил охирига қолдиқ 209,6 млн сўмни ташкил этиб, ушбу маблағлар ягона ғазна ҳисобварағининг миллий валютадаги ҳисобварақ қолдиғи ҳисобланади.

Шунингдек, 2020 йил 31 декабрь ҳолатига миллий валютадаги умумий қиймати **2 552,6 млрд сўм**ни ташкил этувчи чет эл валютасидаги маблағлар қолдиғи (3 307,6 минг рубль (миллий валютадаги эквиваленти 467,3 млн сўм), 11 870,0 минг Евро (151,8 млрд сўм), 229 109,6 минг АҚШ доллари (2 400,4 млрд сўм) мавжуд.

Чет эл валютасидаги операциялар (*миллий валютага ковертация қилинмаган*) ва шаклланган қолдиқларини Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш тартиби мавжуд бўлмаганлиги сабабли, ушбу маблағлар “Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисида”ги ҳисоботда кўрсатилмаган.

3.4.8 Молия вазирлиги томонидан резидент-юримдик шахсларга бюджет ссудаси берилиши ва Бюджет кодексининг 51-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари таркибига резидент бўлган юримдик шахсларга берилган бюджет ссудаларини ва чет давлатларга берилган

кредитларни тўлаш (қайтариш) ҳисобидан тушумларни “Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисида”ги ҳисоботда акс эттирилиши ўрганилди.

Бюджет кодексининг 140-моддасига асосан бюджет ссудаси шаклидаги бюджетлараро трансферт (бюджет ссудаси) бюджет манбаларининг тўлик сафарбар қилиниши тегишли бюджетларда назарда тутилган харажатлар қопланишини таъминламаган тақдирда, қайтариш шарти билан фоизсиз ёки фоиз тўлаш шарти билан берилади.

Шунингдек, ушбу Кодекснинг 158-моддасига асосан бюджет ссудалари ва кредит линиялари резидент-юримдик шахсларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида берилиши (очилиши) мумкин.

Бюджет кодексига бюджет ссудаси резидент-юримдик шахсларга фоизсиз ёки фоиз тўлаш шарти билан берилиши мумкинлиги аниқ белгиланмаган.

*Маълумот учун: Бюджет кодексининг 140-моддасига асосан маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаси шаклидаги бюджетлараро трансферт (бюджет ссудаси) бир молия йилидан ортиқ, аммо уч молия йилидан ортиқ бўлмаган муддатга йиллик **икки фоизли** миқдорда берилади.*

Молия вазирлиги томонидан резидент-юримдик шахсларга миллий валютада берилган ссудалар бўйича 2020 йил 1 январь ҳолатига 54 та ҳолатда асосий қарздан бўлган қолдиқ суммаси 5 563 677,9 млн сўмни (*фоизи 4 409,1 млн сўм*) ва 2020 йилда берилгани **5 384 453,1 млн сўмни (53 та)**, йил давомида 26 таси томонидан қайтарилган асосий қарз суммаси 3 967 869,3 млн сўмни (*ҳисобланган фоиз 82 486,5 млн сўм ва пеня 572,0 млн сўм*) ҳамда ҳисобдан чиқарилгани 490 137,1 млн сўмни (*2 та*), йил охирига 99 та ҳолатда қолдиқ суммаси асосий қарз бўйича 6 490 124,7 млн сўмни (*ҳисобланган фоиз 6 903,3 млн сўм ва пеня 8,1 млн сўм*) ташкил этган.

2020 йил давомида **53 та** резидент-юримдик шахсларга миллий валютада берилган **5 384 453,1 млн сўм** миқдоригаги бюджет ссудаси турли ставкаларда берилиб, шундан **7 та ҳолатда** 4 296 400,0 млн сўм турли ставкаларда (*Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига йиллик 15 фоиз ставкада 1 500 000,0 млн сўм ва 6 фоиз ставкада 2 650 000,0 млн сўм, “Ўзаэронавигация маркази” ДУКга 14 фоиз ставкада 28 400,0 млн сўм, “Агробанк” АТБга 12 фоиз ставкада 20 000,0 млн сўм ва 11 фоиз ставкада 42 000,0 млн сўм, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказига 3 фоиз ставкада 6 000,0 млн сўм*) ва **46 та ҳолатда** фоизсиз (ноль) ставкада 1 753 053,1 млн сўм ажратилган.

“Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисида”ги ҳисоботда миллий валютада берилган ссудалар бўйича қайтарилган асосий қарзлар “Ташкилотлар томонидан бюджет ссудаларининг қайтарилиши” (*3 512 101*), “Кредитлар ва қарзлар” (*3 610 230*), фоизлар “Депозит ҳисобварағи кредитларидан фойдаланганлик учун фоиз тушумлари” (*3 411 110*), пеня “Бошқа турдаги жарималар” (*3 430 900*) даромад кодларида акс эттирилган.

Бундан ташқари, Молия вазирлиги томонидан хорижий валютада берилган ссудалар бўйича 2020 йил 1 январь ҳолатига 9 та резидент-юридик шахсларнинг асосий қарздан бўлган қолдиқ суммаси 413 342,8 минг АҚШ долларини (*фоизи 2 072,5 минг АҚШ доллари*) ва 2020 йилда берилган **240 011,7 минг АҚШ долларни** (*4 та*), йил давомида 7 та резидент-юридик шахслар томонидан қайтарилган асосий қарз суммаси 36 796,4 минг АҚШ долларни (*сўмдаги эквиваленти 367 006,7 млн сўм*), ҳисобланган фоиз 6 609,3 минг АҚШ долларни (*сўмдаги эквиваленти 65 993,2 млн сўм*), йил охирига қолдиқ суммаси асосий қарз бўйича 616 558,1 минг АҚШ долларни ва ҳисобланган фоиз 10 094,1 минг АҚШ долларни ташкил этган.

2020 йил давомида **4 та** резидент-юридик шахсларга хорижий валютада берилган **240 011,7 минг АҚШ доллари** миқдоридagi бюджет ссудаси турли ставкаларда берилиб, шундан “Худудий электр тармоқлари” АЖга йиллик 1,25 фоиз ставкада 182 23120 минг АҚШ доллари, **3 тага фоизсиз** (*ноль*) ставкада 57 780,4 минг АҚШ доллари ажратилган.

Хорижий валютада берилган ссудалар бўйича 7 та резидент-юридик шахслар томонидан қайтарилган 36 796,4 минг АҚШ доллари (*сўмдаги эквиваленти 367 006,7 млн сўм*) миқдоридagi асосий қарз ва 8 та ҳолатда 6 609 минг АҚШ доллари (*сўмдаги эквиваленти 65 993,2 млн сўм*) фоиз суммаси қайтарилиб, шундан 6 та асосий қарз бўйича 35 796,4 минг АҚШ доллари (*сўмдаги эквиваленти 357 499,2 млн сўм*) ва 8 та ҳолатда 6 609 минг АҚШ доллари (*сўмдаги эквиваленти 65 993,2 млн сўм*) фоиз суммаси “Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисида”ги **ҳисоботда акс эттирилмаган**.

Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан 2020 йилда Осиё тараққиёт банкидан йиллик 0,6 фоизда 579,3 млн АҚШ доллари (*5 872,4 млрд сўм*), Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банкидан йиллик 0,88 фоизда 199,5 млн АҚШ доллари (*2 023,5 млрд сўм*) қарз жалб қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Осиё тараққиёт банки маблағлар ҳисобидан “Ангрен ИЭС” АЖга 7,8 млн АҚШ доллари (*80,2 млрд сўм*), Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки маблағлар ҳисобидан “Uzbekiston airways” АЖга 40,0 млн АҚШ доллар (*405,7 млрд сўм*) ва “Uzbekiston airports” АЖга 10,0 млн АҚШ доллар (*101,4 млрд сўм*) йиллик фоиз ставкаларисиз (*ноль ставкада*) бюджет ссудаси ажратилган.

IV. Давлат солиқ қўмитасида ўтказилган аудит натижалари

4.1 Давлат бюджети даромадлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг тузилиши ва унда даромадлар манбаларини тўлиқ акс эттирилиши.

4.1.1 Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 164-моддасига асосан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги **ҳисоботларнинг шакллари** ҳамда уларни тақдим этиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси **Молия вазирлиги томонидан**

белгиланади.

Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 11 мартда 2660-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тушумлари тўғрисидаги ҳисоботлар, тушумлар бўйича солиштириш далолатномаларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом 2019 йил 4 июнда **ўз кучини йўқотган** бўлиб, Молия вазирлиги томонидан ҳисобот шакллари ва уларни тузиш ҳамда тақдим қилиш тартиби қайта ишлаб чиқилмаган.

Тасдиқланган ҳисобот шакллари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, Давлат солиқ кўмитаси томонидан 2020 йилда **ҳисобланган солиқлар** бўйича маълумотлар Молия вазирлигига тақдим этиб борилмаган.

4.1.2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3756-сонли қарорининг 6-бандида:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига **икки ой** муддатда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетигаги йўқотишни аниқ баҳолашни назарда тутадиган, берилаётган **имтиёзларни ҳисобга олиш тизимини жорий этиш**;

- навбатдаги молия йилига мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрларида берилган имтиёзлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг **Давлат бюджетигаги йўқотишнинг умумий суммасини алоҳида қаторда кўрсатиб бориш юклатилган.**

- Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетигаги йўқотишни аниқ баҳолашни назарда тутадиган, берилаётган имтиёзларни ҳисобга олиш тизими бугунги кунга қадар **жорий этилмаган.**

Шунингдек, 2019-2020 йиллардаги Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрларида берилган **имтиёзлар** бўйича Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетигаги йўқотишнинг умумий **суммаси алоҳида қаторда кўрсатилмаган.**

4.1.3 Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сонли Қонунининг 3-моддасига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Бюджет кодексининг 29-моддасига асосан Молия вазирлиги Давлат солиқ кўмитаси ва Давлат божхона кўмитасига Давлат бюджетининг даромадлари

прогнозини ҳар чорақда етказиши белгиланган.

Худудий молия органлари томонидан ўзгартирилган прогноз кўрсаткичлари худудий солиқ органлари ҳамда Молия вазирлиги томонидан 2020 йил мобайнида Давлат солиқ қўмитасига тақдим этилмаган.

Натижада, Молия вазирлиги томонидан 2020 йил якунлари бўйича тайёрланган ҳисоботларда Давлат солиқ хизмати органларига 99 883,7 млрд сўм прогноз белгиланганлиги кўрсатилган (солиқ органлари томонидан ундириладиган тушумлар бўйича).

Ўз навбатида, Давлат солиқ қўмитасида ҳисоби юритилган прогноз кўрсаткичлари (солиқ органлари томонидан ундириладиган тушумлар бўйича) 99 598,0 млрд сўмни ташкил этиб, ўрнатилган прогноз кўрсаткичлари ўртасидаги **фарқ 285,7 млрд сўмни** ташкил қилиши маълум бўлди.

4.1.4 Давлат солиқ қўмитасига берилган прогноз 103 561,6 млрд сўмга ёки **104 фоизга** бажарилган.

Солиқ турлари кесимида ҚҚС бўйича белгиланган 20 999,6 млрд сўм прогноз 20 485,6 млрд сўм ёки 97,6 фоизга бажарилиб, **513,9 млрд сўмга бажарилмаган.**

Хусусан Йирик солиқ тўловчилар бўйича худудлараро инспекцияси 838,1 млрд сўм, Тошкент вилояти 62,7 млрд сўмга, Тошкент шаҳар 63,9 млрд сўмга бажарилмаган.

Шунингдек, 2020 йилда юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи бўйича (*1 760,4 млрд сўм*) прогноз 1 974,3 млрд сўм ёки 112,1 фоизга бажарилган.

Шундан жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи учун белгиланган 774,2 млрд сўм прогноз 733,4 млрд сўмга ёки 94,7 фоизга бажарилган ёки белгиланган прогноз кўрсаткичлари **40,8 млрд сўмга** бажарилмаган.

Жисмоний шахсларнинг ер солиғи учун белгиланган прогноз кўрсаткичи 965,8 млрд сўмни ташкил этиб, ижроси **111,8 фоизга** бажарилган.

Солиқ кодексининг 89-моддасига мувофиқ, жисмоний шахслар солиқлар ва йиғимларни банк кассаси, алоқа бўлимлари орқали тўлаши белгиланган.

Шунингдек, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ тўловчининг пул маблағларидан ушлаб қолишга доир мажбурият ушбу Солиқ кодексига мувофиқ солиқ агентига юклатилган бўлса, солиқ суммалари солиқ агенти томонидан ушлаб қолиниши ва бюджетга ўтказилиши белгиланган.

Солиқ кодексига жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғини солиқ тўловчининг пул маблағларидан ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиб беришга доир мажбурият солиқ агентига юклатилмаган. Лекин:

- 2020 йил давомида юридик шахсларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган ортиқча тўланган солиқ суммасидан жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғига 372 та ҳолатда **161,5 млн сўм**, ер солиғига 422 та ҳолатда **1 232,9 млн сўм** ҳисобга олинган (зачет);

- 231 213 та ҳолатда **243,4 млрд сўм (13 фоизи)** маблағлар юридик шахслар томонидан ишчиларнинг иш ҳақи ҳисобидан жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғига тўловлар амалга оширилган.

Масалан, Зангиота туманида фаолият кўрсатаётган “Sunshade” оилавий корхонаси томонидан 2020 йил 25 декабрда тўлов топшириқномасида “фойда солиғи учун” мазмуни билан жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ҳисоб рақамига 300,0 млн сўм ўтказиб берилган.

Худди шундай, мазкур корхона томонидан 2020 йил 25 декабрда тўлов топшириқномасида “қўшилган қиймат солиғи” мазмуни билан жисмоний шахсларнинг ер солиғи ҳисоб рақамига 200,0 млн сўм ўтказиб берилган.

4.2 Ортиқча тўланган солиқ суммаси, унинг бошқа солиқ турига ҳисобга олиниши ва солиқ тўловчига қайтариб берилиши.

Солиқ кодексининг 60-моддасига асосан **ортиқча тўланган солиқ суммаси (пеня, жарима)** солиқнинг (*пенянинг, жариманинг*) тўланган суммаси билан ҳақиқатда тўланиши лозим бўлган сумма ўртасидаги ижобий фарк сифатида қайд этилган.

2021 йил 1 январь ҳолатида ортиқча тўланган солиқлар суммаси 840,6 млрд сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига (*1 235,3 млрд сўмга*) нисбатан 394,7 млрд сўмга ёки 32 фоизга қисқарган.

Солиқ кодексининг 103-моддасига асосан солиқ тўловчида солиқ қарзи мавжуд бўлган тақдирда, ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солиқ суммаси ушбу солиқ қарзини узиш учун ҳисобга олиниши лозим.

Бироқ, солиқ органлари томонидан прогноз кўрсаткичларини бажаришда солиқ тўловчиларни ижтимоий солиқ бўйича **100,2 млрд сўм** ортиқча тўланган суммаси солиқ қарзи мавжуд бўлмаган бошқа солиқлар турларига ўтказиб берилган.

Солиқ кодексининг 104-моддаси саккизинчи қисмида:

- агар ортиқча тўланган солиқ суммасини солиқ тўловчига қайтариш ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган муддат бузилган ҳолда амалга оширилса, белгиланган муддатда қайтарилмаган сумма учун солиқ тўловчига қайтариш муддати бузилган ҳар бир календарь кун учун фоизлар ҳисобланиши;

- ҳисобланган фоизлар тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан тўланиши;

- фоиз ставкаси қайтариш муддати бузилган кунларда амал қилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасига тенг этиб қабул қилиниши белгиланган.

Республика бўйича 2020 йил давомида фаолият кўрсатган **14 359** та хўжалик юритувчи субъектларнинг **33 641,7** млн сўмлик ортиқча тўланган солиқ суммаси қайтариб берилмаган ёки фоизлар ҳисобланмаган.

Давлат солиқ қўмитаси юқоридаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Солиқ кодексининг 104-моддасига асосан ортиқча тўланган солиқ суммасини қайтариш бўйича аризалар тақдим этилмаганлигини маълум қилди.

Давлат солиқ қўмитасида солиқ тўловчилар томонидан ортиқча тўланган солиқ суммасини қайтариш ёки ҳисобга олиш юзасидан тақдим этилган аризаларнинг ҳисобини юритиш бўйича ахборот тизими мавжуд эмас.

Солиқ хизмати органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларига асосан 87 та хўжалик юритувчи субъектларнинг ҚҚС бўйича мавжуд **97 896,1** млн сўм ортиқча тўлови (*манфий фарқи*) қайтариб берилган.

Кейинчалик ушбу даврлар учун солиқ назорати тадбирларида юқоридаги хўжалик юритувчиларга қўшимча солиқларни ҳисобланиши натижасида 50 355,6 млн сўм солиқ қарзи ҳосил бўлган.

Мазкур корхоналарни 15 таси бўйича 2021 йил 1 январь ҳолатига қўшилган қиймат солиғидан қарздорлиги **13 654,4** млн сўмни ташкил қилган.

4.3 Солиқ қарздорлигини ундириш амалиёти.

2021 йил 1 январь ҳолатига солиқ қарзи **11 179,9** млрд сўмни ташкил қилиб, 2020 йил 1 январга (*8 651,4 млрд сўмга*) нисбатан **22,6** фоизга ёки **2 528,5** млрд сўмга ўсган.

Хусусан, Фарғонада 579,0 млрд сўмга, Бухорода 375,6 млрд сўмга, Қорақалпоғистонда 132,5 млрд сўмга ва Сурхондарёда 191,2 млрд сўмга солиқ қарзи ўсган.

Жами солиқ қарзининг 4 485,9 млрд сўми **бюджетга** тўловлар, 1 846,3 млрд сўми бюджетдан ташқари **мақсадли жамғармаларга** ажратмалар, 3 051,9 млрд сўми **молиявий жарималар** ва 1 795,7 млрд сўми **пенядан** иборат. **Бюджетга тўловлар** бўйича солиқ қарзининг 1 815,9 млрд сўми (41 фоизи) **фаолият кўрсатаётган** корхоналар, 2 612,1 млрд сўми (59 фоизи) **фаолият кўрсатмаётган** корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Бюджетдан ташқари **мақсадли жамғармаларга** ажратмалар бўйича 1 846,3 млрд сўм солиқ қарздорлигининг 885,7 млрд сўми (48 фоизи) фаолият кўрсатаётган корхоналар ҳамда 960,6 млрд сўми (52 фоизи) фаолият кўрсатмаётган корхоналар ҳисобига тўғри келади.

4.4 Солиқ солиш бўйича объектлар ва субъектларнинг камраб олиниши.

Республика бўйича, 2020 йилда жами 8 468 та ҳолатда оилавий ва давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган мактабгача таълим

муассасаларига жами 174,3 млрд сўм субсидиялар ажратилиб, шундан иш ҳақи миқдори 69,2 млрд сўмни ташкил қилган.

Бюджетдан иш ҳақи учун субсидия олган субъектлар Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар базасидан олинган маълумотлар асосида таҳлил қилинди.

2020 йилда оилавий ва давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган мактабгача таълим муассасалари жумладан, 939 та яқка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ)лар томонидан 967,8 млн сўм, 14 та юридик шахслар томонидан 36,6 млн сўм жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисобланган.

Аммо, 2020 йилда давлат бюджетидан ажратилган субсидияларга нисбатан ҳисоб-китоблар қилинганда, ЯТТлар томонидан 7,2 млрд сўм ва юридик шахслар томонидан 88,3 млн сўм ёки жами **7,3 млрд сўм** жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисобланмаган.

4.5 Солиқ тўловчилар томонидан 2020 йилда фойдаланилган солиқ имтиёзлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3756-сонли қарорининг 6-банди ижроси бўйича Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидagi йўқотишни аниқ баҳолашни назарда тутадиган, берилаётган **имтиёзларни ҳисобга олиш тизими** жорий этилмаган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрларида берилган имтиёзлар бўйича **Давлат бюджетидagi йўқотишнинг умумий суммасини алоҳида қаторда кўрсатилмаган.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида”ги Низом талабларига асосан юритилган имтиёзлар ҳисобига кўра, 2020 йилда 87 634 та юридик шахслар томонидан **29,7 трлн сўм** солиқ имтиёзларидан фойдаланилган.

Бунда, 24,1 трлн сўм ёки **81,1 фоиз** имтиёзлардан янги таҳрирдаги Солиқ кодексига белгиланган нормалар асосида фойдаланилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон Қонунининг 4-моддасига асосан 2020 йилнинг 1 январигача қабул қилинган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар уларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар амал қилади.

Юридик шахслар томонидан 2020 йилда фойдаланилган
солиқ имтиёзлари тўғрисида маълумот

млрд сўм

Солиқ турлари	Жами	шундан			
		Солиқ кодексига асосан	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва қарорларига асосан	Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига асосан	Бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга асосан
Қўшилган қиймат солиғи	24 502,1	22 129,6	1 068,3	1 087,5	216,7
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	836,1	666,1	137,5	28,9	3,7
Ер солиғи	1 000,2	501,2	442,6	10,2	46,2
Мол-мулк солиғи	177,3	33,8	142,6	0,5	0,4
Фойда солиғи	2 102,1	23,8	983,6	1028,4	66,3
Айланмадан олинадиган солиқ	146,7	5,7	137,9	2,3	0,9
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	699,6	691,0	8,5	0,0	-
Ижтимоий солиқ	296,6	90,8	126,1	31,0	48,7
Жами	29 760,6	24 141,9	3 047,1	2 188,9	382,8
Улуши	100,0	81,1	10,2	7,4	1,3

2020 йилда фойдаланилган имтиёзларнинг 24,5 трлн сўми ёки **82,3 фоизи ҚҚС**, 2,1 трлн сўми ёки **7,1 фоизи фойда солиғи**, 1,0 трлн сўми ёки **3,4 фоизи ер солиғи** ҳисобига тўғри келади.

2020 йилда жами фойдаланилган имтиёзларнинг 8,1 трлн сўми ёки 27,2 фоизи **тижорат банклари** ва 8,0 трлн сўми ёки 27,0 фоизи фойдали қазилмаларни қавлаб олувчи 2 та корхона ҳисобига тўғри келган.

Давлат солиқ қўмитасида ҳисоби юритилаётган солиқ имтиёзларининг энг катта улуши Солиқ кодексининг 264-моддасига асосан ноль даражали ставканинг қўлланилиши натижасида 7,6 трлн сўм (25,6 %) бўлганлиги тўғрисида маълумот тақдим этилди. Жумладан, қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқарувчилар томонидан қимматбаҳо металлларни олиш бўйича ваколатли органга реализация қилинадиган бундай металлларга нисбатан ҚҚСнинг **ноль даражали ставкаси** қўлланилиши ҳисобига 2 та корхона жами 7,5 трлн сўм солиқ имтиёзларидан фойдаланган.

Бироқ, Давлат солиқ қўмитаси 2020 йил 24 мартдаги 17/1-09407-сонли хати

орқли қўшилган қиймат солиғи бўйича **“нол” даражали солиқ ставкасининг қўлланилиши солиқ имтиёзи ҳисобланмаслиги** тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тушунтириш берилган.

Маълумот учун: Солиқ кодексининг 75-моддасига асосан Солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган афзалликлар, шу жумладан солиқни тўламаслик ёки уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқ имтиёзлари деб эътироф этилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, **“нол” даражали солиқ ставкани қўлланилиши солиқ имтиёзи ҳисобланмаслиги юзасидан Солиқ кодексига тегишли ўзгартиришлар киритиш ёки бюджетга тўланмаган (солиқ тўловчи ихтиёрида қолдирилган) маблағлар ҳисобини солиқ ҳисоботларида акс эттирмасдан ҳамда солиқ органларининг имтиёзлар ҳисоби дастурида юритилмаслигини белгилаш мақсадга мувофиқ.**

Шунингдек, Солиқ кодексининг 337-моддасига асосан қўшимча манбалардан даромад олувчи бюджет ташкилотлари бўшатилаётган маблағлардан мақсадли тарзда фойдаланса, 2023 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғи бўйича 0 фоиз миқдордаги солиқ ставкасини қўллайди.

2020 йилда 1 414 та бюджет ташкилотлари томонидан 647,5 млрд сўм ишлар ва хизматлар кўрсатиш бўйича даромад суммалари солиқ ҳисоботларида акс этирилмаган.

Шундан 118 та Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ташкилотлар 2020 йилда 97,3 млрд сўм хизматлар кўрсатишдан даромад олинган бўлиб, уларнинг 9 таси ёки **7,6 фоизи онлайн назорат касса машиналари** билан таъминланган холос.

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ишлар ва хизматлар юзасидан даромад манбаларига эга бўлган **бюджет ташкилотлари бўйича ўзаро электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйиши** мақсадга мувофиқ.

4.6 Давлат бюджети даромадлари ҳамда ҳисобланган солиқлар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш.

1) “Солиқ кодексининг 89-моддасида солиқ органлари бюджет тизимида тушумлар ҳисобини ҳисобланган ҳамда тўланган солиқлар ва йиғимлар суммаларини, шунингдек пенялар ва жарималарни солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварағида акс эттириш орқали юритиши назарда тутилган.

Айрим ҳолларда солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларига солиқ органлари томонидан асоссиз солиқлар ҳисобланганлиги ва инкассо топшириқномалари қўйилганлиги маълум бўлди.

Жумладан, Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган “Suhain” МЧЖ шахсий ҳисобварағига 2021 йил 10 февралда солиқ органлари томонидан “Солиқ кодексининг 14, 15, 266-моддалари” мазмуни билан **9,3 млрд сўм ҚҚС ҳисобланиб**, 2021 йил 25 февралда ушбу суммага инкассо топшириқномаси

қўйилган.

“Suhain” МЧЖ томонидан тузилган шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш юзасидан киритилган Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасининг 2021 йил 19 январдаги даъво аризаси Тошкент туманлараро Иқтисодий судининг 2021 йил 19 мартдаги ҳал қилув қарори билан рад этилган бўлсада, суд ҳужжати ижро қилинмаган.

2) Давлат бюджетининг 2020 йиллик ҳисоботларига (*Молия вазирлиги ҳисоботи*) кўра, бюджет даромадлари 132 938,0 млрд сўмни ташкил этиб, шундан 23,4 фоизи ёки 31 177,4 млрд сўми **ҚҚС ҳисобига** тўғри келади.

2020 йил мобайнида 3 783 та солиқ тўловчиларнинг **9 084,3 млрд сўм ҚҚС** бўйича манфий солиқ суммалари бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб (солиқ тўловчиларга қайтариб берилган) берилган.

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сонли қарорининг 7-банди ижроси юзасидан хўжалик юритувчи субъектларни давлат солиқ органларида **қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида ҳисобга олиш тартиби** белгиланган муддатда (*икки ой муддатда*) ишлаб чиқилмаган.

Мазкур тартиб, 2020 йил 2 майда Адлия вазирлигида 3232-сон билан “Солиқ тўловчиларини ҚҚС тўловчилари сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги”ги Низом билан рўйхатга олинган.

Ушбу Низомда Солиқ кодекси ва ПҚ-4389-сонли қарор қабул қилинган санага қадар бўлган даврда ҚҚС тўловчи бўлган корхоналарга гувоҳномаларни берилиши назарда тутилмаган.

Маълумот учун: Солиқ кодексининг 237-моддасига асосан солиқ тўловчилар Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда солиқ органларида ҚҚС тўловчи сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш ҳисобида туради.

Шунингдек, солиқ тўловчилар солиқ органларида ҚҚСнинг тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтишлари бу ҚҚС суммасини ҳисобга олишининг шартини ҳисобланади.

Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида 2021 йил 12 апрель ҳолатига жойлаштирилган ҚҚС тўловчилар реестрда **149 449 та** гувоҳнома берилганлиги кўрсатилган бўлиб, шундан, 2018 йилда 21 879 та, 2019 йилда 65 557 та (*2019 йил 10 июлгача 21 819 та*), 2020 йилда 44 915 та ва 2021 йилнинг ўтган даврида 17 098 та гувоҳнома берилган.

Давлат солиқ қўмитаси ҚҚС тўловчиларга гувоҳнома бериш бўйича **норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилмасдан**, қўмитанинг 2018 йил 4 октябрдаги “ҚҚС маъмурчилиги самарадорлигини ошириш юзасидан Йўл харитаси” асосида 2018 йил 19 октябрдан бошлаб ҚҚС тўловчиларни ҳисобга олиш ишларини ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги

ПҚ-4389-сонли қарори қабул қилинганга қадар **43 698 та** (2018 йилда 21 879 та ва 2019 йил 10 июлгача 21 419 та) солиқ тўловчига ҚҚС тўловчи сифатида гувоҳнома расмийлаштирилган ва 2020 йилда уларга 6,8 трлн сўм пул маблағлари бюджет ҳисобидан қайтариб берилган.

4) Солиқ кодексининг 274-моддасида экспорт операцияларни амалга оширадиган шахсларнинг ҚҚС суммасини қайтариш тўғрисидаги аризаси (камерал ва сайёр солиқ текшируви) назоратдан ўтказилмасдан **тезлаштирилган тарзда** (*етти кун ичида*) қоплаш (бюджетдан қайтариб бериш) белгиланган.

2020 йилда 18 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарга 35 та ҳолатда **69,5 млрд сўм** ҚҚС бўйича манфий солиқ суммаси ўрни қоплаб берилган (*бюджетдан солиқ суммаси қайтариб берилган*).

Кейинчалик мазкур корхоналар фаолияти назоратдан ўтказилганда, солиқ солиш базасини яшириш учун кўзбўямачилик битимлари тузганлиги аниқланиб, ҚҚС тўловчи эканлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинган.

Ўз навбатида бюджетдан қайтарилган маблағлар самарасиз ишлатилиб, натижада, умидсиз солиқ қарздорликлар вужудга келган.

Ушбу ҳолатларни келгусида олдини олиш мақсадида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарга нисбатан тезлаштирилган тарзда ҚҚСни қоплаш тартибини бекор қилиб, умумий тартибда (60 кунда) кўриб чиқилиши юзасидан Солиқ кодексига ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

5) Давлат солиқ қўмитасида ундирилган солиқ суммасини ҳисобланган суммага нисбати сифатда йиғувчанлик кўрсаткичи аниқланмоқда.

Хусусан, 2020 йил давомида йиғувчанлик даражаси **97,7 фоиз** эканлиги ҳисобланган.

Солиқ тушумларини йиғувчанлигини ҳисоблаш бўйича методолик ҳужжат ишлаб чиқилмаганлиги сабабли, ушбу кўрсаткични аниқлашда, ортиқча тўлов суммаси ва солиқ қарзини ундириш кўрсаткичлари ҳисобга олинмаган.

2020 йилда 100,6 трлн сўм солиқлар ҳисобланган ва 97,8 трлн сўм солиқлар ундирилган (ижтимоий солиқ бундан мустасно).

Солиқлар бўйича ортиқча тўлов 2020 йил 1 январь ҳолатига 1,2 трлн сўм, 2021 йил 1 январь ҳолатига 840,6 млрд сўмни ташкил этган.

Шунингдек, солиқ қарзи 2020 йил 1 январь ҳолатига 7,2 трлн сўм, 2021 йил 1 январь ҳолатига 9,3 трлн сўм бўлган.

Ушбу кўрсаткичлар бўйича солиқ тушумларини **йиғувчанлиги** таҳлил қилинганда, **91,7 фоизни** ($((97\,788,3)/(100\,590,3+7\,236,5-1\,235,3)*100)$) ташкил этмоқда.

4.7 Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига киритилган ўзгаришларнинг самарадорлиги.

1) Солиқ кодексининг 107-моддасига асосан солиқларни тўлаш мажбурияти мол-мулк гарови билан таъминланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Амалда, солиқ мажбуриятини таъминлаш учун 2020 йилда солиқ органи ва гаровга кўювчи ўртасидаги мол-мулк гарови шартномаси расмийлаштирилмаган.

2) Солиқ кодексининг 108-моддасига кўра, солиқ мажбуриятини бажариш муддатлари ўзгарган тақдирда тўлов мажбурияти кафиллик билан таъминланиши мумкин.

Амалда, 2020 йилда солиқ мажбурияти муддатини ўзгартириш ҳамда мажбуриятларни кафиллик шартномаси асосида бажарилиши юзасидан шартномалар расмийлаштирилмаган.

3) Солиқ кодексининг 109-моддада назарда тутилган банк кафолати асосида солиқ мажбуриятларини бажарилиши юзасидан амалда кафолатлар расмийлаштирилмаган.

4) Солиқ кодексининг 127-моддасида ҳар бир солиқ тўловчига ягона бўлган солиқ тўловчининг идентификация рақами берилиши кўрсатилган.

Эски таҳрирдаги Солиқ кодексининг 78-моддасига асосан юридик шахснинг алоҳида бўлинмаларига солиқ тўловчининг идентификация рақами берилган.

Лекин айрим ҳолларда юридик шахс сифатида ташкил этилмаган алоҳида бўлинмаларга берилган солиқ тўловчининг идентификация рақамлари тугатилмаган.

Жумладан, “Ўзтрансгаз” АЖ тизими таркибидаги 10 та ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 117 та алоҳида юридик шахс бўлмаган бўлинмалари тугатилиб, “Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро инспекцияси” солиқ тўловчиси бўлган бош корхонасига бирлаштирилмаган.

Хусусан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 117 та алоҳида юридик шахс бўлмаган бўлинмалари 2020 йил давомида 318,5 млрд сўм иш ҳақи ва ресурс солиқлари ҳудудларга тўланган.

Мазкур корхоналарга солиқ органлари томонидан огоҳлантириш хатлари юборилган бўлсада, ижроси таъминланмаган.

б) Солиқ кодексининг 133-моддасига асосан органлар, муассасалар ва ташкилотларнинг солиқ органларига маълумотлар тақдим этиш мажбуриятлари белгиланган.

Лекин, Ички ишлар органлари ўртасида турар жойни ижарага олиш шартномаси ва текин фойдаланишга беришга шартномаси мавжуд эмаслиги бўйича аниқланган фактлар юзасидан ўзаро ахборот алмашинуви йўлга қўйилмаган.

Давлат солиқ кўмитаси ва Сув хўжалиги вазирлиги томонидан **2021 йил 3 февралда** қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ҳар бир сувдан

фойдаланувчилар кесимида ўзаро ахборот алмашинувчи йўлга қўйиш бўйича битим имзоланган.

Амалда, Сув хўжалиги вазирлиги томонидан субъектлар кесимида фойдаланувчилар ва улар томонидан истеъмол қилинган сув ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар солиқ органларига тақдим этилмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 1 июндаги 344-сонли қарорига асосан 2020 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун етказиб берилган 30 762,6 млн метр куб сув ҳажми тўлиқ солиққа тортилмаган.

Ушбу етказиб берилган сув ҳажми учун 1 076,7 млрд сўм сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ундирилиши лозим бўлиб, 2020 йилда 135,8 минг та солиқ тўловчилар томонидан 649,3 млрд сўм солиқ ҳисобланган.

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан субъектлар кесимида маълумотлар тақдим этилмаганлиги натижасида, 2020 йилда бюджетга ундирилиши лозим бўлган **427,4 млрд сўм** солиқ тушумлари йўқотилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фойдаланилган сув ҳажмларини солиққа тортишнинг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида, қишлоқ хўжалиги экинлари учун **сарфланадиган сув ҳажмлари меъёрини ишлаб чиқиш** ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун **солиқ ставкасини пасайтириб**, 20 сўм белгиланиши (2021 йилда 40 сўм белгиланган) таклиф этилади.

Шунингдек, Давлат солиқ қўмитаси ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2018 йил декабрь ойида имзоланган битим бўйича ичимлик сувидан фойдаланган истеъмолчилар юзасидан ўзаро ахборот алмашинув ташкил этилмаган.

Бундан ташқари, **чет эллик фуқароларга ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга ишлаш учун рухсатномалар ёки патентлар беришни амалга оширувчи органлар** чет эллик фуқаролар ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахслар турган жойи бўйича миграция ҳисобига қўйилганлиги тўғрисида ўзаро ахборот алмашинуви йўлга қўйилмаган.

Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиртирмай Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ўзи ва инвестиция воситачилари томонидан рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси билан ахборот алмашинуви юзасидан дастурий таъминот ишга туширилган бўлсада, **ҳар ой якуни** бўйича ўзаро электрон ахборот алмашинуви йўлга қўйилмаган.

Интернет жаҳон ахборот тармоғи миллий сегментининг домен номлари тизимини белгиловчи орган солиқ органларига тегишли маълумотлар базасига уланиш учун дастурий маҳсулотларни тақдим этиш орқали домен номларининг маъмурлари тўғрисидаги ахборотларга кириш

ҳуқуқини беради. Аммо ушбу йўналишда ахборот алмашинуви йўлга қўйилмаганлиги маълум бўлди.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан Солиқ кодексининг 133-моддасида назарда тутилган вазирлик ва идоралар билан тўлиқ электрон ахборот алмашинувини ташкил этиши лозим.

7) Солиқ кодексининг 169-моддасига асосан солиқ органлари ўзаро келишув асосида солиқ мониторингида иштирок этаётган солиқ тўловчи томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларни ҳисоблаб чиқаришнинг тўғрилиги ва ўз вақтида тўланиши юзасидан **солиқ мониторингини** ўтказиш ҳуқуқига эга.

Солиқ кодексининг 169-моддасига асосан солиқ мониторинги **ихтиёрӣдир** ва у йиллик даромадлари 10 млрд сўмдан ортиқ бўлган солиқ тўловчиларда ўтказилади.

2020 йил давомида солиқ тўловчилар томонидан солиқ мониторингини ўтказиш юзасидан солиқ органларига ариза билан мурожаат қилинмаганлиги маълум бўлди.

Давлат улуши 50 фоизи ва ундан юқори бўлган юридик шахсларнинг таъсисчилари томонидан солиқ мониторингини қўллаш юзасидан тегишли қарор қабул қилиниши таклиф этилади.

8) Солиқ кодексининг 319-моддасида **оддий ширкат** (*биргалликдаги фаолият шартномаси*) доирасида операцияларни амалга оширишда солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган.

10) Солиқ кодексининг 408-моддасида юридик шахс ташкил этган ҳолда ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек майдони **тўрт сотихдан кам бўлмаган** деҳқон хўжалигида, томорқа ер участкасида банд бўлган ёки ушбу майдонда қорамол ёхуд элик бошдан кам бўлмаган хонаки парранда парваришлайётган жисмоний шахслар йилига **базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдорида солиқ** тўлаши белгиланган.

2020 йил давомида 45 005 та деҳқон хўжаликлари томонидан 11,2 млрд сўм ижтимоий солиқ ҳисобланган, шундан 17 628 та деҳқон хўжаликлари томонидан 6,5 млрд сўм солиқлар тўланган.

2021 йил 1 январь ҳолатига деҳқон хўжаликларининг ижтимоий солиқ бўйича қарздорлиги 21,6 млрд сўмни ташкил этган.

12) Солиқ кодексининг 410-моддасига асосан юридик шахс кўчмас мулкни молиявий ижарага (лизинг) олган бўлса, у ҳам солиқ тўловчи деб эътироф этилади.

Давлат солиқ органларида лизингга берилган кўчмас мулк объектлари бўйича маълумотлар базасининг мавжуд эмаслиги ҳамда ушбу соҳада мол-мулк

солиғининг солиқ солиш базасини аниқлаш тизимлари яратилмаганлиги маълум бўлди.

13) Солиқ кодексининг 429-моддасига кўра, шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун солиқ қишлоқ хўжалиги ерлари учун белгиланган солиқ ставкаларининг икки баравари миқдорида тўланади.

Давлат солиқ органлари тизимида шаҳарлар ва шаҳарчаларда жойлашган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳисоби бўйича электрон маълумотлар базаси ҳамда автоматлаштирилган ўзаро ахборот тизими мавжуд эмас.

14) Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарий билан ўзаро ахборот алмашинуви ва назорат тизими йўлга қўйилмаганлиги ҳисобига 2020 йилда бюджетга 125,6 млн сўм дивиденд солиғи ҳисобланмаган.

Ташқи аудитда жараёнида мазкур солиқларни ҳисобланиши таъминланди.

15) Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-589-сонли Қонуннинг 19-моддасига асосан Давлат унитар корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган жамиятлар томонидан 2020 йилнинг 1 июлига қадар **2019 йил якунлари** юзасидан ўз соф фойдасининг **50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тегишли равишда ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланиши ҳамда 2020 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмасдан тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПҚ-4555**-сонли қарорининг 18-бандида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига мазкур қарорнинг 5-иловасида кўрсатилган давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан дивидендлар (соф фойдадан ажратмалар) тўлаш миқдорлари ва даврийлигини **Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги орқали** тегишли масалаларни ушбу юридик шахсларнинг бошқарув органларида **кўриб чиқиш учун киритиш йўли билан аниқлаш ҳуқуқи берилган.**

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 39-моддасига асосан Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисида банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда, банк акциядорларга дивидендлар тўлашга ҳақли эмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2020 йил 7 апрелдаги 213/1-сонли қарорига асосан тижорат банклари акциядорларига дивидендларни

тўлаш орқали фойдани тақсимламаслик юзасидан кўрсатма берилган ва 9 та тижорат банкларида давлат улуши бўйича 2019 йил якунлари билан шаклланган **110,7 млрд сўм** дивидендлар республика бюджетига ўтказилмаган.

Молия вазирлигининг 2021 йил 25 февралдаги хати билан юқоридаги 9 та тижорат банкларида давлат улуши бўйича 2019 йил якунлари билан шаклланган дивидендларни давлат бюджетига ундириш муддатини **2021 йил 1 июнгача** тўхтатилиши сўралган.

17) Давлат солиқ кўмитаси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, 2021 йил 1 апрелга қадар **113 820 та** субъектлар томонидан **130 490 дона** онлайн назорат касса машиналари ўрнатилган.

Давлат солиқ кўмитаси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, нақд пул тушумига эга тадбиркорлик субъектлари томонидан 2021 йил 1-чорагида **42,0 трлн сўм** тушумлар кирим қилинган ва ўтган йилнинг мос даврига (*31,2 трлн сўм*) нисбатан **10,8 трлн сўмга** ёки **34,8 фоизга** ўсган.

Ўсиш кўрсаткичлари қурилиш корхоналарида 85,6 фоиз, хусусий тиббиёт хизматида 59,1 фоиз, улгуржи савдода 55,5 фоиз, умумий овқатланишда 45,2 фоиз, ишлаб чиқаришда 35,8 фоиз ва чакана савдода 25,1 фоизни ташкил этган.

Солиқ органлари тизимида онлайн назорат касса машиналари ўрнатилган субъектларнинг тушумлари ўзгаришини (*кўпайиши ва камайиши*), харид чеклари сони кузатиб бориш юзасидан “Дашбоард” (Dashboard) дастурий таъминоти яратилган.

Ушбу дастурий таъминотда рўйхатга олинган онлайн НКМлари ва харид чеклари ҳамда уларнинг қиймати тўғрисидаги маълумотларни шаклланиши йўлга қўйилган.

Шунингдек, онлайн НКМларидан 3 кун ва 10 кун ҳамда 30 кун давомида фойдаланилмаётган субъектлар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш тизими мавжуд.

Дастурий таъминот маълумотларига кўра 2020 йилда онлайн НКМ орқали 27,4 трлн сўм савдо тушуми амалга оширилган.

Ўтказилган таҳлилда, онлайн назорат касса машиналари ўрнатилган 65 115 та **юрлик шахсларнинг** 2020 йил якуни бўйича даромадлари 258,6 трлн сўмни ташкил этиб, 2019 йилга (*235,9 трлн сўмга*) нисбатан 22,7 трлн сўмга ёки 9,6 фоизга ошган (*2020 йилда инфляция кўрсаткичини ҳисобга олганда, тушумнинг 9,6 фоизга ошишини ижобий кўрсаткич сифатида баҳолаб бўлмайди*).

Юрик шахсларнинг 2020 йил якунидаги солиқ тўлагунга қадар фойдаси 30,2 трлн сўмни ташкил этиб, 2019 йилга (42,9 трлн сўмга) нисбатан 12,7 трлн сўмга ёки 29,6 фоизга камайган.

Шунингдек, 2020 йил якунидаги соф фойдаси 21,8 трлн сўмни ташкил

этиб, 2019 йилга (26 трлн сўмга) нисбатан 4,2 трлн сўмга ёки 15,9 фоизга камайган.

Фаолият турлари бўйича таҳлилда қуйидагилар маълум бўлди.

Дорихона фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг 2020 йилдаги даромади 16,3 трлн сўмни ташкил этиб, 2019 йилга (11,1 трлн сўмга) нисбатан 5,2 трлн сўмга ёки **46,8 фоизга ошган**.

Чакана савдо фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг 2020 йилдаги даромади 129,3 трлн сўмни ташкил этиб, 2019 йилга (94,3 трлн сўмга) нисбатан 35 трлн сўмга ёки **37,1 фоизга ошган**.

Турғун савдо шохобчасига эга бўлган **ишлаб чиқариш** фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг 2020 йилдаги даромади 13,2 трлн сўмни ташкил этиб, 2019 йилга (10,2 трлн сўмга) нисбатан 3,0 трлн сўмга ёки **29,4 фоизга ошган**.

Аҳолига пуллик тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларнинг 2020 йилдаги даромади 2,0 трлн сўмни ташкил этиб, 2019 йилга (1,8 трлн сўмга) нисбатан 175,4 млрд сўмга ёки **9,5 фоизга ошган**.

Солиқ органлари томонидан дорихона, чакана савдо, ишлаб чиқариш, аҳолига пуллик тиббий хизмат кўрсатиш фаолияти амалга ошираётган хўжалик юритувчи субъектларида онлайн назорат касса машиналарини ўрнатилиши натижасида 2020 йил давомида уларнинг тушумлари 43,4 трлн сўмга ёки **36,9 фоизга ошганлигини** ижобий баҳолаш мумкин.

2020 йил давомида онлайн назорат касса машинаси ўрнатган юридик шахсларнинг аҳолига транспорт хизматини кўрсатиш фаолияти даромадлари 23,7 фоизга, хизмат кўрсатиш фаолияти 18,9 фоизга, нефть маҳсулотлари савдоси 17,8 фоизга, умумий овқатланиш фаолият савдоси 0,8 фоизга ва бошқа фаолият турлари 11,9 фоизга камайган (*бунга бевосита коронавирус пандемияси ўз таъсирини ўтказган*).

18) Солиқ органлари томонидан бюджетга солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва ундирилиши ҳамда тижорат банкларидан олинган манбалардан фойдаланиши танлов асосида ўрганилди.

Натижада, 608 та хўжалик юритувчи субъект томонидан **жами 103,7 млрд сўм ҚҚС** ҳисобланмаганлиги юзасидан тафовут мавжудлиги маълум бўлди.

V. Давлат божхона қўмитасида ўтказилган аудит натижалари.

5.1 Давлат божхона қўмитаси томонидан ундирилган божхона тўловлари бўйича тузилган ҳисоботи таҳлили.

Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим қилинган ҳисоботига асосан 2020 йил учун прогноз кўрсаткичлари 23,3 трлн сўм белгиланган бўлиб, амалда

Давлат бюджетига 24,7 трлн сўм тушумлар ундирилган ёки режага нисбатан 1,4 трлн сўмга ортиқча бажарилган.

Давлат божхона кўмитаси томонидан тақдим қилинган ҳисоботи ҳамда Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботи ўзаро солиштирилганда, 2 та даромад турларида **14,7 млрд сўмга** тафовут мавжудлиги маълум бўлди.

Жумладан, йўналиш келишуви ва ўтиб кетиш рухсатномасини расмийлаштириш учун, умумий белгиланган оғирликдан ҳақиқий умумий оғирлигининг ошган қисми учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тўловлари (3 151 205 даромад тури) ундирилганлиги Давлат божхона кўмитасининг ҳисоботида 5,2 млрд сўм, “Давлат бюджетининг даромадлари ижроси тўғрисидаги ҳисобот”да 4,3 млрд сўм кўрсатилган бўлиб, ўртадаги тафовут **871,6 млн сўмни** ташкил этган.

Шунингдек, автотранспорт воситаларини транзит ва республика ҳудудига кирганлик учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йиғимни (3 156 200 даромад тури) ундирилганлиги Давлат божхона кўмитасининг ҳисоботида 82,2 млрд сўм, “Давлат бюджетининг даромадлари ижроси тўғрисидаги ҳисобот”да 68,3 млрд сўм кўрсатилган бўлиб, ўртадаги тафовут **13,9 млрд сўмни** ташкил этган.

2020 йил давомида ҳисобланган божхона тўловлари 60,3 трлн сўмни ташкил этиб, шундан 35,6 трлн сўми (59 фоизи)га имтиёзлар қўлланилган.

5.2 Божхона тўловларини Давлат бюджетига ўтказилиши таҳлили.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 328-моддасига асосан божхона тўловлари тўловчи томонидан божхона органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ шу мақсадларда очилган шахсий ғазна ҳисобварақларига тўланади.

Тўланган божхона тўловлари товар чиқариб юборилган кундан ёки тўланиши товарларнинг божхона расмийлаштирувига боғлиқ бўлмаган божхона тўловлари учун божхона органи томонидан ҳаракатлар ёки тартиб-таомиллар бажарилган кундан эътиборан беш иш куни ичида божхона органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2016 йил 30 мартда 2771-сон билан рўйхатдан ўтган “Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисида”ги Йўриқноманинг 21, 22-бандларига асосан божхона тўловлари божхона органларининг Молия вазирлигини Давлат молиясини бошқаришни ахборот тизимида очилган депозит ҳисобварағида акс эттирган ҳолда тегишли шаклдаги тўлов ҳужжатларига асосан амалга оширилиши белгиланган.

Тўлов топшириқномалари асосида Давлат бюджетига ўтказиладиган

божхона тўловларининг миқдори Божхона кодексининг 15, 21, 26, 163, 255, 256 ва 258-моддаларига асосан божхона юк декларацияси ҳамда божхона кириш ордерида қайд қилинган суммалар асосида аниқланади.

2020 йилда Давлат бюджети даромадларига ўтказилиши лозим бўлган **458,4** млрд сўмлик даромадлар божхона органларининг депозит ҳисобварағида қолдиқ бўлиб сақланган ва келгуси даврда божхона тўловлари сифатида давлат бюджетига ўтказилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, аудит давомида божхона органлари томонидан импорт божхона режимида тўлиқ бўлмаган шарт билан танланган божхона юк декларацияларни қайта расмийлаштиришда ноаникликларга йўл қўйилганлиги натижасида **237,7** млн сўмлик божхона тўловларини Давлат бюджетига ўтказишда хатоликларга йўл қўйилган. Жумладан:

- эркин муомалага чиқариш режимида тўлиқ бўлмаган шарт (НД-40) билан расмийлаштирилган божхона юк декларациялари эркин муомалага чиқариш режимида (ИМ-40) қайта расмийлаштиришда 8 та ҳолатда **128,8** млн сўмлик божхона тўловлари икки марта акс этирилиши натижасида мазкур сумма Давлат бюджетига ортиқча ўтказилган.

- 2 та божхона юк декларациялари бўйича божхона тўловларини камайтириш учун асос бўлмасида Давлат бюджет маблағлари **108,9** млн сўмга камайтирилган.

5.3 Божхона қонунчилигини бузганлик учун қўлланилган жарималар таҳлили.

Божхона кодексининг 269-моддасига асосан тўлиқ бўлмаган божхона юк декларациясига декларант ёки божхона брокери, агар божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида алоҳида маълумотларни тақдим этиш учун бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияси божхона органи томонидан қабул қилиб олинган кундан эътиборан **олтмиш календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатда** етишмаган маълумотларни ва лозим даражада тўлдирилган божхона юк декларациясини тақдим этиш ҳақидаги ёзма мажбуриятни илова қилиши кўрсатиб ўтилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 227¹⁰- моддаси 3-бандига асосан *божхона органига товарлар ва транспорт воситалари учун божхона юк декларацияси, худди шунингдек **ҳужжатлар ва қўшимча маълумотларни белгиланган муддатларда тақдим этмаслик, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача** миқдорда жарима солишига сабаб бўлиши* белгиланган.

Шунингдек, *ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ўн*

беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши кўзда тутилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасига асосан *Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш чоғида якка тартибдаги тадбиркорлар ва (ёки) уларнинг ходимлари, юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ва (ёки) бошқа ходимлари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳам жиноят ишлари бўйича судлар кўриб чиқилиши* белгиланган.

Натижада, 2020 йил давомида **1 729 та** субъектларга (шундан 155 таси фуқаролар ва 1 574 таси мансабдор шахслар) **2,7 млрд сўмлик** (Давлат бюджетига **1,6 млрд сўм**) жарималар қўллаш юзасидан чоралар кўрилмаган.

5.4 Давлат божхона органлари томонидан ундирилиши белгиланган божхона тўловлари таҳлили.

Божхона кодексининг 335-моддасига асосан ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари дастлабки пул маблағларини божхона органларидан қайтариб бериш бўйича уч йил ичида мурожаат қилмаса, ушбу пул маблағлари божхона органи томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилиши белгиланган.

2020 йил давомида божхона органлари томонидан Давлат бюджети ҳисоботининг *Тадбиркорлик субъектлари томонидан уч йил олдин тўланган қолдиқ маблағлар* (3 450 977) даромад турига 465,8 млн сўмлик тўловлар ўтказиб берилган.

2021 йил 1 январь ҳолатига уч йил давомида ҳаракатсиз бўлган 2 701 та субъектларнинг **4 229,6 млн сўмлик** пул маблағлари мавжуд бўлиб, ушбу маблағлар 2020 йилда божхона органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилмаган.

5.5 Божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тартиби таҳлили.

2020 йилда божхона органлари томонидан 1 589,8 млрд сўмлик божхона тўловларини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича имконият берилган.

Шундан, 2020 йилда кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича имконият берилган божхона тўловлар қиймати 1 133,4 млрд сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 100-моддасида кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш даврида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасига тенг ставкадан келиб чиққан ҳолда қарз суммасига фоизлар ҳисобланиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 332-моддасида Божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган ҳар бир кун учун тўланиши лозим бўлган божхона

тўловлари суммасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасининг эллик фоизи миқдориди, бир кун учун қайта ҳисоб-китоб қилинган ҳисоблаб чиқариладиган фоизлар ундирилиши кўзда тутилган.

Маълумот учун: 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкалари 14.04.2020 ҳолатига - 16%, 11.09.2020 ҳолатига - 15%, 01.01.2021 ҳолатига -14%ни ташкил этган.

Божхона тўловларини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича имконият берилиши натижасида 39,4 млрд сўм фоиз ҳисобланиши лозим бўлиб, Божхона органлари томонидан 2020 йилда божхона тўловларини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича имконият берилиши натижасида 31,6 млрд сўм ёки 7,8 млрд сўм кам фоиз тўловлари (*фоиз тўловларини муддатдан олдин амалга оширилганлигини ҳисобга олган ҳолда*) ҳисобланиб, ундирилган.

Бундан ташқари, Божхона кодексининг 332-моддасига асосан Божхона Кодексининг 329-моддасининг бешинчи ва ўнинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар (*божхона декларацияси қабул қилинган кундан эътиборан тўқсон календарь кун муддатга кечиктириб тўлаш имконияти берилганлар ҳамда божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан узоқроқ муддатларга ва божхона тўловлари тўланиши таъминланмаган ҳоллар*) бўйича 8 671,6 млн сўмлик фоиз тўловлари ҳисобланмаган.

VI. Давлат активларини бошқариш агентлигида ўтказилган аудит натижалари.

6.1 Давлат активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан олинган даромадлар ҳисоби.

Давлат активларини сотилиши бўйича аниқланган режа 131,0 млрд сўмни ва ижроси 318,2 млрд сўмни ёки аниқлаштирилган режага нисбатан 242,9 фоизни ташкил этган.

Агентлик томонидан олди-сотди шартномалари бўйича тўланган маблағлар, қарздорликлар ва ортикча тўланган маблағларнинг ҳисобини юритиш бўйича дастурий маҳсулот такомиллаштирилмаган ва якунланмаган.

Барча ҳисоботлар ҳудудий бошқармалар томонидан тақдим этиладиган тасдиқланган қоғоз шаклида ва инсон омилига боғлиқ ҳолда ўзгартириш мумкин бўлган (Microsoft Excel файлида) электрон юритилади.

Масалан, қўлланилган жарима суммалари ҳамда шартнома қиймати бўйича тўланиши лозим бўлган дебитор қарздорлик таҳлил қилинганда 2019 йил ҳисоботида 1 та ҳолатда **20,1** млн сўм қарздорлиги мавжуд бўлган ташкилотнинг қарзи ижро ҳужжатлари Мажбурий ижро органидан Суд ҳужжатлари ва бошқа

органлар ҳужжатларини ижро қилиш тўғрисидаги қонуннинг 40-моддаси билан қайтиб банкротлик асосида тугатилмаган бўлсада, 2020 йил ҳисоботида қарздорлик агентликнинг ҳисобот маълумотида бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳужжат сифатида акс эттирилиб, дебитор қарздорлик суммаси ўчирилган.

Шунингдек, Андижон вилоятида рўйхатдан ўтган “Пахтаобод барака текстил” МЧЖ бўйича Агентликнинг 2019 йил ва ундан олдинги йиллардаги ҳисоботларида пеня ва жарималардан 344,2 млн сўм қарзи мавжудлиги қайд этилиб, Андижон вилояти Хўжалик судининг 2016 йил 26 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан инвестиция мажбуриятлари бажарилмаганлиги ҳисобига қўлланилган **8,3 млрд сўм** молиявий жарима агентлик томонидан юритилган ҳисобот маълумотида акс эттирилмаган.

6.2 Ижара тўловларининг тақсимланиши.

Агентлик ҳузуридаги Бўш турган объектлар марказининг ҳудудий бошқармалари томонидан ундирилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 404-сонли қарорнинг 2-иловаси билан тасдиқланган Низомнинг 9-бандига асосан белгиланган тартибда тақсимланмаган.

Жумладан, 2020 йил давомида ундирилган ижара тўловларидан тушган маблағлар маҳаллий бюджетларга 5 та вилоятда **1 470,2 млн сўм** кам, 7 та вилоятда **1 422,8 млн сўм** ортиқча ўтказилган.

Масалан, Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси томонидан 2020 йилда ижара тушуми ҳисобидан маҳаллий бюджетга 912,7 млн сўм ўрнига ҳақиқатда 718,0 млн сўм ёки 194,7 млн сўм кам маблағ ўтказилган.

6.3 Дивиденд ундирилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4679-сонли қарорининг 7-банди билан Давлат активларини бошқариш агентлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган корхоналар ва ташкилотларда 2019 йил учун олинган ва 2020 йилда олинган соф фойда бўйича давлат улушига ҳисобланган дивидендларни тўлиғича Давлат бюджетига ўтказиш юзасидан тегишли чораларни кўриш топширилган.

Мазкур топшириқ ижроси ўрганилганда, Давлат активларини бошқариш агентлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан 2019 йилда кўрилган соф фойдадан 21 та корхона бўйича давлат улушига тегишли **14,6 млрд сўм** дивидендлар тўлиғича Давлат бюджетига ўтказилмаганлиги аниқланди.

Масалан, “Ўзйўлбутлаш республика таъминот бошқармаси” ДУК 2019 йил

якуни бўйича олган 4 778,6 млн сўм соф фойда ҳисобидан бюджетга 3 858,7 млн сўм ўрнига ҳақиқатда 480,1 млн сўм ўтказилган.

6.4 Банкрот корхоналарнинг мол-мулкларини сотилиши.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 404-сонли қарорига асосан суд бошқарувчилари фаолияти устидан қонун ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга ошириши белгиланган

Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси қимматли қоғозлар реестрида тугатилган 17 685 та юридик шахсларнинг балансида **12,1 млрд сўмлик** қимматли қоғозлар мавжуд.

Шундан, 4 908 та **2,3 млрд сўмлик** қимматли қоғозлар банкротлик асосида тугатилган корхоналар ҳиссасига тўғри келиб, уларнинг 4 751 таси (1 790,6 млн сўмлик) тижорат банклар акцияларига тўғри келади.

VII. Давлат бюджети харажат қисмининг ижроси

7.1 Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажат қисмининг ижроси

Давлат бюджетининг 2020 йил харажатлари (давлат мақсадли жамғармаларисиз) **144 142,7 млрд сўмни** (аниқланган режа кўрсаткичларига нисбатан 100,0 фоиз) ёки ЯИМ га нисбатан 24,8 фоизни ташкил этган.

7-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетининг 2020 йилдаги харажатлари ижроси тўғрисида маълумот

млн сўмда

Кўрсаткичлар		Режа	Ижро	
			Суммада	Фоизда
ХАРАЖАТЛАР (МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРСИЗ) - ЖАМИ		144 186 916,0	144 142 675,3	100,0%
1.	Ижтимоий харажатлар	75 073 284,9	74 231 821,5	98,9%
1.1	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	63 751 284,9	63 176 669,5	99,1%
	<i>шундан:</i>			
1.1.1	таълим	30 458 562,2	29 961 108,0	98,4%
а.	мактабгача таълим	4 984 644,4	4 895 519,4	98,2%
б.	умумий таълим	22 021 595,4	21 860 352,2	99,3%
в.	кадрлар тайёрлаш	3 452 322,4	3 205 236,4	92,8%
1.1.2	соғлиқни сақлаш	19 409 274,3	19 397 187,8	99,9%
1.1.3	маданият ва спорт	2 342 671,7	2 340 672,4	99,9%
1.1.4	фан	945 990	823 799,1	87,1%

Кўрсаткичлар		Режа	Ижро	
			Суммада	Фоизда
1.1.5	нафақалар моддий ёрдам ва компенсация тўловлари	8 292 059,1	8 190 933,6	98,8%
1.1.6	аҳоли бандлиги даражасини ошириш	1 303 709,1	1 304 990,7	100,1%
1.2.	Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига трансфертлар	9 117 000,0	9 117 000,0	100,0%
1.2.	Уй-жойлар қуриш дастурида қатнашаётган банклар учун кредит линиялари субсидия ва компенсация тўловлари	2 205 000,0	1 938 152,0	87,9%
2.	Иқтисодиёт харажатлари	16 378 005,8	16 692 754,4	101,9%
	<i>шундан:</i>			
2.1	сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари	5 113 006,1	5 028 926,2	98,4%
2.2	суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш	367 755,0	366 682,4	99,7%
2.3	аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш	2 435 703,1	2 678 417,4	110,0%
2.4	табиатни муҳофаза қилиш	271 339,8	272 528,8	100,4%
2.5	уй-жой коммунал ишлари	469 530,1	471 929,6	100,5%
2.6	умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари ривожлантириш	2 697 964,1	2 697 939,1	100,0%
3.	Инвестиция харажатларини молиялаштириш	18 539 810,0	18 843 701,2	101,6%
4.	Давлат бошқаруви адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари	6 995 696,0	7 443 372,9	106,4%
5.	Суд органларини сақлаш харажатлари	384 625,5	382 986,3	99,6%
6.	Ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	815 087,8	817 670,8	100,3%
7.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар шаҳар ва туманлар бюджетларининг захира жамғармалари	1 649 963,8	1 506 180,0	91,3%
8.	Давлат томонидан ННТ ва фуқаролик жамиятнинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш харажатлари	47 453,9	47 453,9	100,0%
9.	Давлат қарзларига хизмат кўрсатиш ва қоплаш харажатлари	2 060 867,5	1 816 422,5	88,1%
10.	Бошқа харажатлар	22 242 120,8	22 360 311,8	100,5%

Ҳисобот даврида ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 74 231,8 млрд сўм ёки умумий харажатларнинг 51,5 фоизи миқдорида маблағ сарфланган. Ушбу харажатлар ЯИМ га нисбатан 12,8 фоизни ташкил этиб, унинг 85,1 фоизи ёки 63 176,7 млрд сўми Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ҳиссасига тўғри келган.

Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари учун ажратилган маблағларнинг 39,9 трлн сўми ёки қарийб 63,1 фоизи иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни молиялаштиришга йўналтирилган.

Ижтимоий харажатларнинг асосий қисмини ташкил этган таълим тизими муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантириш харажатларига Давлат бюджетидан 29 961,1 млрд сўм маблағ ажратилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасига Давлат бюджетидан йўналтирилган маблағлар миқдори 19 397,2 млрд сўм ёки 2019 йилга нисбатан 4 419,7 млрд сўмга (29,5 фоиз) кўп маблағлар ажратилган бўлиб, Давлат бюджети харажатларидаги улуши 13,5 фоизни ташкил этган.

Ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам, компенсация тўловлари ва аҳоли бандлик даражасини оширишга Давлат бюджетидан ҳисобот даврида 8 190,9 млрд сўмни ёки 2019 йилда ажратилган маблағларга нисбатан 3 450,6 млрд сўм ёки 72,8 фоиз кўпроқ маблағ ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6038-сон Фармониға мувофиқ 2020 йилнинг якуниға қадар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилалар сони 1 200 мингтағача етказиш белгиланган.

2020 йилнинг январь ойида 14 ёшгача болалари бўлган оилаларға нафақа, бола икки ёшға тўлғуниға қадар уни парвариш қилиш нафақаси, кам таъминланган оилаларға моддий ёрдам олувчи оилалар сони 565,9 мингтани ташкил этган бўлиб, уларнинг сони 2020 йил ноябрь ойида 936,6 мингтани, декабрь ойида 1 150,2 мингтани ташкил этган ҳамда ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тўловлари учун 3 247,9 млрд сўм маблағлар ажратилган.

Иқтисодиёт соҳасиға амалға оширилган харажатлар ҳисобот даврида 16 692,8 млрд сўмни ташкил қилиб, Давлат бюджети харажатларининг 11,6 фоизини ташкил этган.

Иқтисодиёт харажатлари асосан қуйидаги йўналишларда амалға оширилган:

- сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари – 5 028,9 млрд сўм;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш – 366,7 млрд сўм;
- аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалға ошириш харажатлари – 2 678,7 млрд сўм;
- табиатни муҳофаза қилиш ишларига – 272,5 млрд сўм;
- умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларни ривожлантириш харажатларига – 2 697,9 млрд сўм;

- уй-жой коммунал ишларига – 471,9 млрд сўм.

Ҳисобот даврида инвестиция харажатларини молиялаштиришга Давлат бюджети харажатларининг 13,1 фоизи ёки 18 843,7 млрд сўм маблағ сарфланган.

Давлат ҳокимияти, бошқарув, адлия, прокуратура ва суд органлари таъминотига ҳисобот даврида 7 826,4 млрд сўм ёки Давлат бюджети харажатларининг 5,4 фоизи йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармон ва қарорлари билан 2020 йил давомида Давлат бошқаруви ва бошқа давлат органлари фаолияти, унинг вазифалари таҳлил қилиниб, айримларининг фаолияти янгидан ташкил этилган, шунингдек баъзи давлат органларининг ташкилий тузилмалари қайта кўриб чиқилиб тасдиқланган, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ўзгарган, бунинг ҳисобига ушбу органларга қўшимча 4 143 нафар бошқарув ходимлари сони киритилиб, давлат бюджетидан уларни сақлаш харажатларига қўшимча 431,4 млрд сўм маблағлар ажратилган.

Ҳисоботга кўра 2021 йил 1 январь ҳолатига Давлат бюджети тақчиллиги 11 204,6 млрд сўмни ташкил этди ҳамда қуйидаги манбалар ҳисобидан қопланган:

- халқаро молия институтларидан бюджетни қўллаб қувватлаш учун жалб қилинган имтиёзли кредит маблағлари - 7 756,4 млрд сўм;

- Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан келиб тушган маблағлар - 1 508,0 млрд сўм;

- Давлат ғазначилик облигацияларини жойлаштиришдан келиб тушган маблағлар - 1 072,3 млрд сўм;

- мақсадли ва бошқа жамғармалардан ссудаларни қайтарилиши ҳисобига шаклланган маблағлар - 867,9 млрд сўм.

7.2 Ўзбекистон Республикаси республика бюджети харажат қисмининг ижроси

Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 100 830,6 млрд сўмни ва қонунга киритилган ўзгартиришлар билан бирга биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 109 299,1 млрд сўмни ташкил этган.

**Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан
биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга
2020 йил учун ажратилган маблағлар тўғрисида маълумот**

млн.сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Ажратилган маблағнинг чекланган миқдори	Аниқланган режа	%да
Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар, жами		109 299 087,0	109 323 264,3	100%
	<i>шу жумладан:</i>			
	жорий харажатлар	73 923 777,3	73 745 521,2	99,8%
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	14 544 817,1	14 393 433,3	99,0%
	давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар	10 858 782,8	11 013 459,2	1,4%
	Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар	9 971 709,8	10 170 850,6	102,0%
1.	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги	20 364 400,7	20 326 534,1	99,8%
2.	Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги	4 878 535,4	4 866 913,4	99,8%
3.	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	2 600 392,1	2 599 932,3	100,0%
4.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	5 719 017,6	5 300 914,6	92,7%
5.	Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги	627 414,3	627 435,9	100,0%
6.	Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги	678 038,6	675 876,7	99,7%
7.	Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги	549 011,4	549 011,4	100,0%
8.	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	2 409 011,0	2 385 030,6	99,0%
9.	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	514 295,1	480 858,7	93,5%
10.	Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги	3 202 672,2	3 176 330,4	99,2%
11.	Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги	1 097 290,6	1 097 246,9	100,0%
12.	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги	4 860 166,4	4 934 714,8	101,5%
13.	Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф- муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	52 155,3	45 878,0	88,0%
14.	Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси	1 444 804,1	1 444 804,1	100,0%
15.	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги	96 233,5	96 168,5	99,9%
16.	Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси	98 564,1	111 094,1	112,7%
17.	Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси	13 524,2	13 524,2	100,0%
18.	Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	44 165,5	44 240,6	100,2%
19.	Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси	213 556,4	230 555,6	108,0%
20.	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши	8 843,0	8 143,0	92,1%

Т/р	Кўрсаткичлар	Ажратилган маблағнинг чекланган миқдори	Аниқланган режа	%да
	курашиш кўмитаси			
21.	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги	15 759,8	15 759,8	100,0%
22.	Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги	3 240,6	3 240,6	100,0%
23.	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги	90 292,0	90 292,0	100,0%
24.	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	935 361,4	970 054,8	103,7%
25.	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси	149 760,1	149 760,1	100,0%
26.	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги	142 555,6	140 995,6	98,9%
27.	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги	387 892,3	375 636,6	96,8%
28.	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	176 757,6	126 771,7	71,7%
29.	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	168 714,1	168 714,1	100,0%
30.	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	986 827,1	988 370,0	100,2%
31.	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги	234 971,8	334 971,8	142,6%
32.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	27 447 340,8	27 522 713,9	100,3%
33.	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси	954 494,3	954 494,3	100,0%
34.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	885 675,9	915 100,9	103,3%
35.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси	886 352,8	938 856,0	105,9%
36.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати	19 534,7	19 534,7	100,0%
37.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси	129 059,0	128 859,0	99,8%
38.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)	3 879,9	3 879,9	100,0%
39.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	932 609,7	978 602,9	104,9%
40.	Ўзбекистон Республикаси Олий суди	442 710,9	441 910,9	99,8%
41.	Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди	3 514,2	3 500,3	99,6%
42.	Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши	17 098,4	17 098,4	100,0%
43.	Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси	4 838,0	4 841,9	100,1%
44.	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси	399 517,9	399 519,9	100,0%
45.	Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги	10 815,9	10 815,9	100,0%
46.	«Ўзархив» агентлиги	7 918,0	7 918,0	100,0%
47.	Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси	2 437,9	2 437,9	100,0%
48.	Республика Маънавият ва маърифат маркази	13 547,2	13 547,2	100,0%
49.	Гидрометеорология хизмати маркази	71 518,3	71 569,3	100,1%
50.	Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази	8 108,4	8 057,6	99,4%
51.	Ўзбекистон фахрийларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси	1 548,2	1 548,2	100,0%
52.	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги	341 582,5	341 582,5	100,0%
53.	Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги	129 385,6	129 385,6	100,0%
54.	Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси	220 000,0	220 000,0	100,0%
55.	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	246 544,1	233 393,0	94,7%
57.	Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги	9 858,0	9 108,0	92,4%
56.	Бошқа ташкилотлар	23 344 972,7	23 565 213,1	100,9%

Маълумот учун, Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан ажратилган маблағлар тегишлича биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг қаторида акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 21 ноябрда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги № ЎРҚ-589-сонли Қонуни билан 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 100 830,6 млрд сўм миқдорида тасдиқланган бўлиб 2020 йил давомида қуйидаги ўзгартиришлар киритилган.

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 5 майда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2020 йил 11 май куни маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги №ЎРҚ-618-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 106 250,0 млрд сўм этиб тасдиқланган.

Бунда, Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида макроиктисодий барқарорликни, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилган ва 10,0 трлн сўм маблағлар йўналтирилган.

Шу билан бирга, Давлат бюджетининг баланслигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 апрелдаги 232-сонли “2020 йил учун Ўзбекистон республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетида ҳамда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида кўзда тутилган харажатлар 4 987,3 млрд сўм миқдорида мақбуллаштирилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 15 декабрда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2020 йил 18 декабрь куни маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги №ЎРҚ-655-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика

бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 109 299,1 млрд сўм қилиб белгиланган ва 2020 йил ҳисобот кўрсаткичларида аниқланган режа 109 323,3 млрд сўмни ташкил этган ёки аниқланган режа 24,2 млрд сўмга кўпайган.

Ушбу Қонун билан тасдиқланган кўрсаткичларнинг айрим республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларига ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари ўзгариши:

- Ўзбекистон Республикасининг 589-ЎРҚ-сонли Қонунининг 6 - моддаси талабларидан келиб чиқиб биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари учун республика бюджетидан ажратиладиган маблағларни бошқа биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларига ўтказилиши;

- Ўзбекистон Республикасининг №ЎРҚ-618-сонли Қонуни билан киритилган ўзгартиришларда берилган ваколат, яъни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар Молия вазирлиги томонидан қайта тақсимлаш ҳисобига амалга оширилган.

Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига ажратилган маблағларнинг ўзгариши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сонли Қарорининг 16-бандига асосан Инқирозга қарши курашиш жамғармаси тугатилиши муносабати билан жамғарма ҳисобидан ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилмаган қисми 6,3 млрд сўмга камайтирилган;

- Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига ажратилган 10,0 млрд сўм маблағ Ўзбекистон Республикасининг №ЎРҚ-618-сонли Қонунининг 14-моддасига киритилган ўзгартиришга асосан, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 197-ф фармойишига асосан Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан маблағ ажратилган;

- Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги “Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4069-сонли Қарорига мувофиқ маблағ ажратилиши белгиланган.

- Аммо молия йили якунига қадар мазкур маблағга талаб бўлмаганлиги сабабли ҳамда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси тугатилиши муносабати билан мазкур маблағлар 50,0 млрд сўмга мақбуллаштирилган;

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни

қисқартириш вазирлигининг Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига Инқирозга қарши курашиш жамғармасини бошқариш бўйича Кенгаш комиссиясининг 2020 йил 7 августдаги 5-сонли йиғилиш баёнига асосан Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан 100,0 млрд сўм маблағ ажратилган.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг ижроси 2020 йилда 107 122,8 млрд сўмни ёки аниқланган режа кўрсаткичларига нисбатан 98,0 фоизни ташкил этган.

9 - жадвал

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2020 йилдаги харажатлари ижроси тўғрисида маълумот

млн сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Аниқланган режа	Ижро	%да
Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар, жами		109 323 264,3	107 122 771,0	98,0%
	<i>шу жумладан:</i>			
	жорий харажатлар	73 745 521,2	71 767 393,9	97%
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	14 393 433,3	14 192 751,7	99%
	давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар	11 013 459,2	10 991 774,7	101%
	Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар	10 170 850,6	10 170 850,7	100%
1.	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги	20 326 534,1	20 069 087,4	99%
2.	Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги	4 866 913,4	4 739 490,3	97%
3.	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	2 599 932,3	2 440 746,4	94%
4.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	5 300 914,6	4 983 279,0	94%
5.	Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги	627 435,9	623 724,8	99%
6.	Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги	675 876,7	634 051,3	94%
7.	Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги	549 011,4	522 271,4	95%
8.	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	2 385 030,6	2 374 458,7	100%
9.	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	480 858,7	406 456,5	85%
10.	Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги	3 176 330,4	3 082 294,8	97%
11.	Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги	1 097 246,9	1 060 439,5	97%

Т/р	Кўрсаткичлар	Аниқланган режа	Ижро	%да
12.	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги	4 934 714,8	4 801 760,9	97%
13.	Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	45 878,0	45 247,1	98%
14.	Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси	1 444 804,1	1 436 835,6	99%
15.	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги	96 168,5	94 611,9	98%
16.	Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси	111 094,1	109 479,5	99%
17.	Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси	13 524,2	13 122,5	97%
18.	Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	44 240,6	43 519,4	98%
19.	Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси	230 555,6	220 635,6	96%
20.	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси	8 143,0	6 391,5	78%
21.	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги	15 759,8	15 030,5	95%
22.	Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги	3 240,6	3 194,0	99%
23.	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги	90 292,0	89 376,5	99%
24.	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	970 054,8	969 114,6	100%
25.	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси	149 760,1	149 760,1	100%
26.	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги	140 995,6	157 649,6	112%
27.	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги	375 636,6	363 388,7	97%
28.	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	126 771,7	116 109,0	92%
29.	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	168 714,1	121 309,0	72%
30.	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	988 370,0	975 298,2	99%
31.	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги	334 971,8	312 156,2	93%
32.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	27 522 713,9	26 918 911,5	98%
33.	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси	954 494,3	940 583,5	99%
34.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	915 100,9	793 901,7	87%
35.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси	938 856,0	894 031,4	95%
36.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати	19 534,7	19 238,7	98%
37.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси	128 859,0	119 602,2	93%

Т/р	Кўрсаткичлар	Аниқланган режа	Ижро	%да
38.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)	3 879,9	3 846,9	98%
39.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	978 602,9	1 104 289,7	113%
40.	Ўзбекистон Республикаси Олий суди	441 910,9	439 177,9	99%
41.	Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди	3 500,3	3 074,0	88%
42.	Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши	17 098,4	13 778,3	81%
43.	Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси	4 841,9	4 768,9	100%
44.	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси	399 519,9	362 278,5	91%
45.	Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги	10 815,9	12 798,7	119%
46.	«Ўзархив» агентлиги	7 918,0	7 421,7	94%
47.	Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси	2 437,9	1 897,5	78%
48.	Республика Маънавият ва маърифат маркази	13 547,2	8 867,7	65%
49.	Гидрометеорология хизмати маркази	71 569,3	64 073,6	90%
50.	Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази	8 057,6	7 282,9	90%
51.	Ўзбекистон фахрийларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси	1 548,2	992,1	64%
52.	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги	341 582,5	375 168,4	110%
53.	Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги	129 385,6	129 014,4	100%
54.	Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси	220 000,0	220 000,0	100%
55.	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	233 393,0	213 439,8	91%
56.	Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги	9 108,0	7 458,5	82%
57.	Бошқа ташкилотлар	23 565 213,1	23 476 582,1	100%

Халқ таълими вазирлиги бўйича аниқланган режа 20 326,5 млрд сўмни, ижроси 20 069,1 млрд сўмни ёки 98,7 фоизни ташкил этган.

Жумладан жорий харажатларга 18 271,1 млрд сўм, Республика мақсадли китоб жамғармасига трансферт харажатлари 50,8 млрд сўм ҳамда объектларни лойиҳалаштириш, қуриш(реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш харажатларига 1 747,2 млрд сўм сарфланган.

Мактабгача таълим вазирлиги бўйича аниқланган режа 4 866,9 млрд сўмни, ижроси 4 739,5 млрд сўмни ташкил этган. Бунда жорий харажатларга 3 426,9 млрд сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш харажатларига 1 312,6 млрд сўм йўналтирилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бўйича аниқланган режа 2 599,9 млрд сўм, ижроси 2 440,7 млрд сўмни ташкил этган. Бунда жорий

харажатларга 2 221,9 млрд сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш харажатларига 218,9 млрд сўм йўналтирилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ташкилотлари бўйича аниқланган режа 5 300,9 млрд сўм, ижроси 4 983,3 млрд сўмни ташкил этган. Бунда жорий харажатларга 2 887,0 млрд сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш харажатларига 2 059,1 млрд сўм йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бўйича аниқланган режа 2 385,0 млрд сўм, ижроси 2 374,5 млрд сўмни ташкил этган. Бунда, жорий харажатларга 318,7 млрд сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш(реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш харажатларига 2 055,7 млрд сўм ажратилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси давлат молияси статистикасини халқаро стандартларга мослаштириш учун 2020 йилдан бошлаб давлат қарзларини (асосий қарз) сўндириш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари таркибига киритилмайдиган миқдори 2020 йилда 3 360,3 млрд сўмни ташкил этган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 декабрдаги 563-ф сонли фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига 1 500 млрд сўм маблағ 2021 йил 31 декабрида қайтариб бериш шарти билан ажратилган.

Бюджет Кодексининг 138 - моддасига асосан молия йили мобайнида юқори ва қуйи турувчи бюджетлар ўртасида юзага келадиган ўзаро пул муносабатларини қоплаб бериш учун 2020 йил давомида республика бюджетидан бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳари маҳаллий бюджетларига 8 032,7 млрд сўм маблағлар ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4555-сонли қарорининг 19-бандига асосан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига 2020 йилда 1 395,5 млрд сўм ўтказиб берилган.

Ташқи аудит жараёнида Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботда иш ҳақи жамғармаси режа кўрсаткичлари

давлат бюджетининг харажатлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботга нисбатан **22 та ҳолатда 13 932,3 млн сўмга кўп**, ҳақиқий харажатлар эса 19 та ҳолатда **14 110,2 млн сўмга кўп**, 3 та ҳолатда **87,9 млн сўмга кам** кўрсатилганлиги маълум бўлди.

Ушбу фарқ аксарият ҳолатларда айрим ташкилотларнинг тармоқ, штат ва контингентлари ижроси бўйича ҳисоботда пенсия тўловлари, уй-жой-коммунал хизматлар бўйича хар ойлик компенсация туловлари иш ҳақи жамғармаси таркибига киритилганлиги сабабли келиб чиққан.

Хусусан, ҳақиқий харажатлар бўйича пенсиялар иш ҳақи жамғармаси таркибига киритилганлиги сабабли 13 858,5 млн сўм фарқ юзага келган.

7.3 Республика бюджетидан 2020 йилда ажратилган мақсадли субсидиялар.

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан **1 603,0** млрд сўм миқдорида субсидиялар ажратилган. Жумладан:

- “Янги Ўзбекистон” ва “Правда востока” газеталарини моддий-техникасини мустаҳкамлаш ва молиявий қўллаб-қувватлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармаси маблағлари ҳисобидан 10,0 млрд сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигига 18,1 млрд сўм;

- қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан республикада ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик техникалари харид қилинганда ушбу техника нархининг 15 фоиз миқдоридаги субсидиялар учун 11,2 млрд сўм;

- Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига 76,3 млрд сўм;

- Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарига, пахтани машинада териб олиш хизмат тарифининг 30 фоизи миқдорида ажратиладиган субсидиялар учун 42,9 млрд сўм;

- сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатишга 31,5 млрд сўм;

- Қишлоқ хўжалиги (бошқа экин турларига) экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш учун 5,6 млрд сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги “Ўзбекчорванасл” агентлигига 57,0 млрд сўм;

- Пандемия шароитида нефть базаларини қўллаб-қувватлаш учун 400,1 млрд сўм ва иссиқлик электр станцияларини қўллаб-қувватлаш учун 500,0 млрд сўм;

- чет эл давлатларига экспорт қилинаётган автомобилларнинг утилизация харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш учун 59,3 млрд сўм;

- шаҳар ва қишлоқларда уй-жойлар қуриш давлат дастурлари доирасида даромади юқори бўлмаган фуқароларга бозор ипотека кредитлари бўйича субсидиялар тўлаш учун 61,6 млрд сўм;

- давлат-хусусий шерикчилиги шартлари асосида фаолият юритадиган мактабгача таълим муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 313,3 млрд сўм;

- бошқа йўналишларга 16,6 млрд сўм.

7.4 Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари харажатлари ижроси

Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни билан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг харажатлари 35 387,8 млрд сўмни ташкил этган ҳолда маълумот учун қабул қилинган бўлиб, улар 30 273,9 млрд сўмлик даромад ва 5 113,9 млрд сўмлик республика бюджетидан вилоятлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар ҳисобига қопланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 94-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳаларини тақчиллик билан ишлаб чиқишга йўл қўйилмаслиги белгиланган бўлиб, 2020 йил учун мазкур бюджет лойиҳаларида тақчиллик кўзда тутилмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети харажатларининг аниқланган режаси 9 646,7 млрд сўмга оширилиб, дастлабки режадаги 35 387,8 млрд сўмдан 45 034,5 млрд сўмгача оширилган.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг касса харажатлари қуйидагиларни ташкил қилган.

**Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
маҳаллий бюджетлари 2020 йидаги харажатлари ижроси тўғрисида
маълумот**

млрд сўм

Худудлар номи	Аниқланган режа	Касса ижроси	Бажарилиши	
			миқдори	%
Харажатлар жами	45 034,5	47 190,7	2 156,2	105%
Қорақалпоғистон Республикаси	3 387,0	3 542,0	155,1	105%
Андижон вилояти	3 575,8	3 707,9	132,1	104%
Бухоро вилояти	2 933,3	3 103,5	170,3	106%
Жиззах вилояти	1 927,8	2 057,7	129,9	107%
Қашқадарё вилояти	4 444,4	4 603,2	158,7	104%
Навоий вилояти	1 679,4	1 818,2	138,8	108%
Наманган вилояти	3 692,2	3 776,9	84,8	102%
Самарқанд вилояти	3 697,7	3 811,6	113,9	103%
Сурхондарё вилояти	3 075,6	3 246,6	170,9	106%
Сирдарё вилояти	2 331,7	2 375,6	43,9	102%
Тошкент вилояти	3 256,4	3 386,8	130,4	104%
Фарғона вилояти	3 943,4	4 132,1	188,7	105%
Хоразм вилояти	2 263,6	2 278,9	15,2	101%
Тошкент шаҳри	4 826,2	5 349,7	523,5	111%

7.5 Бюджетлараро муносабатлар

Ўзбекистон Республикасининг Республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига жами 10 170,8 млрд сўм тартибга солувчи трансфертлар ажратилган.

11-жадвал

**Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
маҳаллий бюджетларига 2020 йилда ажратилган тартибга солувчи
трансфертлар тўғрисида маълумот**

млрд сўм

№	Худудлар	Ажратилган тартибга солувчи трансфертлар миқдори
	Тартибга солувчи трансфертлар, жами	10 170,8
1	Қорақалпоғистон Республикаси	318,9
2	Андижон вилояти	1 057,7
3	Бухоро вилояти	459,8

№	Худудлар	Ажратилган тартибга солувчи трансфертлар миқдори
4	Жиззах вилояти	733,1
5	Қашқадарё вилояти	1 237,3
6	Навоий вилояти	129,8
7	Наманган вилояти	1 365,5
8	Самарқанд вилояти	748,2
9	Сурхондарё вилояти	1 139,8
10	Сирдарё вилояти	500,0
11	Тошкент вилояти	289,1
12	Фарғона вилояти	702,6
13	Хоразм вилояти	753,1
14	Тошкент шаҳар	735,8

Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни 5-илоvasи билан 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг **чекланган миқдорлари тасдиқланган.**

Унга кўра Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертларнинг чекланган миқдори 9 971,7 млрд сўм этиб белгиланган бўлсада, ҳақиқатда республика бюджетидан худудларга 10 170,8 млрд сўм миқдоридagi трансфертлар ўтказилиб, Қонун билан чекланган миқдорга нисбатан **199,1 млрд сўм кўп ажратиб берилган.**

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига 2020 йил мобайнида 1 647,0 млрд сўмлик бюджет ссудалари ажратилиб, йил давомида шундан 1 439,5 млрд сўми пул кўринишида ҳамда 40,0 млрд сўми ўзаро ҳисоб-китоблар орқали қайтарилган.

2021 йил 1 январь ҳолатига Тошкент шаҳри бўйича 167,5 млрд сўм бюджет ссудасидан қарздорлик мавжуд.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 июндаги 313-ф сонли фармойишига асосан бир йиллик имтиёзли давр билан Молия вазирлиги хузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига ажратилган 167,5 млрд сўм миқдоридagi фойсиз бюджет ссудасининг қайтариш муддати 2023 йил 30 июнь этиб белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига 2020 йилда ажратилган бюджет ссудалари тўғрисида
МАЪЛУМОТ

млн сўм

Худудлар номи	2020 йилда жами ажратилган бюджет ссудаси	Жами қайтарилган сумма	шундан:		2021 йил 1 январь ҳолатига қарздорлик
			пул кўриниши орқали	ўзаро ҳисоб-китоблар орқали	
Жами	1 646 950,0	1 479 450,0	1 439 450,0	40 000,0	167 500,0
Қорақалпоғистон Республикаси	195 000,0	195 000,0	195 000,0		
Андижон вилояти	40 000,0	40 000,0		40 000,0	
Бухоро вилояти	277 000,0	277 000,0	277 000,0		
Жиззах вилояти	47 000,0	47 000,0	47 000,0		
Қашқадарё вилояти	120 000,0	120 000,0	120 000,0		
Навоий вилояти	16 700,0	16 700,0	16 700,0		
Наманган вилояти	110 000,0	110 000,0	110 000,0		
Самарқанд вилояти	157 750,0	157 750,0	157 750,0		
Тошкент вилояти	80 000,0	80 000,0	80 000,0		
Фарғона вилояти	225 000,0	225 000,0	225 000,0		
Тошкент шаҳри	378 500,0	211 000,0	211 000,0		167 500,0

7.6 Давлат бюджетининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари

Тақдим этилган ҳисоботга кўра 2021 йил 1 январь ҳолатига жами дебитор қарздорлик 11 766,2 млрд сўмни ташкил этиб, бюджет маблағлари ҳисобидан 8 611,4 млрд сўмни, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 3 154,8 млрд сўмни ташкил этган.

2021 йил 1 январь ҳолатига жами муддати ўтган дебитор қарздорлик 611,4 млн сўмни ташкил этиб, шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан 6,0 млн сўм, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 605,4 млн сўмни ташкил этган.

Муддати ўтган энг катта дебитор қарздорлик Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий–тадқиқот институти ҳисоботида 523,8 млн сўмлик қарздорлик акс этирилган бўлиб, қарздорликнинг келиб чиқиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3574-сон қарорининг 3 бандига мувофиқ Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжалиқларининг хизмат кўрсатувчи ташкилотлар олдидаги 2018 йил 1 январдаги ҳолатига кўра ҳосил

бўлган қарзларини, шу жумладан, ички тармоқ қарздорлиги ҳамда бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги қарзларини тўлаш муддати ҳисобланган пеня ва жарималар ҳисобидан чиқарилган ҳолда 3 йил муддатга узайтирилиши кўрсатиб ўтилган.

2021 йил 1 январь ҳолатига мавжуд дебитор қарздорликлар 2020 йил 1 январь ҳолатидаги дебитор қарздорликка нисбатан қуйидаги жадвалда акс эттирилган.

13-жадвал

**Давлат бюджетининг дебиторлик қарздорликлари тўғрисида
маълумот**

млн сўм

Харажатлар таркиби	Жами	шундан	
		бюджет маблағлари бўйича	бюджетдан ташқари маблағлар бўйича
2020 йил 1 январь ҳолатига			
Дебиторлик қарзи – жами	8 669 804,2	6 254 244,4	2 415 559,8
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	1 962,5	1 797,8	164,7
Иш ҳақидан ажратмалар	388,2	105,3	282,9
Капитал қўйилмалар	933 428,5	804 116,0	129 312,5
Бошқа харажатлар	5 955 907,5	5 447 535,1	508 372,4
Гуруҳларга киритилгандан ташқари	1 778 117,4	690,2	1 777 427,2
2021 йил 1 январь ҳолатига			
Дебиторлик қарзи – жами	11 766 191,8	8 611 367,4	3 154 824,4
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	3 633,4	2 624,7	1 008,7
Иш ҳақидан ажратмалар	419,3	275,0	144,3
Капитал қўйилмалар	1 432 157,4	1 021 899,9	410 257,5
Бошқа харажатлар	8 334 927,8	7 585 797,9	729 129,9
Гуруҳларга киритилгандан ташқари	1 995 053,9	769,9	1 994 283,9
Ўсиши/камайиши (фоизда)			
Дебиторлик қарзи – жами	136%	138%	131%
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	185%	146%	613%
Иш ҳақидан ажратмалар	108%	261%	51%
Капитал қўйилмалар	153%	127%	317%
Бошқа харажатлар	140%	139%	147%
Гуруҳларга киритилгандан ташқари	112%	112%	112%

Жадвалда келтирилган кўрсаткичларнинг ўзгариши таҳлил қилинганда, жами 11 766,2 млрд сўм дебитор қарздорлик ўтган йилги дебитор қарздорликга нисбатан қарийб 1,4 бараварга ошган.

Дебитор қарздорликлар гуруҳлар кесимида таҳлил қилинганда, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича 3,6 млрд сўмни, капитал қўйилмалар бўйича 1 432,1 млрд сўмни, бошқа харажатлар бўйича 8 334,9 млрд сўмни, гуруҳларга киритилгандан ташқари харажатлар 1 778,1 млрд сўмни ташкил этиб, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича 1,9 бараварга, капитал қўйилмалар бўйича 1,4 бараварга, бошқа харажатлар бўйича 1,9 бараварга ва гуруҳларга киритилгандан ташқари харажатлар бўйича 1,8 бараварга ошган.

Иш ҳақидан ажратмалар бўйича дебитор қарздорлик 419,3 млн сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан қарийб 1,1 бараварга ошган.

Тақдим этилган ҳисоботга кўра, 2021 йил 1 январь ҳолатидаги ҳисоботларга кўра жами кредитор қарздорлик 8 219,4 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан 5 016,1 млрд сўм, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 3 203,3 млрд сўм.

Шундан, муддати ўтган кредитор қарздорлик 77,0 млн сўмни ташкил этиб, шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан 33,3 млн сўм, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 43,7 млн сўмни ташкил этган.

2021 йил 1 январь ҳолатига мавжуд кредитор қарздорликлар 2020 йил 1 январь ҳолатидаги кредитор қарздорликларга нисбатан ўзгариши қуйидаги жадвалда акс этирилган.

14-жадвал

Давлат бюджетининг кредиторлик қарздорликлари тўғрисида
маълумот

Харажатлар таркиби	Жами	Шундан	
		бюджет маблағлари бўйича	бюджетдан ташқари маблағлар бўйича
2020 йил 1 январь ҳолатига			
Кредиторлик қарзи – жами	7 537 552,3	5 004 599,9	2 532 952,4
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	2 565 390,1	2 192 804,2	372 586,0
Иш ҳақидан ажратмалар	851 082,4	767 598,6	83 483,8
Капитал қўйилмалар	1 186 166,5	1 037 905,6	148 260,9
Бошқа харажатлар	1 536 875,3	1 002 116,1	534 759,2
Гуруҳларга киритилгандан ташқари	1 398 037,9	4 175,3	1 393 862,5

Харажатлар таркиби	Жами	Шундан	
		бюджет маблағлари бўйича	бюджетдан ташқари маблағлар бўйича
2021 йил 1 январь ҳолатига			
Кредиторлик қарзи – жами	8 219 361,0	5 016 096,3	3 203 264,6
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	2 431 254,7	2 276 026,5	155 728,2
Иш ҳақидан ажратмалар	885 099,4	833 214,2	51 885,2
Капитал қўйилмалар	1 242 983,3	1 166 636,2	76 347,1
Бошқа харажатлар	1 628 944,9	717 794,5	911 150,3
Гуруҳларга киритилгандан ташқари	2 030 578,7	22 424,9	2 008 153,7
Ўсиши/камайиши (фоизда)			
Кредиторлик қарзи – жами	109%	100%	126%
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	95%	104%	42%
Иш ҳақидан ажратмалар	104%	109%	62%
Капитал қўйилмалар	105%	112%	51%
Бошқа харажатлар	106%	72%	170%
Гуруҳларга киритилгандан ташқари	145%	4175%	144%

Жадвалда келтирилган кўрсаткичларнинг ўзгариши таҳлил қилинганда, жами 8 219,4 млрд сўм кредитор қарздорлик ўтган йилги кредитор қарздорликга нисбатан 1,1 бараварга ошган.

Гуруҳлар кесимида кўрадиган бўлсак, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, иш ҳақиға ажратмалар 0,1 бараварга, капитал қўйилмалар 1,1 бараварга, бошқа харажатлар 1,1 бараварга шунингдек, гуруҳларга киритилганидан ташқари кредитор қарздорликлар 1,5 бараварга ошган.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг дебиторлик қарзлари 2021 йил 1 январь ҳолатига 554,8 млрд сўмни ташкил этган ёки ўтган йилнинг ҳисобот даврига нисбатан 1,6 бараварга камайган.

15-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг дебиторлик қарздорликлари тўғрисида маълумот

млн сўм

Т/р	Худудлар номи	01.01.2020 й. ҳолатига	01.01.2021 й. ҳолатига	Ўсиши/камайиши, фоизда
	Жами	877 632,9	554 801,9	63%
1	Қорақалпоғистон Республикаси	33 459,3	22 178,0	66%

Т/р	Худудлар номи	01.01.2020 й. ҳолатига	01.01.2021 й. ҳолатига	Ўсиши/камайиши, фоизда
2	Андижон вилояти	36 905,8	27 280,7	74%
3	Бухоро вилояти	31 622,1	9 540,2	30%
4	Жиззах вилояти	10 209,1	11 030,8	108%
5	Қашқадарё вилояти	25 629,9	48 770,1	190%
6	Навоий вилояти	171 035,5	14 475,8	8%
7	Наманган вилояти	50 363,1	29 233,2	58%
8	Самарқанд вилояти	50 812,0	37 603,1	75%
9	Сурхондарё вилояти	50 659,3	14 091,8	63%
10	Сирдарё вилояти	22 420,1	22 979,8	45%
11	Тошкент вилояти	135 862,6	56 569,9	42%
12	Фарғона вилояти	71 174,6	33 905,8	48%
13	Хоразм вилояти	22 118,5	14 444,4	65%
14	Тошкент шаҳри	165 361,1	212 698,3	129%

Маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминладиган ташкилотлар бўйича кредиторлик қарзлари 2021 йил 1 январь ҳолатига 1 888,1 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, ўтган йилнинг ҳисобот даврига нисбатан 1,9 бараварга камайган.

16-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг кредиторлик қарздорликлари тўғрисида маълумот

млн сўм

т/р	Худудлар номи	01.01.2020 й. ҳолатига	01.01.2021 й. ҳолатига	Ўсиши/камайиши, фоизда
	Жами	3 620 167,6	1 888 082,1	52%
1	Қорақалпоғистон Республикаси	228 414,4	119 301,4	52%
2	Андижон вилояти	323 226,8	155 975,4	48%
3	Бухоро вилояти	218 775,6	109 928,0	50%
4	Жиззах вилояти	138 010,4	118 281,4	86%
5	Қашқадарё вилояти	374 519,7	144 373,2	39%
6	Навоий вилояти	162 279,4	72 262,4	45%
7	Самарқанд вилояти	342 086,9	103 881,0	30%
8	Наманган вилояти	232 293,7	112 488,8	48%

т/р	Худудлар номи	01.01.2020 й. ҳолатига	01.01.2021 й. ҳолатига	Ўсиши/камайиши, фоизда
9	Сирдарё вилояти	141 343,4	116 228,1	82%
10	Сурхондарё вилояти	215 114,8	95 303,0	44%
11	Тошкент вилояти	303 861,6	152 100,0	50%
12	Фарғона вилояти	409 775,6	192 096,4	47%
13	Хоразм вилояти	181 864,0	85 291,7	47%
14	Тошкент шаҳри	348 601,2	310 571,3	89%

7.7 Давлат бюджетининг ғазна ижроси бўйича

Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилган 2850 - сонли “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси тўғрисида”ги қоидаларининг 7-банди билан “UzASBO” ДМга уланган буюртмачилар тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерларини “UzASBO” ДМда шакллантирилиши ва электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборилиши белгиланган.

Бунда, “UzASBO” ДМ орқали электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда ғазначилик бўлинмаларига юборилган электрон тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерлари қоғоз шаклида расмийлаштирилмайди.

Қоиданинг 8-банди билан харажатларни тўлашга тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерлари ғазначилик бўлинмаларига тўлов амалга ошириладиган санадан кечи билан **бир иш куни** олдин тақдим этилиши ҳамда буюртмачилар электрон тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерларини ғазначилик бўлинмаларига “UzASBO” ДМ орқали тўловни амалга ошириш кунида юбориши мумкинлиги белгиланган.

Қоиданинг 128-банди билан буюртмачиларнинг “UzASBO” ДМ орқали электрон шаклда ғазначилик бўлинмаларига юборилган тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерлари ғазначилик бўлинмалари томонидан бир иш куни ичида ғазначилик бўлинмаси масъул ходимининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда “ЎРМВ” АТда тўловга қабул қилиниши, камчиликлар аниқланганида эса тегишли камчиликлари кўрсатилган ҳолда электрон тарзда буюртмачиларга қайтарилиши белгиланган.

Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларнинг 2020 йил давомида бюджет маблағлари ҳисобидан харажатларни амалга ошириш учун ғазначилик бўлинмаларига “UzASBO” ДМ орқали юборилган тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерлари ижро ҳолати ғазначилик

бўлинмалари томонидан юқоридаги тартибга амал қилиниши республика бюджети бўйича ўрганилганда **14 369** та ҳолатда жами **611 191,9** млн сўмлик тўлов топшириқномалари ғазначилик бўлинмалари масъул ходимлари томонидан “ЎРМВ” АТда тўловга қабул қилинмаганлиги ва сабабсиз ижро этилмаганлиги натижасида буюртмачиларга электрон тарзда қайтган.

Ғазначилик бўлинмалари масъул ходимлари томонидан белгиланган тартибда ижроси таъминланмаган юқоридаги тўлов топшириқномаларининг буюртмачилар томонидан такроран юборилиши ўрганилганда, **479 та** ҳолатда **102 048,1** млн сўмлик тўлов топшириқномалари икки марта ва ундан ортиқ юборилган бўлсада ижроси таъминланмаган.

7.8 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг даромад ва харажатлари ижроси бўйича

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида асосан, Молия вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этилмаган ҳолда, 10 000,0 млрд сўм миқдоридagi Инқирозга қарши курашиш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 сентябрдаги ПҚ-4836-сон “Коронавирус пандемияси ва ундан кейинги даврда мувофиқлаштирилган макроиқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги қарорига асосан коронавирус пандемиясига қарши курашиш тадбирлари чўзилиб кетганлиги, бунинг натижасида қўшимча маблағлар талаб этилганлиги боис, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз оқибатларини инобатга олган ҳолда, йил якунига қадар Инқирозга қарши курашиш жамғармаси харажатлари 13 400,0 млрд сўм миқдоридa белгиланган.

Жамғарма даромадлари сифатида, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари (*шу жумладан харажатларни мақбуллаштириши ҳисобига*), халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар этиб белгиланган.

Жамғарма даромадлари жами 13 399,9 млрд сўм миқдоридa шакллантирилган.

Шундан, 1 678,0 млрд сўми - Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари (*шу жумладан харажатларни мақбуллаштириши ҳисобига*), 2 023,5 млрд сўми - Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки томонидан жалб қилинган маблағлар, 3 826,0 млрд сўми - халқаро валюта жамғармаси маблағлари, 5 872,5 млрд сўми - Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ҳамда Коронавирусга қарши курашиш республика махсус комиссияси топшириқлари асосида коронавирус

инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш чора-тадбирларини амалга ошириш учун йўналтириш тўғрисидаги қарорларига асосан Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасини бошқариш бўйича Кенгаш баёнлари асосида Жамғарма ҳисобидан жами 12 826,2 млрд сўм маблағ ажратилган.

17-жадвал

Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг даромад ва харажатлари тўғрисида маълумот

млн сўмда

№	Йўналишлар ва тадбирлар номи	Сумма
I.	ДАРОМАДЛАР ЖАМИ	13 399 930,0
1	Осиё тараққиёти банки маблағлари (579.3 млн.долл)	5 872 483,0
2	Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки маблағлари (199.5 млн.долл)	2 023 522,0
3	Халқаро валюта жамғармаси маблағлари (374.3 млн.долл)	3 825 965,0
4	Давлат бюджети маблағлари (шу жумладан харажатларни мақбуллаштириш ҳисобига)	1 677 960,0
II.	ХАРАЖАТЛАР ЖАМИ	12 826 947,0
1	Коронавирусга қарши курашиш бўйича тадбирларни молиялаштириш	4 984 638,0
2	Тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини қўллаб қувватлашга	3 422 675,0
3	Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш	1 339 390,0
4	Иқтисодий тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш	2 484 852,0
4.1.	Бюджет ссудалари	1 463 989,0
4.2.	Субсидиялар	920 863,0
4.3.	Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига (кафиллик ҳамда компенсация харажатлари учун)	100 000,0
5	Солиқ имтиёзлари берилиши натижасида маҳаллий бюджетлар ва Пенсия жамғармаси йўқотишларини қоплашга	595 392,0
III.	Қолдиқ маблағлар	572 983,0
1	Ўзбекистон Республикаси “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-4938 қарорга асосан республика бюджетига ўтказилган маблағ.	572 983,0
	Йил охирига қолдиқ маблағ	0,0

7.8.1 Коронавирусга қарши курашиш тадбирлар бўйича

Коронавирусга қарши курашиш бўйича тадбирларни молиялаштиришга жумладан:

тиббий дори воситалари ва тиббий буюмлар, ҳимоя воситалари ва тест тизимлари сотиб олиш, тиббий муассасаларини моддий техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларни карантинда сақлаш ва даволаш харажатларига

шунингдек, эпидемиологик тадбирларга жалб қилинган ходимларини моддий рағбатлантириш ва махсус тўловлари учун - **3 962,2 млрд сўм**;

карантин зоналарини қуриш ва коронавирусни даволаш билан боғлиқ соғлиқни сақлаш объектларини қуриш, жиҳозлаш ва зарур инфратузилмани яратиш билан боғлиқ харажатлар учун - **1022,4 млрд сўм** маблағ ажратилган.

7.8.2 Тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини қўллаб қувватлаш тадбирлари бўйича

умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари учун – **455,1 млрд сўм**;

мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига – **159,0 млрд сўм**;

Ўзбекистон Республикаси Президенти мактабларини қуриш ва жиҳозлаш ишлари учун – **128,0 млрд сўм**;

жисмоний тарбия ва спорт объектлари учун – **75,1 млрд сўм**;

республикадаги шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг кўча йўлларини ҳамда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишларига – **1 004,0 млрд сўм**;

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига ичимлик сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимларини қурилишига - **454,6 млрд сўм**;

ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун – **410,5 млрд сўм**;

кичик саноат зоналари инфратузилма объектлари учун - **235,9 млрд сўм**;

инкирозга қарши курашиш дастури доирасида ажратилган маблағлардан ер майдонларини фойдаланишга киритиш учун – **193,5 млрд сўм**;

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига – **81,5 млрд сўм**;

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига Тошкент шаҳри Чўпонота кўчаси, Кичик халқа йўли, Тошкент халқа йўли ва Қипчоқ кўчалари оралиғида 6 тасмали 3 та йўл ўтказгич ва автомобиль йўлини қуриш - **167,5 млрд сўм**;

Тошкент шаҳар Перинатал ҳамда Педиатрия марказларида бажарилган ишларни молиялаштириш учун - **58,0 млрд сўм**;

7.8.3 Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш кенгайтириш бўйича

Ижтимоий нафақалар олувчи оилалар сонини ўртача 10 фоизга ошириш, нафақа олиш муддати тугайдиган фуқароларни нафақа тайинловларини автоматик тарзда узайтириш учун тўловларига кўшимча 653,4 млрд сўм миқдорида маблағ ажратилган ва улар қуйидагича тақсимланган.

Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси
ҳисобидан ижтимоий нафақалар учун ажратилган маблағлар тўғрисида
маълумот

		млрд сўмда
№	Худуд номи	Сумма
1	Қорақалпоғистон Республикаси	69,6
2	Андижон вилояти	48,4
3	Бухоро вилояти	36,8
4	Жиззах вилояти	34,9
5	Қашқадарё вилояти	127,1
6	Навоий вилояти	10,4
7	Наманган вилояти	57,2
8	Самарқанд вилояти	124,1
9	Сурхондарё вилояти	64,5
10	Сирдарё вилояти	0,0
11	Тошкент вилояти	16,7
12	Фарғона вилояти	41,3
13	Хоразм вилояти	21,8
14	Тошкент шаҳри	0,5
	Ҳаммаси	653,4

Бундан ташқари қуйидаги йўналишлар бўйича мақсадли маблағлар йўналтирилган:

- кам таъминланган хотин-қизларни қўллаб қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига – 100,0 млрд сўм;

- ишсиз ва банд бўлмаган фуқароларни вақтинчалик ишларга жалб қилиш ҳамда битирувчиларни қўллаб-қувватлаш учун Жамоат ишлари жамғармасига – 300,0 млрд сўм;

- ишсиз, кам таъминланган, камбағал оилаларга шахсий томорқаларини ривожлантириш учун субсидия ва “Ишга марҳамат” мономарказларини ва касб-ҳунарга ўқитиш марказларини сақлаш, қайта таъмирлаш, асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълим усталарининг иш ҳақиларини тўлаш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига – 224,0 млрд сўм;

- Қорақалпоғистон Республикасидаги кам таъминланган оилаларни қўллаб

қувватлаш ҳамда Андижон вилоятидаги мактабларнинг ҳунар эгаллаган битирувчилари ўз бизнесини бошлаши учун имтиёзли кредит ажратилиши учун “Агробанк” АТБга – 62,0 млрд сўм маблағлар ажратилган.

7.8.4 Иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш учун

“Uzbekistan Airways” АЖГа 405,8 млрд сўм (40 млн АҚШ доллари) ҳамда “Uzbekistan Airports” АЖГа 101,4 млрд сўм (10 млн АҚШ доллари) 3 йил муддатда қайтариш шарти билан ссуда маблағлари;

Пандемия даврида Тошкент шаҳри ҳудудида жамоат транспорти (автобус ва метро) ҳаракатланиши вақтинча тўхтатилганлиги сабабли уларда ишловчи ходимларнинг иш ҳақи тўловлати узликсиз молиялаштириш мақсадида 2021 йил давомида қайтариш шарти билан “Тошкент метрополитени” УКГа 31,1 млрд сўм, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖГа 4,4 млрд сўм ҳамда “Ўзтемирйўловчи” АЖГа 1 йил муддатга 33,1 млрд сўм;

“Худудий электр тармоқлари” АЖГа 2 йил муддатга 250,0 млрд сўм, “Худудий сув таъминоти” МЧЖларга 2021 йил давомида қайтариш шарти билан 160,6 млрд сўм, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига бир йил муддатга 29,0 млрд сўм;

“Биринчи резинотехника заводи” МЧЖнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини барқарорлаштириш ҳамда биринчи даражали харажатларни амалга ошириш мақсадида 3 йил муддатга 40,0 млрд сўм;

“Навоийазот” АЖГа энергетика етказиб берувчи корхоналар олдидаги қарздорликларини қисқартириш ва мақсадли маршрутни амалга ошириш учун 1 йил муддатга 300,0 млрд сўм;

ташқи қарз бўйича кредитларни сўндириш учун “Ангрен ИЭС”га 80,2 млрд сўм (7,8 млн АҚШ доллари) ҳамда “Ўзаэрогавигация маркази” ДУКГа 28,4 млрд сўм миқдоридаги бюджет ссудалари ажратилган.

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ корхоналарига 500,0 млрд сўм, Ўзбекнефтгаз АЖГа 400,9 млрд сўм, Туризм соҳасини қўллаб - қувватлаш жамғармасига 20,0 млрд сўм миқдорида жамғарма маблағлари ҳисобидан субсидия маблағлари ажратилган.

Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига – 100,0 млрд сўм маблағ ажратилган.

7.8.5 Маҳаллий бюджетлар ва Пенсия жамғармаси йўқотишларини қоплаш учун ажратилган субсидиялар

Солиқлар бўйича берилган имтиёзлар натижасида маҳаллий бюджетларнинг йўқотишларини қоплаш учун жами 478,4 млрд сўм миқдорида маблағлар ажратилган. Шундан, ҳудудлар кесимида куйидагича.

Солиқ имтиёзлари берилиши натижасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлар даромадлари йўқотишлари учун ажратилган маблағлар тўғрисида маълумот

млрд сўм

№	Худуд номи	Сумма
1	Қорақалпоғистон Республикаси	14,1
2	Андижон вилояти	20,1
3	Бухоро вилояти	11,6
4	Жиззах вилояти	13,6
5	Қашқадарё вилояти	19,3
6	Навоий вилояти	8,7
7	Наманган вилояти	20,9
8	Самарқанд вилояти	26,1
9	Сурхондарё вилояти	9,4
10	Сирдарё вилояти	11,1
11	Тошкент вилояти	58,3
12	Фарғона вилояти	30,1
13	Хоразм вилояти	25,0
14	Тошкент шаҳри	210,0
	Жами	478,4

Берилган имтиёзлар оқибатида Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тушмай қолган даромадларнинг ўрнини қоплаш мақсадида 117,0 млрд сўм маблағлар ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4938-сон қарорининг 16-бандига асосан 2021 йил 1 январдан Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси тугатилиб, Жамғарма ҳисобидан ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилмаган 573,0 млрд сўми республика бюджетига ўтказиб берилган.

Маълумот учун: Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши бўйича Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган текширишлар натижасида 367,3 млрд сўм миқдордаги молиявий хато-камчиликлар аниқланган ҳамда қонуний баҳо бериши учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган.

7.9 Давлат бюджетининг ички ва ташқи қарзларининг ижроси

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 1 январь ҳолатига давлат қарзи 23,3 млрд АҚШ долл. (ялпи ички маҳсулотга нисбатан 40,4 фоиз) ташкил қилиб, 2020 йилда 5,5 млрд АҚШ долл.га ёки 30,9 фоизга ошган. Жумладан:

- давлат ташқи қарзи - 21,1 млрд АҚШ долл. (ЯИМга нисбатан 36,5 фоиз) ёки жами давлат қарзининг 90,4 фоизини ташкил этиб, амалдаги шартномаларга мувофиқ 34,4 млрд АҚШ долл. гача қарз жалб қилиш имконияти мавжуд;

- давлат ички қарзи - 2,2 млрд АҚШ долл. (ЯИМга нисбатан 3,9 фоиз) ёки жами давлат қарзининг 9,6 фоизини ташкил қилган.

Давлат ташқи қарзи таркибида Ҳукумат ташқи қарзи - 15,1 млрд АҚШ долл., давлат томонидан кафолатланган ташқи қарз - 6,0 млрд АҚШ долл. ташкил қилган.

2020 йилда кредит ва қарз ҳисоб рақамларидан 5 735,4 млн АҚШ долл. экв. маблағлар ўзлаштирилган ҳамда 656,5 млн АҚШ долл. экв. қайтарилган.

2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботга кўра Давлат ташқи қарзларини тўлаш ва уларга хизмат кўрсатиш мақсадида Давлат бюджетидан аниқланган режага мувофиқ 3 843,2 млрд сўм сарфланиши белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 3 582,1 млрд сўм ёки режага нисбатан 261,1 млрд сўмга (6,8%) кам маблағ сарфланган. Жумладан:

20-жадвал

Давлат ташқи қарзларини тўлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари
тўғрисида маълумот

млн сўмда

Кўрсаткичлар	Бўлим	Тасдиқланган прогноз	Аниқланган прогноз	Молиялаш, касса, ҳақиқий харажатлар
Жами Давлат ташқи қарзи	7017	4 405 155,5	3 843 199,8	3 582 088,1
<i>шу жумладан:</i>				
фоиз тўловлари	7017	1 765 255,5	1 265 399,2	1 241 108,0
- халқаро ташкилотлар кредитларининг асосий қарзини қайтарилиши	7017	1 422 613,7	1 280 514,3	1 077 506,3
- хорижий давлатлардан олинган қарзларнинг асосий қарзини қайтарилиши	7017	201 814,5	201 814,5	192 531,5

Кўрсаткичлар	Бўлим	Тасдиқланган прогноз	Аниқланган прогноз	Молиялаш, касса, ҳақиқий харажатлар
- молиявий ташкилотлар кредитларининг асосий қарзини қайтарилиши	7017	1 015 471,8	1 095 471,8	1 070 942,2

Давлат ички қарзининг 1 281,0 млн АҚШ долл. қисми (57 фоизи) тижорат банклари билан тузилган 52 та кредит келишувларга, 579,3 млн АҚШ долл. Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 24 та келишувларига берилган давлат кафолатларига ҳамда 377,4 млн АҚШ долл. қисми Давлат ғазначилик облигацияларининг 41 та чиқарилувидан тушган маблағлар ҳиссасига тўғри келган.

2021 йил 1 январь ҳолатига Молия Вазирлигининг Давлат ташқи ва ички қарзи Департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси номидан жалб қилинган кредит ва қарзлар бўйича 25 та кредиторлар билан умумий қарз қолдиғи 13 300,6 млн АҚШ долл.ни ташкил қилувчи (умумий қиймати 26 654,4 млн АҚШ долл. экв.) 294 та келишувлар, Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остида жалб этилган кредит ва қарзлар бўйича 86 та келишувлар имзоланган.

Шундан, қарз қолдиғи 1 070,6 млн АҚШ долл.ни ташкил қилувчи 67 та (шартномаларнинг умумий қиймати 2 283,1 млн АҚШ долл. экв.) қарз келишувларининг асл нусхалари Молия вазирлигида мавжуд эмаслиги аниқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонунининг 31-моддасига амал қилинмаган ҳолда қиймати 24 371,3 млн АҚШ долл. экв. (қарз қолдиғи 12 230,0 млн АҚШ долл.) 227 та қарз келишувларининг асл нусхалари Ташқи ишлар вазирлигига сақлаш учун топширилмасдан, Молия вазирлигида сақланиб келинмоқда.

Умумий қиймати 4 617,8 млн АҚШ долл. экв. 95 та қарз келишувлари доирасида имзоланган қайта кредитлаш шартномалари бўйича солиштирма далолатномалар тузилмаган.

2021 йилнинг 1 январь ҳолатига қарздорлик қолдиғи мавжуд бўлган **ташқи кредитларнинг** маълумотлари тегишли электрон дастурда шакллантирилган, бироқ давлат **ички қарзи** тўғрисидаги маълумотларни электрон дастурга киритиш ишлари якунланмаган.

Дастурда ташқи қарз келишувлари бўйича тўлаб берилиши лозим бўлган тўловлар миқдорини тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда **инсон омилисиз ҳисобланиши йўлга қўйилмаган.**

2021 йил 1 январь ҳолатига умумий қиймати 574,1 млн АҚШ долл. экв.

6 та қарз шартномалари (5 таси Энергетика вазирлиги тизимидаги корхоналар ва 1 таси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириши вазирлиги лойиҳалари учун 2016-2020 йилларда имзоланган Ҳукумат қарорлари асосида жалб қилинган) бўйича маблағлар умуман ўзлаштирилмаган бўлиб, лойиҳаларнинг молиялаштирилиши кечикиши туфайли ташқи қарз шартномалари бўйича 2,8 млн АҚШ долл. миқдорида мажбурият учун комиссия тўловлари ҳисобланган.

Шундан, 2,71 млн АҚШ долл. қарздор корхоналар томонидан, 0,06 млн АҚШ долл. давлат бюджети маблағлари ҳисобидан хорижий кредиторларга тўлаб берилган.

2021 йил 1 январь ҳолатига Молия вазирлиги олдида 7 та кредит ва қарзлар бўйича 11 573,6 млн сўмлик ҳамда 13 998,4 минг АҚШ долл. миқдорида муддати ўтган қарздорлик мавжуд.

21-жадвал

Ташқи қарз келишувлари бўйича 2021 йил 1 январь ҳолатига Молия вазирлиги олдида муддати ўтган қарздорликлар тўғрисида маълумот

№	Қарздор корхона номи	01.01.2021 й. ҳолатига қарздорлик
1	“Ўзкоммунхизмат” агентлиги ОТБ кредити (Қашқадарё ва Навоий вилоятлари “Сувоқава” сув таъминоти ташкилотлари)	2 827,1 млн сўм
2	“Бухоро сув таъминоти” МЧЖ	4 570,7 млн сўм
3	“Сурхондарё сув таъминоти” МЧЖ	1 516,2 млн сўм
4	“Андижон сув таъминоти” МЧЖ	1 252,9 млн сўм
5	“Рўзмат Гаипов” МЧЖ Кафолат жамғармаси маблағлари	282,4 млн сўм
6	“Ҳонобод Бройлер” МЧЖ Кафолат жамғармаси маблағлари	1 124,3 млн сўм
7	“Марказий Осие Уруғчилик Компанияси” ШК ва уруғчилик хўжаликлари Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки кредити (Ўзбекистон Республикасида пахтачиликни такомиллаштириши)	13 998,4 минг АҚШ долл.

Мазкур қарздорликлар жадвалда кўрсатилган лойиҳалар бўйича бирламчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги, қарздор ташкилотлар билан солиштирма далолатномалар расмийлаштирилмаганлиги ҳамда мавжуд қарздорликни ундириш бўйича етарли чоралар кўрилмаганлиги сабабли вужудга келган.

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг хорижий молиявий институтлари олдидаги мажбуриятлари бўйича жами 6 088,3 млн АҚШ долл.

қийматидаги 86 та Давлат кафолатлари (ташқи кафолат) берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 сентябрдаги 573-сонли қарори талабларига риоя этилмасдан, 86 та давлат кафолати бўйича ижроси ўрганилганда, 2006-2014 йилларда имзоланган 370,2 млн АҚШ долл. 16 та қарз битимларига берилган кафолатларга тақдирлаш пулини ундириш бўйича субқарз олувчилар билан шартномалар **имзоланмаган**.

Натижада жами **4,7** млн АҚШ долл. ёки **18 769,7** млн сўм (ундириш лозим бўлган даврдаги курслар бўйича) маблағлар **ундирилмаган**.

Берилган кафолатларга 11,8 млн АҚШ долл. тақдирлаш пули ҳисобланиб, 6,8 млн АҚШ долл. ундирилган (шу жумладан 2020 йилда 1,1 млн АҚШ долл. экв.), натижада 2021 йил 1 январь ҳолатига **5,0** млн АҚШ долл. қийматидаги 27 та шартномалар бўйича муддати ўтган қарздорлик вужудга келган.

7.10 Давлат бюджети харажатларининг самарадорлиги ва қонунийлиги ҳамда асослилигини баҳолаш бўйича

7.10.1 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 15 декабрда 2634 - сон билан рўйхатдан ўтказилган “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом талабларига риоя этилиши танланма усулда ўрганилганда қуйидагилар маълум бўлди:

- Бюджет тақсимловчилари ва республика бюджетидан тўғридан-тўғри маблағ олувчи ташкилотларнинг 2020 йилда ижрога қабул қилинган **447 та** харажатлар сметалари юқоридаги Низомнинг 7.1 бандига амал қилинмаган ҳолда кўриб чиқиш ва рўйхатдан ўтказиш учун “UzASBO” дастурий мажмуаси орқали электрон шаклда Молия вазирлигига юборилмаган;

- Низомнинг 38, 66 ва 68-бандларига зид равишда **124 та** харажатлар сметалари Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган.

7.10.2 Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни билан республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари тасдиқланган.

2020 йил учун республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг режалаштирилиши таҳлил қилинганда, Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунининг **5-иловаси талабларига номувофик равишда** жами **1 611,1** млрд сўм маблағ биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларининг харажатлар сметаларини тузиш жараёнида мақбуллаштирилиб, молия вазирлиги учун очилган шахсий ғазна ҳисоб

варақларида режалаштирилган ҳамда 2020 йил давомида қайта тақсимланган.

7.10.3 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 июндаги 264-сонли қарори бўйича, Республика ихтисослаштирилган Марказларига имтиёзли тоифадаги беморларга бепул тиббий хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар Давлат бюджети томонидан қопланиши белгиланган.

2020 йилда Марказларнинг **харажатларидан** ташқари устама сифатида белгиланган соф фойда, ушбу соф фойдага асоссиз ҳисобланган фойда солиғи ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўтказилган ажратмалар ҳам қоплаб берилиб, Давлат бюджетининг **39,2 млрд сўм** маблағи ортиқча сарфланган.

Марказлар томонидан шаклланган тарифларга соф фойда миқдори чекланмаганлиги сабабли, Марказларнинг соф фойдаси турлича шаклланиб, ўртача битта беморнинг даволаниш миқдорлари ошиб кетишига сабаб бўлган.

Мисол учун, кардиология марказида кўрсатиладиган хизматлар учун шаклланган харажатлари (барча бевосита ва билвосита)га 50 фоиз соф фойда устамаси қўлланилиб, 4,1 млрд сўм фойда олинган бўлса, эндокринология марказида 4 фоиз ёки 0,3 млрд сўм фойда олинган.

7.10.4 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш бўйича 2020 йил 16 апрелдаги 232-сонли ҳамда 21 сентябрдаги 575-сонли қарорлари билан тўловлар тўхтатилган бўлсада, академик лицей муассасаларининг 2020 йилнинг октябрь-декабрь ойлари давомида пандемия сабабли иқтисод қилинган **4 250,9 млн сўмлик** озиқ-овқат харажатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасига ўтказилмасдан бюджет ташкилотларининг жорий таъмирлаш ва бошқа харажатларига учун ўтказиб берилган.

7.10.5 Даромадлар режасининг ошириб бажарилиши натижасида шаклланган маблағларга нисбатан, 2020 йилда **манбаси мавжуд бўлмаган ҳолда** Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан 224,3 млрд сўм, 3 та вилоят бюджетидан 6,1 млрд сўм, 109 та туман ва шаҳарларда 89,6 млрд сўм, жами **320,0 млрд сўм** миқдоридаги ортиқча харажатлар амалга оширилган.

Шу билан бирга сўнгги йилларда маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағ ажратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарор ва баённомалари қабул қилинган.

Ушбу топшириқлар асосида маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилиши лозим бўлган харажатлар миқдори жами шаклланган қўшимча манбаларга нисбатан 120 фоизни ташкил этган.

Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 августдаги 659-сонли қарорига асосан Ҳарбий-маъмурий секторларни

ривожлантириш жамғармасига – 10 фоиз;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон қарорига асосан янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармалари – 40 фоиз;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сон қарорига асосан жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришга - 30 фоиз;

- Ҳудудлардаги “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га жами – 40 фоиз.

7.10.6 Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинмаган бўлсада, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига Вазирлар Маҳкамасининг заҳираси жамғармаси ҳисобидан **4,0 млрд сўм маблағ ажратилиб** вазирликнинг ривожлантириш жамғармасига **нотўғри ўтказиб берилган.**

7.10.7 Бюджет кодексининг 150-моддаси билан бюджет ташкилотининг ёки бюджет маблағлари олувчининг сўровига кўра молия йилида унинг учун назарда тутилган харажатларнинг айрим моддалар бўйича бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг ҳажмлари харажатларнинг бошқа моддалари бўйича бюджетдан ажратиладиган маблағлар тенг миқдорда камайтирилган ҳамда бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг тасдиқланган умумий ҳажми сақлаб қолинган ҳолда кўпайтирилиши мумкин.

Ушбу моддага кўра бюджет ташкилотининг ва бюджет маблағлари олувчининг сўровига кўра камайтириш томонга ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайдиган харажатлар моддалари **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланиши назарда тутилган.**

Молия вазирлиги томонидан бюджет ташкилотининг ва бюджет маблағлари олувчининг сўровига кўра камайтириш томонга ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайдиган харажатлар моддаларини тасдиқловчи **тартиб ишлаб чиқилмаган.**

7.10.8 Академик лицей, ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасаларининг Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари (1-ва 2-гурӯҳ харажатлари) учун режалаштирилган маблағлар ҳисобидан **12 032,3 млн сўм маблағлар асосиз равишда бошқа харажатларга (шундан, жорий таъмирлаш харажатларига 10 100,7 млн сўм ва асосий восита сотиб олиш харажатларига 1 111,0 млн сўм) қайта тақсимланган.**

Ушбу ҳолатда бюджет ташкилотининг ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари бўйича иқтисод қилинган ҳамда бошқа харажатлар моддаларига ўтказиш бўйича юборилган асословчи сўровлари мавжуд эмас.

7.10.9 Хоразм вилояти Молия бошқармаси томонидан **фаолияти тугатилган** Гурлан қурилиш ва транспорт касб-хунар коллежининг Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимида очилган шахсий ғазна ҳисоб варақасига **13 048,3** млн сўм миқдоридаги маблағлар шакллантирилган ва кейинчалик қайта тақсимланган.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ – 5812-сонли Фармони билан Гурлан қурилиш ва транспорт касб-хунар коллежи умумий ўрта таълим муассасасига айлантирилган.

7.10.10 Соғлиқни сақлаш соҳасида аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ бўлган марказлашган тартибда амалга ошириладиган харажатларни ҳисоблаб чиқариш иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурлари кўрсаткичларига ва тежамкорликнинг қатъий режимини ҳисобга олган ҳолда маблағларга бўлган эҳтиёжга мувофиқ амалга оширилмаслиги натижасида **23 723,0** млн сўм маблағ ортиқча режалаштирилган ҳамда йил охирида **40 000,0** млн сўм маблағ ишлатилмасдан қолиб кетган.

Бунинг оқибатида, Давлат бюджетидан етарлича маблағ ажратилганлигига қарамасдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган бир қатор қарорларида белгиланган вазифалар бажарилмасдан қолган. Жумладан:

- ОИВ-инфекцияси юқиш хавфи юқори бўлган гуруҳлар орасида профилактика тадбирларини ўтказиш учун “Ишонч кабинетлари”нинг узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш билан боғлиқ ишлар якунига етказилмаган;

- Республика қон қуйиш марказини капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмасдан қолган;

- Оролбўйи минтақасидаги Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича **50 700 нафар** аёллар уларнинг соғлиғини ва ҳомиланинг нормал ривожланишини кўллаб - қувватлашга зарур бўлган йод ва темир моддали витамин-минерал комплекслари билан таъминланмасдан қолиб кетган.

7.10.11 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3654-сон қарорининг 11-бандида 2018 йил 1 майдан бошлаб консуллик ҳаракатларини амалга оширганлик учун консуллик йиғимларидан тушган маблағларнинг 70 фоизи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, 30 фоизи Ўзбекистон Республикасининг дипломатик хизмат органларини ривожлантириш жамғармасига тушиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари томонидан жами 9 203,8 минг АҚШ доллари эквивалентида консуллик йиғимлари ундирилиб, шундан Давлат бюджетига ўтказилган қисми 6 442,7 минг АҚШ долларини (70 фоизи) ташкил этиб, ушбу маблағлар дипломатик ваколатхоналарини сақлаш учун сарфланган.

Лекин, юқоридаги маблағлар ҳисобидан амалга оширилган **61 254,5 млн сўм** миқдоридаги харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботда **акс эттирилмаган**.

7.10.12 Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 580-ф-сонли фармойишига асосан Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 31 510 млн сўм, **истисно тариқасида, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши** (кейинги ўринларда - Кенгаш) **ҳисобварағига ўтказиб берилган**.

Мазкур фармойишнинг 3-бандида Кенгаш томонидан аҳоли томорқаларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар тасдиқланган ҳужжатларга асосан томорқа ер эгаларига тўлаб берилишини белгиланган.

Ўрганиш кунига қадар ушбу маблағларнинг 24 642,8 млн сўми (88 фоизи) ўзлаштирилмаган.

Молия вазирлиги томонидан жойларда ўтказилган мониторинг натижасида, юқорида бурғулаш ишлари яқунланди деб маълум қилинган 1 215 та қудуқлардан амалда 129 таси (11%) қазилгани, 82 тасида қазилган ишлари яқунланмагани, 510 тасида (42%) қазилган ишлари умуман бошланмаганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, **792 та ҳолатда қазилган қудуқлар субсидия олувчилар тоифасига кирмаслиги**, рўйхатдаги **70 та ҳолатда аҳоли томорқаларини суғориш учун қўшимча сувга эҳтиёж йўқлиги** сабабли қўшимча қудуқлар қазилган зарурияти йўқлиги аниқланган.

Шу билан бирга, **65 та ҳолатда сувнинг шўрлик даражаси юқорилиги** сабабли, гидрогеологик хулосаларга асосан қудуқ **қазилган мақсадга мувофиқ эмас деб топилган**.

7.10.13 Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 августдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган “Сув ресурсларини тўплаш, экин майдонларини суғориш учун насос станцияларини электр билан таъминлаш ва истеъмол қилинадиган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш Тартиби”нинг 1-бандида, Сув хўжалиги вазирлиги белгиланган муддатларда “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компаниясига кейинги 3 йилда ҳақиқатда истеъмол қилинган электр энергиясининг ўртача йиллик миқдоридан келиб чиққан ҳолда буюртнома асосида электр энергия сарфи режалаштирилиши белгиланган.

Мазкур талабга зид равишда сув хўжалиги тизимидаги ташкилотларда охириги уч йилда истеъмол қилинган электр энергия сарфидан ортиқча электр энергия режалаштирилиб, **8 012,3 млн сўмлик ортиқча электр энергия сарфланган**.

Юқоридаги Тартибнинг 5-бандида жорий ой учун фойдаланилмаган электр энергияси лимити кейинги ойга ўтказилмаслигини белгиланган.

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан 2020 йил давомида фойдаланилмаган электр энергияси лимити кейинги ойларга ўтказилиб, республика бўйича тизим ташкилотлари лимитлари 4 та ташкилотларга қайта тақсимланган ва натижада **18 107,2 млн сўмлик электр энергияси учун ортиқча харажатлар амалга оширилган.**

7.10.14 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сонли Фармонининг 2-бандида 2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури лойиҳасини бажариш Дастурини амалга оширишнинг кейинги йилига режалаштирилган тақдирда, **лойиҳа ҳужжатлари мавжуд бўлмаган инвестиция лойиҳаларини Дастур лойиҳасига киритиш тақиқланиши белгиланган.**

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлис баённомаларига асосан 2020 йил ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини молиявий таъминлаш дастури доирасида ажратилган маблағлардан **22 та лойиҳа бўйича 81,4 млрд сўм маблағ молиялаштирилмаган ва натижада лойиҳалар амалга оширилмаган.**

Юқоридаги ПФ-5717-сонли Фармон талабларига амал қилинмаган ҳолда муҳандислик тармоқларини қуриш йўналишларида **28,9 млрд сўмлик 5 та лойиҳа бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлмасда объектлар йиғилиш баённомаларига киритилган.**

7.10.15 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4040-сонли қарорига мувофиқ 2019 йилги Инвестиция дастурига киритилган Андижон вилоятидаги “Андижон-Ҳонобод” магистрал сув қузури иккинчи тармоғини қуриш лойиҳаси учун 2020 йилда ажратилган 10,0 млрд сўм лимит маблағ пандемия сабабли тўлиқ мақбуллаштирилган бўлиб, ушбу объектнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқилиши учун **1,8 млрд сўм сарфланган бўлсада, 2021-2022 йиллар режаларига киритилмаган.**

Мазкур ҳолатда, дастурларга киритилаётган лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда ҳар томонлама ўрганилмасдан шакллантирилиши, маблағларни самарасиз сарфига сабаб бўлмоқда.

7.10.16 Молия вазирлиги томонидан уй-жой давлат мақсадли дастурларини молиялаштириш учун 2020 йилда 6 та тижорат банкларига 1 872,3 млрд сўмлик кредит маблағлари берилган.

Ажратилган кредит маблағларидан **2021 йил 30 апрель ҳолатига 5 та тижорат банклари томонидан 82 млрд сўмлик кредит ресурслари ўзлаштирилмаган.**

Мисол учун, “Қишлоққурилишбанк” АТБга 2019 йилги давлат уй-жой мақсадли дастурлари доирасидаги ипотека кредитлари учун 73,8 млрд сўм маблағлар ажратилган бўлиб, **2021 йил 30 апрель ҳолатига 53,3 млрд сўмлик (72%) маблағлар ўзлаштирилмаган.**

Таҳлилларга кўра **185 та уй-жойлар бўйича банкда аниқ маълумотлар**

мавжуд бўлмасада, Молия вазирлигига **53,3** млрд сўмлик буюртмалар асосиз берилган.

7.10.17 2020 йилда шаҳар ва қишлоқ жойларда жами 2 395 та фуқароларга ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадал учун тўлаб берилган 60,8 млрд сўмдан **2021 йил 1 январь** ҳолатига **1 391** нафар фуқароларга тўланган **34,9** млрд сўмлик субсидия тўловлари бўйича ипотека кредити шартномалари тузилмаган ҳамда ўрнатилган тартибда тегишли ҳисобварағига қайтарилмаган.

7.10.18 Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 11 октябрда 2146-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 20 августдаги 65-сонли буйруғи билан тасдиқланган **Бюджет таснифини қўллаш бўйича Йўриқнома қабул қилинган.**

Юқоридаги Йўриқномага тегишли тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмасдан, бюджет харажатларининг вазифа жиҳатидан белгиланган таснифига қўшимча 87 та бўлим ва кичик бўлимлар киритилиб, бюджет харажатлари амалга оширилган.

7.10.19 Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 15 декабрда 2634-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2014 йил 14 ноябрдаги 74-сон буйруғи билан тасдиқланган Йўриқноманинг 12, 61, 62- бандлари бажарилмаган ҳолда, “УзАСБО” дастурий мажмуасига ҳудудий халқ таълими ва молия бўлимлари томонидан синф сонлари оширилиб **11,9** млрд сўм маблағ ортиқча киритилган.

VIII. Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси

8.1 Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси ижроси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисоботда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси жами даромадлари 14 696,3 млн сўмни ёки аниқлаштирилган режага нисбатан 82,0 фоизни, касса харажатлари эса 14 737,7 млн сўмни ёки аниқлаштирилган режага нисбатан 86,0 фоизни ташкил этганлиги кўрсатилган.

Кўрсаткичлар	млн сўм		
	Аниқлаштирилган режа	Касса ижроси	%
Йил бошидаги қолдиқ	600,0	1 376,6	
Даромадлар	17 974,9	14 696,3	82,0
Республика бюджетидан молиялаштириш	17 074,9	14 364,2	84,0
Республика олий таълим муассасаларидан ўтказилган ва	0,0	89,2	

Кўрсаткичлар	Аниқлаш-тирилган режа	Касса ижроси	%
мажбуриятини бажармаган стипендиатлардан суд қарори билан ундирилган маблағлар			
Депозитдан тушган маблағлар	900,0	112,9	13,0
Бошқа тушумлар (бюджетдан ташқари маблағлар)	0,0	130,0	
ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	17 074,9	14 737,7	86,0
Сақлаш харажатлари	2 088,4	1 999,4	96,0
Жамғарманинг стипендия дастурлари ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича харажатлари	14 986,5	12 306,1	82,0
Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан	0,0	432,2	100,0
Йил якуни бўйича маблағлар қолдиғи	1500,0	1335,3	

Аудит жараёнида Жамғарма ҳисоботида мажбуриятини бажармаган стипендиатлардан суд қарори билан ундирилган маблағлар (+35,0 млн сўм) ва бошқа тушумлар (-44,1 млн сўм) ва йил охирига қолдиқ (-9,1 млн сўм) нотўғри акс этирилганлиги аниқланди.

Кўрсаткичлар	млн сўм		
	Жамғарма ҳисоботи бўйича ижро	Аудит натижаси бўйича ижро	Фарқи
Йил бошидаги қолдиқ	1376,6	1376,6	
Даромадлар	14 696,3	14 687,2	-9,1
Республика бюджетидан молиялаштириш	14 364,2	14 364,2	0
Республика олий таълим муассасаларидан ўтказилган ва мажбуриятини бажармаган стипендиатлардан суд қарори билан ундирилган маблағлар	89,2	124,2	35,0
Депозитдан тушган маблағлар	112,9	112,9	0
Бошқа тушумлар (бюджетдан ташқари маблағлар)	130,0	85,9	-44,1
ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	14 737,7	14 737,7	0
Сақлаш харажатлари	1 999,4	1 999,4	0
Жамғарманинг стипендия дастурлари ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича харажатлари	12 306,1	12 306,1	0
Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан	432,0	432,0	0
Йил якуни бўйича маблағлар қолдиғи	1 335,3	1 326,2	-9,1

Юқоридаги хато ва камчиликларни аудит жараёнида бартараф этилиши таъминланиб, Жамғарманинг 2020 йил ҳисоботи қайта шакллантирилди ва Жамғарма томонидан аниқлаштирилган ҳисоботи Молия вазирлигига тақдим

қилинди (2021 йил 11 майдаги 02/12-513 сонли хат).

Натижада Жамғарманинг 2020 йилги даромадлари 14 687,2 млн сўмни ёки аниқлаштирилган режага нисбатан 82,0 фоизни, касса харажатлари эса 14 737,2 млн сўмни ёки аниқлаштирилган режага нисбатан 86,0 фоизни ташкил этиши маълум бўлди.

млн сўм

Кўрсаткичлар	Аниқлаш-тирилган режа	Аудит натижаси бўйича ижро	%
Йил бошидаги қолдиқ	600,0	1 376,6	
Даромадлар	17 974,9	14 687,2	82,0
Республика бюджетидан молиялаштириш	17 074,9	14 364,2	84,0
Республика олий таълим муассасаларидан ўтказилган ва мажбуриятини бажармаган стипендиатлардан суд қарори билан ундирилган маблағлар	0,0	124,2	
Депозитдан тушган маблағлар	900,0	112,9	13,0
Бошқа тушумлар (бюджетдан ташқари маблағлар)	0,0	85,9	
Харажатлар - жами	17 074,9	14 737,7	86,0
Саклаш харажатлари	2088,4	1 999,4	96,0
Жамғарманинг стипендия дастурлари ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича харажатлари	14 986,5	12 306,1	82,0
Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан		432,2	
Йил якуни бўйича маблағлар қолдиғи	1 500,0	1 326,2	88,0

8.2 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма ижроси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисоботда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармаси жами даромадлари 491 812,3 млн сўмни ёки режага нисбатан 227,9 фоизни, касса харажатлари эса 451 218,8 млн сўмни ёки режага нисбатан 209,1 фоизни ташкил этганлиги кўрсатилган.

млн сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот бўйича		Фоизи
		Прогноз	Ижро	
1	Ҳисобот даври бошига қолдиқ	Х	86 314,5	
2	Жами даромадлар	215 801,6	491 812,3	227,9%

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот бўйича		Фоиизи
		Прогноз	Ижро	
2.1	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлар	134 801,6	154 100,0	114,3%
2.2	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган ҳудудий жамғармалар даромадлари	81 000,0	337 712,3	416,9%
3	Жами харажатлар	215 801,6	451 218,8	209,1%
3.1	<i>Компенсация тўловларини амалга ошириш мақсадида (Янгийул шаҳри) Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича ҳудудий жамғармага маблағ ажратиш</i>	0,0	10 000,0	
3.2	Компенсация тўловларидан вужудга келган қарздорликларни (Шаҳрисабз шаҳри) қоплаш мақсадида Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича ҳудудий жамғармага маблағ ажратиш	20 000,0	20 000,0	100,0%
3.3	Компенсация тўловларини амалга ошириш мақсадида (ШХТ-2022 саммити доирасида) Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича ҳудудий жамғармага маблағ ажратиш	50 000,0	50 000,0	100,0%
3.4	Компенсация тўловларини амалга ошириш мақсадида (Тошкент т.-38, Янгийул ш., Зангиота т., Бўстонлик т.-46,1) Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича ҳудудий жамғармага маблағ ажратиш	64 801,6	84 100,0	129,8%
3.5	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган ҳудудий жамғармалар орқали амалга оширилган харажат (республика жамғармасидан амалга оширилган харажатларни чегирган ҳолда)	81 000,0	287 118,8	354,5%
4	Ҳисобот даври охирига қолдиқ	X	126 908,0	

Аудит яқунларига кўра жамғарманинг даромад ва харажатлари миқдори ҳисоботдагига нисбатан фарқ аниқланмади.

Бироқ, жамғарма ҳисоботида ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган ҳудудий жамғармалар даромадлари

(-3 727,0 млн сўм), Республика бюджетидан маҳаллий бюджетлар орқали ҳудудий жамғармаларга берилган маблағлар бўйича даромадлар (+3 727,0 млн сўмга), ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган ҳудудий жамғармалар орқали амалга оширилган харажат (-3 727,0 млн сўмга) ҳамда тўланган фоиз харажатлари (+3 727,0 млн сўмга) нотўғри акс эттирилганлиги аниқланди.

млн сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Жамғарма ҳисоботи бўйича ижро	Аудит натижаси бўйича ижро	Фарқи
1	Ҳисобот даври бошига қолдиқ	86 314,5	86 314,5	0
2	Жами даромадлар	491 812,3	491 812,3	0
2.1	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлар	154 100,0	154 100,0	0,0
2.2	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган ҳудудий жамғармалар даромадлари	337 712,3	333 985,3	-3 727,0
2.3	Республика бюджетидан маҳаллий бюджетлар орқали ҳудудий жамғармаларга берилган маблағлар (кредит фоиз харажатларини қоплаш мақсадида)	0,0	3 727,0	3 727,0
2.3	Давлат бюджетидан ажратиладиган ҳар йиллик субсидия	0,0	0,0	0,0
3	Жами харажатлар	451 218,8	451 218,8	0,0
3.1	Компенсация тўловларини амалга ошириш мақсадида (Янгиер шаҳри) Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича ҳудудий жамғармага маблағ ажратиш	10 000,0	10 000,0	0,0
3.2	Компенсация тўловларидан вужудга келган қарздорликларни (Шаҳрисабз шаҳри) қоплаш мақсадида Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича ҳудудий жамғармага маблағ ажратиш	20 000,0	20 000,0	0,0
3.3	Компенсация тўловларини амалга ошириш мақсадида (ШХТ-2022 саммити доирасида) Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича ҳудудий жамғармага маблағ ажратиш	50 000,0	50 000,0	0,0
3.4	Компенсация тўловларини амалга ошириш мақсадида (Тошкент т.-38, Янгийўл ш., Зангиота т., Бўстонлик т.-46,1) Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича ҳудудий жамғармага маблағ ажратиш	84 100,0	84 100,0	0,0
3.5	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган ҳудудий	287 118,8	283 391,8	-3 727,0

Т/р	Кўрсаткичлар	Жамғарма ҳисоботи бўйича ижро	Аудит натижаси бўйича ижро	Фарқи
	жамғармалар орқали амалга оширилган харажат (республика жамғармасидан амалга оширилган харажатларни чегирган ҳолда)			
3.6	2019 йилда тўланган фоиз харажатлари	0,0	3 727,0	3 727,0
4	Ҳисобот даври охирига қолдиқ	126 908,0	126 908,0	0,0

Натижада Жамғарманинг 2020 йилги даромадлари (ресурс) 491 812,3 млн сўмни ёки аниқлаштирилган режага нисбатан 227,9 фоизни, касса харажатлари эса 451 218,8 млн сўмни ёки аниқлаштирилган режага нисбатан 209,1 фоизни ташкил этиши маълум бўлди.

млн.сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Прогноз	Аудит натижаси бўйича ижро	Фоизи
1	Ҳисобот даври бошига қолдиқ	X	86 314,5	
2	Жами даромадлар	215 801,6	491 812,3	227,9%
2.1	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлар	134 801,6	154 100,0	114,3%
2.2	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган ҳудудий жамғармалар даромадлари	81 000,0	333 985,3	412,3%
2.3	Республика бюджетидан маҳаллий бюджетлар орқали ҳудудий жамғармаларга берилган маблағлар	0,0	3 727,0	
3	Жами харажатлар	215 801,6	451 218,8	209,1%
3.1	Компенсация тўловларини амалга ошириш мақсадида (Янгиер шаҳри) Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича ҳудудий жамғармага маблағ ажратиш	0,0	10 000,0	
3.2	Компенсация тўловларидан вужудга келган қарздорликларни (Шаҳрисабз шаҳри) қоплаш мақсадида Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича ҳудудий жамғармага маблағ ажратиш	20 000,0	20 000,0	100,0%
3.3	Компенсация тўловларини амалга ошириш мақсадида (ШХТ-2022 саммити доирасида) Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича ҳудудий жамғармага маблағ ажратиш	50 000,0	50 000,0	100,0%
Жамғарма томонидан тижорат банкларига берилган кредит қарздорликлари суммаси (26 060,4 млн сўм) ҳам Жамғарманинг пул маблағлари қолдиғи сифатида олинган бўлиб, бу эса ҳисоботда қолдиқ маблағлари ошириб кўрсатилишига сабаб бўлган.

Жамғарма ҳисоботида кўрсатилган даромад кўрсаткичлари (452 049,6 млн сўм) Молия вазирлиги Ғазначилигидаги ШХВга ва тижорат банкидаги ҳисобварағига келиб тушган маблағлар (463 240,7 млн сўм) билан солиштирилганда жами **11 191,2 млн сўмга** фарқ аниқланди.

Хусусан, ҳисоботда Жамғарма томонидан тижорат банкларига ажратилган кредитларнинг **9 261,9 млн сўм** қайтган қисми тушумлар сифатида кўрсатилмаган.

Жамғарманинг бўш пул маблағларини депозитларга жойлаштиришдан олинган фоизли даромадлари 3 629,4 млн сўмга ва кафилликлар бўйича комиссия тўловлардан тушган даромадлар 123,6 млн сўмга кам кўрсатилган.

Жамғарма ҳисоботида кўрсатилган харажат кўрсаткичлари Молия вазирлиги Ғазначилигида ва тижорат банкида очилган ҳисобварағи орқали амалга оширилган харажатлар билан солиштирилганда, жамғарма харажати суммасида **446,8 млн сўм** фарқ аниқланди.

Хусусан, ҳисоботда тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини бир қисмини қоплаш учун берилган компенсациялар **1 361,1 млн сўмга**, сақлаш харажатлари **935,8 млн сўмга** кўп ва бошқа харажатлар **1 850,1 млн сўмга** кам кўрсатилган.

Жамғарма ҳисоботида, Молия вазирлигининг 2010 йил 11 октябрдаги “Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 65-сонли буйруғи билан тасдиқланган йўриқноманинг (рўйхат рақами:2146-сон, 11.10.2010й.) 185-190 бандлари ва Молия вазирлигининг 2014 йил 16 октябрдаги “Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот шаклини тасдиқлаш ва муддатларини белгилаш тўғрисида”ги 67-сонли буйруғи (рўйхат рақами:2624, 10.11.2014й.)га амал қилмаган ҳолда, ҳисобот даври бошидаги ва охиридаги қолдиқлар миқдорига ҳисобварақлардаги пул маблағларидан ташқари узок ва қисқа муддатли кредитлар қолдиғи киритилган.

млн сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Жамғарма ҳисоботи бўйича ижро	Аудит натижаси бўйича ижро	Фарқи
1	Ҳисобот даври бошига қолдиқ	1 034 281,4	1 007 965,2	-26 316,2
	<u>шунингдек:</u>	<i>159,7</i>	<i>609,7</i>	<i>449,9</i>
-	<i>Муддатли депозитлар қолдиғи</i>	1 008 061,2	1 007 355,6	-705,7
-	<i>Молия ташкилотларига берилган кредитлар (ресурслар) қолдиғи</i>	26 060,4	26 060,4	0,0
2	Жами даромадлар	452 049,6	463 240,7	11 191,2
1	ЎзР Президентининг 2017 йил 17 августдаги ПҚ-3225-сон қарори 1-илоvasида кўрсатилган ташкилотлар бадаллари ҳисобидан шакллантириладиган Жамғарманинг бошланғич бадали	0,0	0,0	0,0
2	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар	150 000,0	150 000,0	0,0
3	Марказий банкнинг ҳар йилги соф фойдасининг Давлат бюджетига йўналтириладиган қисми	0,0	0,0	0,0
4	Молия вазирлиги ҳузуридаги Инкирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари	100 000,0	100 000,0	0,0
5	Жамғармага юкланган вазифаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган кредитлар (қарзлар) ва грантлар	0,0	0,0	0,0
6	Тижорат банкларига ажратилган кредит маблағларининг сўндирилиши	0,0	9 261,9	9 261,9
7	Асосий фаолиятдан, жумладан, депозитларни жойлаштириш, кредит ресурслари беришдан фоизлар ва кафилликлар бўйича комиссиян тўловлардан тушадиган даромадлар, <i>шундан:</i>	103 450,0	107 202,9	3 753,0
7.1	Бўш пул маблағларини депозитларга жойлаштиришдан тушумлар	66 224,0	69 853,4	3 629,4
7.2	Кафилликлар бўйича комиссиян тўловлардан тушадиган даромадлар	37 225,9	37 349,5	123,6
8	Бошқа тушумлар (қайта баҳолашдан олинган даромад, асосий воситаларни сотишдан тушум, аввалги йилларда тўланган суд харажатлари қайтиши ва б.)	98 599,6	96 775,9	-1 823,7
3	Жами харажатлар	523 391,8	522 945,0	-446,8
1	Тижорат банкларига қарз олувчиларнинг кредитлари бўйича тақдим этилган кафолат ва суғурта копламаси билан боғлиқ тўловларни тўлаш	69,3	69,3	0,0
2	Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини бир қисмини коплаш учун компенсациялар бериш	498 515,0	497 153,9	-1 361,1
4	Сақлаш харажатлари	8 012,9	7 077,1	-935,8
5	Бошқа харажатлар (қайта баҳолашдан кўрилган зарар ва солиқ харажатлари)	16 794,6	18 644,7	1 850,1
4	Ҳисобот даври охирига қолдиқ	962 939,1	948 261,0	-14 678,1
	<u>шунингдек:</u>	<i>241 824,0</i>	<i>243 855,5</i>	<i>2 031,5</i>
-	<i>Муддатли депозитлар қолдиғи</i>	704 316,6	704 405,5	88,9
-	<i>Молия ташкилотларига берилган кредитлар (ресурслар) қолдиғи</i>	16 798,5	16 798,5	0,0

Юқоридаги хато ва камчиликларни аудит жараёнида баргараф этилиши таъминланиб, Жамғарманинг 2020 йил ҳисоботи қайта шакллантирилди ва

Жамғарма томонидан аниқлаштирилган ҳисобот Молия вазирлигига тақдим қилинди (2021 йил 7 майдаги 02/06-710-сонли хат).

Натижада Жамғарманинг 2020 йилги даромадлари (ресурс) 463 240,7 млн сўмни ёки режага нисбатан 102,8 фоизни, касса харажатлари эса 522 945,0 млн сўмни ёки аниқлаштирилган режага нисбатан 99,2 фоизни ташкил этиши маълум бўлди.

млн.сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Прогноз	Аудит натижаси бўйича ижро	Фоизи
1	Ҳисобот даври бошига қолдиқ	1 008 700,0	1 007 965,2	99,9%
	<i>шунингдек:</i>		609,7	
-	<i>Муддатли депозитлар қолдиғи</i>		1 007 355,6	
-	<i>Молия ташкилотларига берилган кредитлар (ресурслар) қолдиғи</i>		26 060,4	
2	Жами даромадлар	450 700,0	463 240,7	102,8%
1	ЎзР Президентининг 2017 йил 17 августдаги ПҚ-3225-сон қарори 1-илоvasида кўрсатилган ташкилотлар бадаллари ҳисобидан шакллантириладиган Жамғарманинг бошланғич бадали	700,0	0,0	
2	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар	150 000,0	150 000,0	100,0%
3	Марказий банкнинг ҳар йилги соф фойдасининг Давлат бюджетига йўналтириладиган қисми	0,0	0,0	
4	Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари	100 000,0	100 000,0	100,0%
5	Жамғармага юкланган вазифаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган кредитлар (қарзлар) ва грантлар	50 000,0	0,0	
6	Тижорат банкларига ажратилган кредит маблағларининг сўндирилиши	13 700,0	9 261,9	67,6%
7	Асосий фаолиятдан, жумладан, депозитларни жойлаштириш, кредит ресурслари беришдан фоизлар ва кафилликлар бўйича комиссия тўловлардан тушадиган даромадлар, <i>шундан:</i>	110 900,0	107 202,9	96,7%
7.1	Бўш пул маблағларини депозитларга жойлаштиришдан тушумлар	76 500,0	69 853,4	91,3%
7.2	Кафилликлар бўйича комиссия тўловлардан тушадиган даромадлар	34 400,0	37 349,5	108,6%
8	Бошқа тушумлар (қайта баҳолашдан олинган даромад, асосий воситаларни сотишдан тушум, аввалги йилларда тўланган суд харажатлари қайтиши ва б.)	25 400,0	96 775,9	381,0%
3	Жами харажатлар	527 300,0	522 945,0	99,2%
1	Тижорат банкларига қарз олувчиларнинг кредитлари бўйича тақдим этилган кафолат ва суғурга қопламаси билан боғлиқ тўловларни тўлаш	33 300,0	69,3	0,2%
2	Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини бир қисмини қоплаш учун компенсациялар бериш	462 843,2	497 153,9	107,4%
3	Тижорат банкларига берилган кредит ресурслари	0,0	0,0	
4	Сақлаш харажатлари	11 108,4	7 077,1	63,7%

Т/р	Кўрсаткичлар	Прогноз	Аудит натижаси бўйича ижро	Фоиизи
5	Бошқа харажатлар (қайта баҳолашдан кўрилган зарар ва солиқ харажатлари)	20 048,4	18 644,7	93,0%
4	Ҳисобот даври охирига қолдиқ	932 100,0	948 261,0	101,7%
	<i>шунингдек:</i>		243 855,5	
-	<i>Муддатли депозитлар қолдиғи</i>	x	704 405,5	
-	<i>Молия ташкилотларига берилган кредитлар (ресурслар) қолдиғи</i>	x	16 798,5	

8.8 Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисоботда Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси жами даромадлари 453 999,8 млн сўмни ёки режага нисбатан 270 фоизни, касса харажатлари эса 583 797,7 млн сўмни ёки режага нисбатан 161 фоизни ташкил этганлиги кўрсатилган.

млн сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот бўйича		Фоиизда
		Прогноз	Ижро	
1	Ҳисобот даври бошига қолдиқ	222 519,9	222 519,9	100
	Шундан депозит ҳисобрақаидаги қолдиқ	x	57 000,0	
2	Жами даромадлар	168 000,0	453 999,8	270%
	<i>жумладан:</i>			
1	Давлат активлари сотилишидан тушумлар	131 000,0	318 225,7	243
2	Давлат мулкани ижарага беришдан тушумлар	20 000,0	21 633,2	108
3	Бошқа тушумлар	17 000,0	114 140,9	671
3	Жами харажатлар	362 519,9	583 797,7	161
	<i>жумладан:</i>			
3.1.	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига	121 900,0	121 928,1	100
3.2.	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига	13 000,0	14 378,5	111
3.3.	Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига	10 600,0	12 174,6	115
3.4.	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасига	6 900,0	6 908,8	100
3.5.	Агентликнинг тасарруф этиш ва бошқариш функцияларини бажариш билан боғлиқ харажатларини қоплашга	100 000,0	101 493,0	101
3.6.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларига мувофиқ амалга ошириладиган харажатлар ва бекор бўлган шартномалар ҳамда бошқа харажатларга	110 119,9	326 914,7	297
4	Ҳисобот даври охирига қолдиқ	28 000,0	92 722,0	331

Давлат активларини сотилишидан тушган тушумлар бўйича 131 000 млн сўм прогноз белгиланган бўлиб, амалда 318 225,7 млн сўмга ёки 243 фоизга ижроси таъминланган.

Далвта мулкни ижарага беришдан тушумлар режаси 20 000 млн сўм бўлиб, ҳақиқатда 21 633,2 млн сўм ёки 108 фоизга бажарилган.

Жамғарманинг бошқа тушумлар моддаси режаси 17 000 млн сўм бўлсада, ижроси 114 140,9 млн сўмга ёки 671 фоизга бажарилган.

Шу билан бирга, жамғарма ҳисоботининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларига мувофиқ амалга ошириладиган харажатлар ва бекор бўлган шартномалар ҳамда бошқа харажатлар моддасида режа 110 119,9 млн сўм деб белгиланган бўлиб, ижроси 326 914,7 млн сўмга ёки 297 фоизга ошириб амалга оширилган.

Аудит жараёнида Жамғарма ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва Тижорат банкларидаги ҳисоб рақамлардаги харажатлар ва қолдиқлари билан солиштирилганда тафовут аниқланмади.

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот бўйича ижро	млн сўм Текшириш натижаси бўйича	
			ИЖРО	тафовут
1	Ҳисобот даври бошига қолдиқ	222 519,9	222 519,9	0,0
	Шундан депозит ҳисобрақамидаги қолдиқ	57 000,0	57 000,0	0,0
2	Жами даромадлар	453 999,8	453 999,8	0,0
1	Давлат активлари сотилишидан тушумлар	318 225,7	318 225,7	0,0
2	Давлат мулкни ижарага беришдан тушумлар	21 633,2	21 633,2	0,0
3	Бошқа тушумлар	114 140,9	114 140,9	0,0
3	Жами харажатлар	583 797,7	583 797,7	0,0
3.1.	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига	121 928,1	121 928,1	0,0
3.2.	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига	14 378,5	14 378,5	0,0
3.3.	Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига	12 174,6	12 174,6	0,0
3.4.	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасига	6 908,8	6 908,8	0,0
3.5.	Агентликнинг тасарруф этиш ва бошқариш функцияларини бажариш билан боғлиқ харажатларини қоплашга	101 493,0	101 493,0	0,0
3.6.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларига мувофиқ амалга ошириладиган харажатлар ва бекор бўлган шартномалар ҳамда бошқа харажатларга	326 914,7	326 914,7	0,0
4	Ҳисобот даври охирига қолдиқ	92 722,0	92 722,0	0,0

8.9 Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисоботда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармасининг жами даромадлари 128 163,2 млн сўмни ёки режага нисбатан 69,6 фоизни, касса харажатлари эса 71 544,0 млн сўмни ёки режага нисбатан 35,1 фоизни ташкил этганлиги кўрсатилган.

млн сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот бўйича		Фоизи
		прогноз	ижро	
1	Ҳисобот даврига қолдиқ	21 600,0	175 587,1	812,9%
	<i>шунингдек:</i>		21 632,0	
-	<i>Молиявий ташкилотларга берилган кредитлар (ресурс) қолдиғи</i>	x	150 358,3	
-	<i>Бошқа турдаги ички кредитлар қолдиғи</i>	x	3 596,8	
2	Жами даромадлар	184 083,8	128 163,2	69,6%
1	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар	120 000,0	120 000,0	100,0%
2	Тижорат банкларидаги имтиёзли кредит ресурсларига ҳисобланган фоизлардан тушадиган даромадлар	3 447,0	8 163,2	236,8%
3	Бошқа даромадлар	60 636,8		
3	Жами харажатлар	203 900,0	71 544,0	35,1%
1	Хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлаги бўлган аёлларга моддий ёрдам	16 473,0	5 858,1	35,6%
2	Уй-жой шароитини яхшилашга мухтож оналарни турар жой билан таъминлашда бошланғич бадалларини қайтармаслик шарти билан тўлаб бериш	34 000,0	21 745,8	64,0%
3	Хотин-қизлар кўмитаси ва Оила илмий тадқиқот марказини сақлаш харажатлари	5 577,0	4 155,3	74,5%
4	Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги ва маҳалла ва оила илмий тадқиқот институтининг сақлаш харжатлари	36 000,0	34 699,7	96,4%
5	Зўрлик ишлатишдан жаб кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишни олдиниши олиш марказининг сақлаш харажатлари	997,0	981,6	98,5%
6	Ҳукумат қарори билан “Оила” марказига ажратилган бинони капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш харажатлари	6 000,0		
7	Бошқа харажатлар	104 853,0	4 103,5	3,9%
4	Ҳисобот даври охирига қолдиқ	6 500,0	232 206,3	35 м.
	<i>шунингдек:</i>		9 576,3	
-	<i>Молиявий ташкилотларга берилган кредитлар (ресурс) қолдиғи</i>	x	222 630,0	

Аудит жараёнида Жамғарма ҳисоботида йил бошидаги қолдиқ (-153 955,1 млн сўм), Тижорат банкларидаги имтиёзли кредит ресурслари қайтарилиши (+69 728,3 млн сўм), Бошқа тушумлар (3 597,7 млн сўм) ҳамда Хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорликни ташкил этишда тижорат банкларига имтиёзли кредит ресурслари ажратиш (+142 000,0 млн сўм), Бошқа харажатлар (+0,9 млн сўм) ва ҳисобот даври охирига қолдиқ

(-222 630,0 млн сўм) нотўғри акс эттирилганлиги аниқланди.

млн сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Жамғарма ҳисоботи бўйича ижро	Аудит натижаси бўйича ижро	Фарқи
1	Ҳисобот даврига қолдиқ	175 587,1	21 632,0	-153 955,1
	<i>шунингдек:</i>	<i>21 632,0</i>	<i>21 632,0</i>	<i>0,0</i>
-	<i>Молиявий ташиқлотларга берилган кредитлар (ресурс) қолдиги</i>	<i>150 358,3</i>	<i>150 358,3</i>	<i>0,0</i>
-	<i>Бошқа турдаги ички кредитлар қолдиги</i>	<i>3 596,8</i>	<i>3 596,8</i>	<i>0,0</i>
2	Жами даромадлар	128 163,2	201 489,2	73 326,0
1	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар	120 000,0	120 000,0	0,0
2	Тижорат банкларидаги имтиёзли кредит ресурслари қайтарилиши	0,0	69 728,3	69 728,3
3	Тижорат банкларидаги имтиёзли кредит ресурсларига ҳисобланган фоизлардан тушадиган даромадлар	8 163,2	8 163,2	0,0
4	Бошқа даромадлар	0,0	3 597,7	3 597,7
3	Жами ҳаражатлар	71 544,0	213 544,9	142 000,9
1	Хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлаги бўлган аёлларга моддий ёрдам	5 858,1	5 858,1	0,0
2	Хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорликни ташкил этишда тижорат банкларидаги имтиёзли кредит ресурслари ажратиш		142 000,0	142 000,0
3	Уй-жой шароитини яхшилашга мухтож оналарни турар жой билан таъминлашда бошланғич бадалларини қайтармаслик шарти билан тўлаб бериш	21 745,8	21 745,8	0,0
4	Хотин-қизлар қўмитаси ва Оила илмий тадқиқот марказини сақлаш ҳаражатлари	4 155,3	4 155,3	0,0
5	Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги ва маҳалла ва оила илмий тадқиқот институтининг сақлаш ҳаражатлари	34 699,7	34 699,7	0,0
6	Зўрлик ишлатишдан жаб қўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишни олдиниши олиш марказининг сақлаш ҳаражатлари	981,6	981,6	0,0
8	Бошқа ҳаражатлар	4 103,5	4 104,4	0,9
4	Ҳисобот даври охирига қолдиқ	232 206,3	9 576,3	-222 630,0
	<i>шунингдек:</i>	<i>9 576,3</i>	<i>9 576,3</i>	<i>0,0</i>
-	<i>Молиявий ташиқлотларга берилган кредитлар (ресурс) қолдиги</i>	<i>222 630,0</i>	<i>222 630,0</i>	<i>0,0</i>

Юқоридаги хато ва камчиликларни аудит жараёнида бартараф этилиши таъминланиб, Жамғарманинг 2020 йил ҳисоботи қайта шакллантирилди ва Жамғарма томонидан аниқлаштирилган ҳисобот Молия вазирлигига тақдим қилинди (2021 йил 7 майдаги 31-сонли хат).

Натижада Жамғарманинг 2020 йилги даромадлари 201 489,2 млн сўмни ёки режага нисбатан 109,5 фоизни, касса ҳаражатлари эса

213 544,9 млн сўмни ёки режага нисбатан 104,7 фоизни ташкил этиши маълум бўлди.

млн.сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Прогноз	Аудит натижаси бўйича ижро	Фоизи
1	Ҳисобот даврига қолдиқ	21 600,0	21 632,0	100,1%
-	<i>Молиявий ташиқлотларга берилган кредитлар (ресурс) қолдиғи</i>	<i>x</i>	<i>150 358,3</i>	
-	<i>Бошқа турдаги ички кредитлар қолдиғи</i>	<i>x</i>	<i>3 596,8</i>	
2	Жами даромадлар	184 083,8	201 489,2	109,5%
1	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар	120 000,0	120 000,0	100,0%
2	Тижорат банкларидаги имтиёзли кредит ресурслари қайтарилиши	0,0	69 728,3	
3	Тижорат банкларидаги имтиёзли кредит ресурсларига ҳисобланган фоизлардан тушадиган даромадлар	3 447,0	8 163,2	236,8%
4	Бошқа даромадлар	60 636,8	3 597,7	5,9%
3	Жами ҳаражатлар	203 900,0	213 544,9	104,7%
1	Хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлаги бўлган аёлларга моддий ёрдам	16 473,0	5 858,1	35,6%
2	Хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорликни ташкил этишда тижорат банкларига имтиёзли кредит ресурслари ажратиш		142 000,0	
3	Уй-жой шароитини яхшилашга мухтож оналарни турар жой билан таъминлашда бошланғич бадалларини қайтармаслик шарти билан тўлаб бериш	34 000,0	21 745,8	64,0%
4	Хотин-қизлар кўмитаси ва Оила илмий тадқиқот марказини сақлаш ҳаражатлари	5 577,0	4 155,3	74,5%
5	Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги ва маҳалла ва оила илмий тадқиқот институтининг сақлаш ҳаражатлари	36 000,0	34 699,7	96,4%
6	Зўрлик ишлатишдан жаб кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишни олдиниши олиш марказининг сақлаш ҳаражатлари	997,0	981,6	98,5%
7	Ҳукумат қарори билан “Оила” марказига ажратилган бинони капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ҳаражатлари	6 000,0	0,0	
8	Бошқа ҳаражатлар	104 853,0	4 104,4	3,9%
4	Ҳисобот даври охирига қолдиқ	6 500,0	9 576,3	147,3%
	<i>шунингдек:</i>		<i>9 576,3</i>	
-	<i>Молиявий ташиқлотларга берилган кредитлар (ресурс) қолдиғи</i>	<i>x</i>	<i>222 630,0</i>	

8.10 Ахборот-коммуникация ва технологияларини ривожлантириш жамғармаси ижроси

Жамғарма томонидан тақдим этилган ҳисоботда жами даромадлари 725 539,6 млн сўмни ёки аниқлаштирилган режага нисбатан 112,2 фоизни, касса ҳаражатлари эса 643 553,2 млн сўмни ёки аниқлаштирилган режага нисбатан 108,3 фоизни ташкил этганлиги кўрсатилган.

Кўрсаткичлар	Аниқланган режа	Касса ижроси	%
Йил бошидаги қолдиқ	218 921,0	218 921,0	
<i>Шундан депозит ҳисобрақамдаги қолдиқ</i>	<i>216 400,0</i>	<i>216 400,0</i>	
ДАРОМАДЛАР	646 136,7	725 539,6	112,3
Абонент рақамидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан тушган маблағлар.	429 166,8	495 419,5	115,4
<i>Шундан абонент рақамидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан тушган маблағнинг махсус ҳисоб рақамга йўналтирилган қисми</i>	<i>113 973,8</i>	<i>117 250,5</i>	<i>102,9</i>
Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилганлиги учун давлат божи тўлашдан тушувчи маблағлар.	71 668,9	68 960,5	96,2
Депозитларни ва кредит ресурсларини асосий қисмини қайтиши ҳисобига келиб тушадиган тушумлар.	0,0	0,0	0,0
Алоқа соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, стандартлар, кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилганлиги учун мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунушидан қатъий назар, алоқа соҳасида фаолиятни амалга ошираётган юридик шахслардан жарима жазолари сифатида ундириладиган маблағ.	0,0	11 343,6	100,0
Депозитларни жойлаштириш, кредит ресурслари беришдан фоизлар, дивидендлар ва кафолатлар беришдан тушадиган даромадлар.	14 755,5	13 200,1	89,5
Бошқа тушумлар	0,0	7 027,4	100,0
Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари ва бошқа тўловлардан тушадиган маблағларнинг 0,5 фоизи.	3 852,7	962,8	25,0
Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари, йиғимлар ва барча турдаги тўловларнинг 11,25 фоизи.	12 719,0	11 375,2	89,4
ХАРАЖАТЛАР	594 337,4	643 553,2	108,3
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги 3753-сон қарори.	60 589,9	60 589,9	100,0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида” 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон қарори. (Жамғармага келиб тушадиган абонент рақамидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан тушган маблағлардан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги илмий-инновацион ривожлантириш жамғармасига 1% миқдори).	4 627,7	4 627,7	100,0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси — ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида” 2012 йил 20 мартдаги ПҚ-1729-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”	10 820,0	10 820,0	100,0

Кўрсаткичлар	Аниқланган режа	Касса ижроси	%
2019 йил 7 июндаги ПҚ-4354-сон қарорлари (Жамғармага асосий йўналишдан келиб тушадиган маблағларнинг 2% миқдори).			
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ер усти рақамли телекўрсатув тармоғини ривожлантириш учун Япония халқаро ҳамкорлик банки ва Япония тижорат банкларининг имтиёзли кредитини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 3 апрелдаги ПҚ-2157-сон қарори.	48 739,2	48 739,2	100,0
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 24 июлдаги қарори.	1 500,0	1 500,0	100,0
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 18 апрелдаги 333-сон қарори.	9 555,5	9 555,5	100,0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида Инха Университетини ташкил этиш тўғрисида” 2014 йил 24 мартдаги ПҚ-2155-сон қарори.	11 082,7	11 082,7	100,0
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 16 мартдаги 273-ф-сон фармойиши.	14 269,1	14 269,1	100,0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 19 февралдаги ПҚ-3549-сон қарори.	456,7	456,7	100,0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарори.	332,8	332,8	100,0
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг Ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 15 августдаги 630 сон қарори.	1 201,8	1 201,8	100,0
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2016 йил 17 февралдаги 121-сон фармойиши.	2 352,1	2 352,1	100,0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 11 февралдаги ПҚ-4185-сон қарори.	856,8	856,8	100,0
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасини янада ривожлантириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш тўғрисида” 2012 йил 19 декабрдаги 356-сон қарори”.	427 953,1	477 168,9	111,5
Йил якуни бўйича маблағлар қолдиғи	X	300 907,4	
<i>Шундан депозит ҳисобрақамдаги қолдиқ</i>		216 400,0	

Аудит жараёнида Жамғарма ҳисоботида:

- **ҳисобот даври бошига қолдиқ** (-2 375,6 млн сўм);

- **жами даромадлар** (-46 642,1 млн сўм), шу жумладан абонент рақамидан фойдаланиш учун ҳақ тўлашдан тушган маблағлар (-51 815,6 млн сўм), лицензия берилганлиги учун давлат божи тўлашдан тушувчи маблағлар (+12 014,0 млн сўм), кредит ресурсларининг қайтиши ҳисобига тушумлар (+2 412,3 млн сўм), алоқа хизматлари сифати бузилганлиги учун жарима жазолари сифатида ундириладиган маблағлар (-11 343,6 млн сўм), фоизли даромадлар (+1 64,8 млн сўм), бошқа тушумлар (+516,6 млн сўм), ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари ва бошқа тўловлардан тушадиган маблағлар (+9,5 млн сўм);

- **жами харажатлар** (-49 087,9 млн сўм), шу жумладан Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасини янада ривожлантириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш тўғрисида” 2012 йил 19 декабрдаги 356-сон қарори асосида сақлаш ва бошқа харажатлар (-49 364,7 млн сўм) ва бошқа харажатлар (Республика бюджетига асосиз ўтказилган маблағ) (+277,1 млн. сўм);

- **ҳисобот даври охирига қолдиқ** (-70,2 млн сўм) нотўғри акс эттирилганлиги аниқланди.

Кўрсаткичлар	млн. сўм		
	Жамғарма ҳисоботи бўйича ижро	Аудит натижаси бўйича ижро	Фарқи
Йил бошидаги қолдиқ	218 921,0	216 545,4	-2 375,6
<i>Шундан депозит ҳисобрақамдаги қолдиқ</i>	<i>216 400,0</i>	<i>216 400,0</i>	<i>0,0</i>
ДАРОМАДЛАР	725 539,6	678 897,5	-46 642,1
Абонент рақамидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан тушган маблағлар.	495 419,5	560 854,5	-51 815,6
<i>Шундан абонент рақамидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан тушган маблағнинг махсус ҳисоб рақамга йўналтирилган қисми</i>	<i>117 250,5</i>	<i>-</i>	
Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилганлиги учун давлат божи тўлашдан тушувчи маблағлар.	68 960,5	80 974,6	12 014,0
Депозитларни ва кредит ресурсларини асосий қисмини қайтиши ҳисобига келиб тушадиган тушумлар.	0,0	2 412,3	2 412,3
Алоқа соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, стандартлар, кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилганлиги учун мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунушидан қатъий назар, алоқа соҳасида фаолиятни амалга ошираётган юридик шахслардан жарима жазолари сифатида ундириладиган маблағ.	11 343,6	0,0	-11 343,6
Депозитларни жойлаштириш, кредит ресурслари беришдан фоизлар, дивидендлар ва кафолатлар беришдан тушадиган даромадлар.	13 200,1	14 764,9	1 564,8
Бошқа тушумлар	7 027,4	7 544,0	516,6

Кўрсаткичлар	Жамғарма хисоботи бўйича ижро	Аудит натижаси бўйича ижро	Фарқи
Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари ва бошқа тўловлардан тушадиган маблағларнинг 0,5 фоизи.	962,8	972,3	9,5
Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари, йиғимлар ва барча турдаги тўловларнинг 11,25 фоизи.	11 375,2	11 375,0	-0,1
ХАРАЖАТЛАР	643 553,2	594 465,3	-49 087,9
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги 3753-сон қарори.	60 589,9	60 589,9	0,0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида” 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон қарори. (Жамғармага келиб тушадиган абонент рақамидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан тушган маблағлардан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги илмий-инновацион ривожлантириш жамғармасига 1% миқдори).	4 627,7	4 627,7	0,0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси — ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 20 мартдаги ПҚ-1729-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 7 июндаги ПҚ-4354-сон қарорлари (Жамғармага асосий йўналишдан келиб тушадиган маблағларнинг 2% миқдори).	10 820,0	10 820,0	0,0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ер усти рақамли телекўрсатув тармоғини ривожлантириш учун Япония халқаро ҳамкорлик банки ва Япония тижорат банкларининг имтиёзли кредитини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 3 апрелдаги ПҚ-2157-сон қарори.	48 739,2	48 739,2	0,0
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетиде кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 24 июлдаги қарори.	1 500,0	1 500,0	0,0
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 18 апрелдаги 333-сон қарори.	9 555,2	9 555,2	0,0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида Инха Университетини ташкил этиш тўғрисида” 2014 йил 24 мартдаги ПҚ-2155-сон қарори.	11 082,7	11 082,7	0,0
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 16 мартдаги 273-ф-сон фармойиши.	14 269,1	14 269,1	0,0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	456,7	456,7	0,0

Кўрсаткичлар	Жамғарма ҳисоботи бўйича ижро	Аудит натижаси бўйича ижро	Фарқи
фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 19 февралдаги ПҚ-3549-сон қарори.			
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарори.	332,8	332,8	0,0
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг” Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг Ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 15 августдаги 630 сон қарори.	1 201,8	1 201,8	0,0
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2016 йил 17 февралдаги 121-сон фармойиши.	2 352,1	2 352,1	0,0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 11 февралдаги ПҚ-4185-сон қарори.	856,8	856,8	0,0
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасини янада ривожлантириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш тўғрисида” 2012 йил 19 декабрдаги 356-сон қарори”.	477 168,9	427 804,2	-49 394,7
		277,1	
Йил якуни бўйича маблағлар қолдиғи	300 907,4	300 977,6	-70,2
<i>Шундан депозит ҳисобрақамдаги қолдиқ</i>	<i>216 400,0</i>	<i>216 400,0</i>	<i>0,0</i>

Юқоридаги хато ва камчиликларни аудит жараёнида бартараф этилиши таъминланиб, Жамғарманинг 2020 йил ҳисоботи қайта шакллантирилди ва Жамғарма томонидан аниқлаштирилган ҳисобот Молия вазирлигига тақдим қилинди (2021 йил 10 майдаги F-03/28 сонли хат).

Натижада Жамғарманинг 2020 йилги даромадлари 678 897,5 млн сўмни ёки аниқлаштирилган режага нисбатан 114,3 фоизни, касса харажатлари эса 594 465,3 млн сўмни ёки аниқлаштирилган режага нисбатан 100,1 фоизни ташкил этиши маълум бўлди.

млн.сўм

Кўрсаткичлар	Аниқлаш-тирилган режа	Аудит натижаси бўйича ижро	%
Йил бошидаги қолдиқ	216 545,4	216 545,4	
<i>Шундан депозит ҳисобрақамдаги қолдиқ</i>	<i>216 400,0</i>	<i>216 400,0</i>	
ДАРОМАДЛАР	593 726,0	678 897,5	114,3
Абонент рақамидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан тушган маблағлар.	482 430,6	560 854,5	116,3
<i>Шундан абонент рақамидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан тушган маблағнинг махсус ҳисоб рақамга йўналтирилган қисми</i>	<i>0,0</i>	<i>49 403,7</i>	
Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш	71 668,9	80 974,6	113,0

Кўрсаткичлар	Аниқлаш-тирилган режа	Аудит натижаси бўйича ижро	%
ҳуқуқини берувчи лицензия берилганлиги учун давлат божи тўлашдан тушувчи маблағлар.			
Депозитларни ва кредит ресурсларини асосий қисмини қайтиши ҳисобига келиб тушадиган тушумлар.	0,0	2 412,3	100,0
Алоқа соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, стандартлар, кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилганлиги учун мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсуншидан қатъий назар, алоқа соҳасида фаолиятни амалга ошираётган юридик шахслардан жарима жазолари сифатида ундириладиган маблағ.	0,0	0,0	0
Депозитларни жойлаштириш, кредит ресурслари беришдан фоизлар, дивидендлар ва кафолатлар беришдан тушадиган даромадлар.	34 295,0	14 764,9	43,1
Бошқа тушумлар	5 331,5	7 544,0	141,5
Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари ва бошқа тўловлардан тушадиган маблағларнинг 0,5 фоизи.	0,0	972,3	100,0
Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари, йиғимлар ва барча турдаги тўловларнинг 11,25 фоизи.	0,0	11 375,0	100,0
ХАРАЖАТЛАР	593 871,4	594 465,3	100,1
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги 3753-сон қарори.	60 589,9	60 589,9	100,0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида” 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон қарори. (Жамғармага келиб тушадиган абонент рақамидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан тушган маблағлардан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги илмий-инновацион ривожлантириш жамғармасига 1% миқдори).	4 627,7	4 627,7	100,0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси — ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 20 мартдаги ПҚ-1729-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 7 июндаги ПҚ-4354-сон қарорлари (Жамғармага асосий йўналишдан келиб тушадиган маблағларнинг 2% миқдори).	10 820,0	10 820,0	100,0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ер усти рақамли телекўрсатув тармоғини ривожлантириш учун Япония халқаро ҳамкорлик банки ва Япония тижорат банкларининг имтиёзли кредитини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 3 апрелдаги ПҚ-2157-сон қарори.	48 739,2	48 739,2	100,0
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан	1 500,0	1 500,0	100,0

Кўрсаткичлар	Аниқлаш-тирилган режа	Аудит натижаси бўйича ижро	%
такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида” 2018 йил 24 июлдаги қарори.			
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 18 апрелдаги 333-сон қарори.	9 555,5	9 555,2	100,0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида Инха Университетини ташкил этиш тўғрисида” 2014 йил 24 мартдаги ПҚ-2155-сон қарори.	11 082,7	11 082,7	100,0
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 16 мартдаги 273-ф-сон фармойиши.	14 269,1	14 269,1	100,0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 19 февралдаги ПҚ-3549-сон қарори.	456,7	456,7	100,0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарори.	332,8	332,8	100,0
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг” Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг Ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиш чоратадбирлари тўғрисида” 2017 йил 15 августдаги 630 сон қарори.	1 201,8	1 201,8	100,0
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2016 йил 17 февралдаги 121-сон фармойиши.	2 352,1	2 352,1	100,0
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид кўшимча чоратадбирлар тўғрисида” 2019 йил 11 февралдаги ПҚ-4185-сон қарори.	856,8	856,8	100,0
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасини янада ривожлантириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш тўғрисида” 2012 йил 19 декабрдаги 356-сон қарори”.	427 487,1	427 804,2	100,1
Бош харажатлар (Республика бюджетига асосиз ўтказилган маблағ)		277,1	
Йил якуни бўйича маблағлар қолдиғи		300 977,6	
<i>Шундан депозит ҳисобрақамдаги қолдиқ</i>	<i>216 400,0</i>	<i>216 400,0</i>	

8.11 Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармасининг ижроси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисоботда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармаси жами даромадлари 235 675,8 млн сўмни ёки режага нисбатан 88 фоизни, касса харажатлари эса 226 799,4 млн сўмни ёки режага нисбатан 92 фоизни ташкил этганлиги кўрсатилган.

млн. сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот бўйича		Фоизда
		Прогноз	Ижро	
1	Ҳисобот даври бошига қолдиқ	145 102,4	145 102,4	100%
	Шундан депозит ҳисобрақамидаги қолдиқ	х	137 000,0	
2	Жами даромадлар	267 108,0	235 675,8	88%
	<i>жумладан:</i>			
	Республика бюджети маблағлари	66 206,3	50 804,1	77%
	Дарсликлар ижарасидан тушадиган тушумлар	177 797,6	162 921,8	92%
	Вақтинчалик бўш маблағларни жойлаштиришдан даромад	10 514,3	13 059,0	124%
	Кейинчалик фойдаланишга яроқсиз бўлган дарсликларни утилизация қилишдан тушадиган тушумлар	12 589,7	8 882,1	71%
	Бошқа тушумлар		8,8	
3	Жами харажатлар	245 570,0	226 799,4	92%
	<i>жумладан:</i>			
3.1	Бюджет маблағлари ҳисобидан харажатлар	66 206,3	50 804,1	77%
	1-синф ўқувчиларини дарсликлар билан бепул таъминлаш	27 975,4	13 571,0	49%
	Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб ва мактаб интернат тарбияланувчи ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш	9 631,9	8 961,0	93%
	Ижтимоий ёрдамга мухтож бўлган оилалардаги ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш	17 461,5	17 461,5	100%
	Умумий ўрта таълим муассасаларини ижара тизимини дарсликлар билан бирламчи таъминлаш	5 067,4	5 067,4	100%
	Ўқув-методик қўлланмаларни ва уларнинг мультимедия иловаларини харид қилиш	3 064,9	2 850,9	93%
	Бюджет маблағлари ҳисобидан нашр этилган дарсликлар, ўқув услубий қўлланмаларни етказиб бериш	3 005,2	2 892,3	96%
3.2	Жамғарма айланма маблағлари ҳисобидан харажатлар	172 667,7	171 594,1	99%
	Ижара тўловлари ҳисобидан умумий ўрта таълим муассасалари учун дарсликларни харид қилиш	151 332,1	150 713,5	100%
	Ижара туловлари ҳисобидан умумий ўрта таълим муассасалари учун дарсликларни етказиб бериш	11 305,9	10 850,9	96%
	Бюджетга тикланиши керак бўлган маблағ (Ўз Рес.ХТВга ўтказилди)	10 029,7	10 029,7	100%
3.3	Жамғарма ижро этувчи дирекциясининг сақлаш харажатлари	6 696,0	4 401,3	66%
4	Ҳисобот даври охирига қолдиқ	166 640,4	153 978,7	92%
	Шундан депозит ҳисобрақамидаги қолдиқ	х	140 000,0	

Тақдим этилган ҳисоботнинг даромадлар қисмидаги 4 модда бўйича белгиланган режадан фақатгина 1 таси ортиғи билан бажаришга эришилган. Қолган 3 та модда бўйича режалар бажарилмаган.

Жумладан, вақтинчалик бўш маблағларни жойлаштиришдан олинган режалаштирилган даромад учун 10 514,3 млн сўм режа белгиланган бўлиб, ҳисоботдаги ижроси 13 059,0 млн сўм ёки 124 фоизга бажарилган.

Жамғарманинг харажатлар бўлими 2 қисмдан иборат, жумладан, бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилган чиқимлар ва жамғарма айланма маблағлари ҳисобидан бажарилган харажатлар.

Бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар бўйича прогнозида 66 206,3 млн сўм режа белгиланган бўлиб, ҳисобот бўйича ижроси 50 804,1 млн сўмга ёки 77 фоизга бажарилган.

Шунингдек, жамғарма айланма маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар учун 172 667,7 млн сўм прогноз режаси ўрнатилган бўлиб, ҳисоботдаги ижроси 171 594,1 млн сўмга ёки 99 фоизга бажарилган.

Аудит жараёнида Жамғарма ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва Тижорат банкларидаги ҳисоб рақамлардаги ҳаракатлар ва қолдиқлари билан солиштирилганда тафовут аниқланмади.

млн сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот бўйича	Текшириш натижаси бўйича	
		Ижро	Ижро	Тафовут
1	Ҳисобот даври бошига қолдиқ	145 102,4	145 102,4	0,0
	Шундан депозит ҳисобрақаидаги қолдиқ	137 000,0	137 000,0	0,0
2	Жами даромадлар	235 675,8	235 675,8	0,0
	Республика бюджети маблағлари	50 804,1	50 804,1	0,0
	Дарсликлар ижарасидан тушадиган тушумлар	162 921,8	162 921,8	0,0
	Вақтинчалик бўш маблағларни жойлаштиришдан даромад	13 059,0	13 059,0	0,0
	Кейинчалик фойдаланишга яроқсиз бўлган дарсликларни утилизация қилишдан тушадиган тушумлар	8 882,1	8 882,1	0,0
	Бошқа тушумлар	8,8	8,8	0,0
3	Жами харажатлар	226 799,4	226 799,4	0,0
3.1	Бюджет маблағлари ҳисобидан харажатлар	50 804,1	50 804,1	0,0
	1-синф ўқувчиларини дарсликлар билан бепул таъминлаш	13 571,0	13 571,0	0,0
	Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб ва мактаб интернат тарбияланувчи ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш	8 961,0	8 961,0	0,0
	Ижтимоий ёрдамга мухтож бўлган оилалардаги ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш	17 461,5	17 461,5	0,0
	Умумий ўрта таълим муассасаларини ижара тизимини дарсликлар билан бирламчи таъминлаш	5 067,4	5 067,4	0,0
	Ўқув-методик қўлланмаларни ва уларнинг мультимедия иловаларини харид қилиш	2 850,9	2 850,9	0,0
	Бюджет маблағлари ҳисобидан нашр этилган дарсликлар, ўқув услубий қўлланмаларни етказиб бериш	2 892,3	2 892,3	0,0
3.2	Жамғарма айланма маблағлари ҳисобидан харажатлар	171 594,1	171 594,1	0,0
	Ижара туловлари ҳисобидан умумий ўрта таълим муассасалари учун дарсликларни харид қилиш	150 713,5	150 713,5	0,0
	Ижара туловлари ҳисобидан умумий ўрта таълим муассасалари учун дарсликларни етказиб бериш	10 850,9	10 850,9	0,0
	Бюджетга тикланиши керак бўлган маблағ (Ўз Рес.ХТВга ўтказилди)	10 029,7	10 029,7	0,0
3.3	Жамғарма ижро этувчи дирекциясининг сақлаш харажатлари	4 401,3	4 401,3	0,0

4	Ҳисобот даври охирига қолдиқ	153 978,7	153 978,7	0,0
	Шундан депозит ҳисобрақамидаги қолдиқ	140 000,0	140 000,0	0,0

8.12 Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги “Тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш” жамғармасининг ижроси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисоботда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги “Тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш” жамғармаси жами даромадлари 139 886,7 млн сўмни ёки режага нисбатан 57,3 фоизни, касса харажатлари эса 156 256,4 млн сўмни ёки режага нисбатан 58,7 фоизни ташкил этганлиги қайд этилган.

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисобот бўйича		Ҳисобот бўйича
		Прогноз	Ижро	
1	Ҳисобот даврига қолдиқ	22 074,5	22 374,1	101,4%
	<i>шунингдек:</i>			
-	<i>Муддатли депозитлар қолдиги</i>	<i>x</i>	<i>8 000,0</i>	
2	Жами даромадлар	244 000,0	139 886,7	57,3%
1	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар	40 000,0	37 130,0	92,8%
2	Депозитларни жойлаштириш, кредит ресурсларини бериш ва кафолатлар беришдан олинган даромадлар	204 000,0	0,0	
3	Депозит ва кредит ресурсларини асосий қисмини қайтиши ҳисобига келиб тушадиган тушумлар	0,0	656,7	
4	Юридик ва жисмоний шахслар томонидан хомийлик ва беғараз ёрдамлар	0,0	102 100,0	
3	Жами харажатлар	266 074,5	156 256,4	58,7%
1	Тез тиббий ёрдам хизматининг махсус автотранспортини харид қилиш ва транспорт паркни янгилаш, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш	0,0	13 549,8	
2	Тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш	0,0	3 162,6	
3	Фавқулотда вазиятлар вазирлиги таркибидаги эшитиш ва нутқида муаммоси бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш диспетчирлик хизматини техник жиҳозлаш	0,0	589,3	
4	Тез тиббий ёрдам хизмати ходимларига устамалар, мукофот пуллари ва бошқа рағбатлантириш харажатлари	0,0	138 954,7	
